


R-QIZ BEKISTON  
TARIIXI

HISTORY OF UZBEKISTAN

1/2014





R

614



Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI



O'ZBEKISTON  
FANLAR AKADEMIYASI



**1**  
**2014**

Jurnalga 1998-yil iyulda  
asos solindi.

Bir yilda to'rt marta  
chiqadi.

© O'zbekiston Respublikasi  
Fanlar akademiyasi

# O'ZBEKISTON TARIXI

*Ilmий журнал*

## МУНДАРИЖА

**Ю. Скайлер.** Туркистон: Рус Туркистони,  
Кўқон, Бухоро ва Фўлжага саёҳат  
қайдлари ..... 3

**А. Замонов.** XVIII–XIX аср ўрталарида Бухоро  
амирлигига ҳарбий бошқарув ва қўшин  
тузилиши ..... 15

### *Тарихшунослик, манба ва талқин*

**Қ. Якубов.** Ватан тарихшунослигига Хива  
хонлиги вақф мулкчилиги тарихини  
үрганиш масалалари ..... 28

**Г. Раҳим, С. Мухамедова.** Ўзбекистон  
Республикаси Марказий давлат  
архивидаги Ўзбекистон тарихчилари шахсий  
фонд хўжжатларининг тавсифи ..... 40

### *Этнология масалалари*

**М. Усмонов.** Жанубий Ўзбекистон ўзбеклари  
этномаданий идентиклигининг ўзгариши  
масалалари (Ўзбек қўнгиротлари мисолида) ..... 48

### *Тарихий биография*

**Э. Раджапов.** Миллий ҳарбий кадрлар корпуси  
вакили — Ризо Ёқубов ..... 56

### *Ёш тадқиқотчи минбари*

**Б. Ирзаев.** XX асрнинг 80-йилларида  
Ўзбекистонда мусиқа таълими  
ривожланишидаги зиддиятлар ..... 65

**Ш. Қаюмова.** Музейлар фаолиятини  
такомиллаштириш муаммолари хусусида ..... 75

### *Илмий ҳаёт*

**Ш. Асадова.** «Тарих фани Марказий Осиё  
интеллектуал ривожи контекстида» мавзуидаги  
Республика илмий анжумани ..... 85

ЭНЗ  
5

MAJBURIY NUSXA

“ 9 09 2014 yil.”

## СОДЕРЖАНИЕ

<b>Ю. Скайлер.</b> Туркестан: записки о путешествии по российскому Туркестану, Коканду, Бухаре и Кульдже .....	3
<b>А. Замонов.</b> Военное управление и его структура армии в Бухарском эмирате в XVIII — середине XIX века. ....	15
<b>Историография, источники и комментарии</b>	
<b>К. Якубов.</b> Вопросы изучения истории вакфной собственности в Хивинском ханстве в отечественной историографии .....	28
<b>Г. Рахим, С. Мухамедова.</b> Описание личных фондов историков Узбекистана Центрального государственного архива Республики Узбекистан .....	40
<b>Вопросы этнологии</b>	
<b>М. Усманов.</b> Вопросы изменения этнокультурной идентичности узбеков южного Узбекистана (на примере узбеков кунгратов). ....	48
<b>Историческая биография</b>	
<b>Э. Раджапов.</b> Представитель корпуса национальных военных кадров — Ризо Якубов .....	56
<b>Трибуна молодого исследователя</b>	
<b>Б. Ирзаев.</b> Противоречия в развитии музыкального образования в 80-е годы XX века .....	65
<b>Ш. Каюмова.</b> О некоторых проблемах совершенствования деятельности музеев. ....	75
<b>Научная жизнь</b>	
<b>Ш. Асадова.</b> О Республиканской научной конференции «Историческая наука в контексте интеллектуального развития Центральной Азии» .....	85

Таҳрир ҳайъати:

**Дилором Алимова**  
(бош муҳаррир)  
**Равшан Абдуллаев**  
**Бахром Абдуҳалимов**  
**Мируэрт Абусеитова**  
(Қозоғистон)  
**Бахтиёр Бабаджанов**  
**Алишер Дониёров**  
**Доно Зияева**  
**Мирсадик Исҳоқов**  
**Сурайё Каримова**  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
**Нодира Мустафаева**  
**Зоя Орифхонова**  
**Мирзоҳид Раҳимов**  
**Эдвард Ртвеладзе**  
**Ильза Сиртаутас (АҚШ)**  
**Рустам Сулаймонов**  
**Темур Ширинов**  
**Нозим Ҳабибуллаев**  
**Назокат Қосимова**  
**Шоира Асадова**  
(масъул котиб)  
Т. Гез (муқова дизайнери)

Манзилимиз:  
100170, Тошкент,  
И. Мўминов кўчаси, 9-үй.  
Тел.: 262-38-73

Журнал Ўзбекистон  
Матбуот ва аҳборот агентлиги  
томонидан рўйхатта олинган.  
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 04.04.2014.  
Босишга руҳсат этилди 24.04.2014.  
Қоғоз бичими 70×100<sup>1/6</sup>.  
Таймс гарнитура. Офсет босма.  
Офсет қофози. Ҳисоб-нашиён т. 5,4.  
Шартли босма т. 7,0. 270 нусха.  
Буюртма № 4.  
Келишилган нархда.

Оригинал-макет «ILM ZIYO» МЧЖ  
нашиёт уйида тайёрланди.  
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-үй.  
«PAPER MAX» XК  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-үй.

## Ю. СКАЙЛЕР

### ТУРКИСТОН: РУС ТУРКИСТОНИ, ҚЎҚОН, БУХОРО ВА ФЎЛЖАГА САЁҲАТ ҚАЙДЛАРИ\*

(Лондон, 1876. I-II жилд)

Ўзбекистон халқлари тарихини ҳаққоний ёритишида чет тиллардаги манбалар ва илмий адабиётларни ўрганиш республикамиз тарихчи олимлари олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Ана шундай хорижий манбалардан бири — 1873 йилда Туркистон ўлкасига ташриф буюрган АҚШнинг Санкт-Петербургдаги консули Южин Скайлер<sup>1</sup> нинг ўз саёҳати натижалари асосида илк бор 1876 йилда Лондонда чоп эттирган «Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Фўлжага саёҳат қайдлари»<sup>2</sup> номли икки жилдли асаридир.

Мазкур саёҳат Россия империясининг ҳарбий маъмурлари А.М. Горчаков, Д.А. Милютин ва К.П. Кауфманлар томонидан маъқулланиб, унга маҳсус руҳсатнома беришган. Ю. Скайлер Россия империясининг Ўрта Осиёдаги мустамлака ҳудудларига расмий руҳсат олиб ташриф буюрган хорижликларнинг дастлабки вакилларидан бири бўлганди. У ўз ҳамроҳи — «Нью-Йорк Геральд» газетаси журналисти Януарий Мак-Гахан билан биргаликда Перовский қалъасигача келган, сўнгра Ю. Скайлер Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қўқонга, Мак-Гахан эса Хивага йўл олган эди.

Ю. Скайлернинг 8 ой давом этган ушбу саёҳати тўлиқ акс эттирилган асар йўл хотиралари тарзида ёзилган бўлиб, тарихий-географик хусусиятга эга. Унинг биринчи жилдидан Даشت, Сирдарё, Тош-

\* Сўзбоши З. Саидбобоевники.

<sup>1</sup> Южин Скайлер (баъзи адабиётларда унинг исми «Евгений» деб ҳам берилади — З.С.) 19 ёшида Йел университетини муваффақиятли тамомлаб, Америка Қўшма Штатлари университетларида дастлабки докторлик (PhD) илмий даражасини олган учта битириувчидан бири бўлган. У кейинроқ Америка Миллий География ва Россия Императорлик География жамиятларининг аъзолигига сайдланган. Машхур рус ёзувчиси Л. Толстой билан сұхбатдош бўлган. 1867 йилда И.С. Тургеневнинг «Оталар ва болалар» романини инглиз тилига таржима қилиб, чоп эттирган. *Бу ҳақда қаранг: Джонсон Э. Маршруты Юджина Скайлера — американского дипломата, открывшего своим соотечественникам Тургенева и Толстого // Русский меценат. Альманах социального партнерства. Вып. 3. СПб, 2009. С. 50–59.*

<sup>2</sup> Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Kuldja. London, 1876. Vols. I-II.

кент, Тошкентда мусулмонлар турмуш тарзи, бозорлар ва савдо-со-тиқ масалалари, Самарқанд, Зарафшон водийси, Хўжанд ва Қурама деб номланган бўлимлар ўрин олди. Ушбу жилдга илова тарзida Қўқон хонлигининг сўнгги даврдаги тарихий лавҳалари, Вамберининг «Бухоро тарихи» асарига профессор В. Григорьевнинг берган тақризи, Ўрта Осиёда бўлган ўрта аср сайёҳлари ҳақидаги маълумотлар ки-ритилди.

Китобнинг иккинчи жилди Қўқон, Бухоро, Иssiққўл ва Етти-сув (Семиречья), Fўлжадаги таассуротлар, Россия маъмуриятининг Осиёдаги ташқи сиёсати, Хивага қарши юриш ва унинг истилоси қисмлари ҳамда хulosадан иборат. Иккинчи жилднинг сўнгтига ҳам илова берилган бўлиб, унда профессор В. Григорьевнинг Россиянинг Ўрта Осиёдаги сиёсати тўғрисидаги мақоласи ҳамда Ю. Скайлернинг Россия ва Хива муносабатлари тарихига бағишланган ишланмалари ўрин олди.

Мазкур нодир манба хорижда бир неча маротаба қайта чоп этилган. Ю. Скайлер машҳур асарининг замонавий нашри билан ушбу сатрлар муаллифи Буюк Британиянинг Экзетер Университети кутубхонасида танишди<sup>3</sup>. Қайд этиш лозим, мазкур манбанинг айнан 1876 йилда Лондонда чоп этилган ҳар иккала жилди Алишер Навоий но-мидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг «Нодир манба ва нашрлар» бўлимида сақланаётган бўлса-да, бу асар аксарият маҳал-лий манбашунос ва тарихшуносларнинг диққат-эътиборидан четда қолган эди.

Ўз илмий фаолиятимиз давомида мазкур асарнинг таржимаси устида иш олиб борилди, унинг алоҳида қисмлари бўйича бир неча

<sup>3</sup> Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ фан-таълим, маданият соҳасида дунёнинг ривожланган мамлакатлари, шу билан бирга Евropa Иттифоқи давлатлари билан алоқалар ўрнатиш, тажриба ўрганиш ва ўзаро ҳамкорлик ишлари йўлга кўйилди. 1996 йил 22 июнида Италиянинг Флоренция шаҳрида Ўзбекистон Республикаси билан Евropa Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Бунинг натижасида Тошкент Давлат Университети (ҳозирги ЎзМУ) ва Евropa Иттифоқининг «ТАСИС — ТЕМПУС» дастури доирасида 1996—1998 йилларга мўлжалланган шартнома тузилди. Унинг ижроси ўлароқ, ТошДУ тарих факультетининг бир неча ўnlab талаба, аспирантлари ва устозлари Буюк Британия, Франция, Даниянинг етакчи университетларида таълим олиш ва тажриба алмашиш имко-ниятига эга бўлдилар. Ўз навбатида европалик мутахассислар тарих факультетига таш-риф буюришиб, ҳамкорликда бир неча халқаро илмий анжуманлар ўтказилди.

мақола ва маъruzalар тайёрланди<sup>4</sup>. Шунингдек, номзодлик диссертациямизда Ю. Скайлернинг саёҳат қайдлари ва ўтган йўллари бўйича йўналиш картаси қисқача таҳлил этилди<sup>5</sup>.

«Ўзбекистон тарихи» журнали Ю. Скайлер асарининг биринчи жилдидан ўрин олган баъзи қисмларни қисқартирилган ҳолда ўзбек тилида илк бор илмий жамоатчиликка ҳавола этмоқда. Журналхонлар машҳур сайёҳ ва дипломатнинг Ўрта Осиё бўйлаб қилган узоқ сафари, ўлкани кезиш жараёнидаги қизиқиш ва ҳайратлари, кечирган қийинчилик ҳамда мashaққатлари, суҳбатдошлари билан кечган мулоқотлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар, деган умиддамиз.

## ТОШКЕНТ\*

*Илк таассуротлар — Америка шаҳарларига ўхшиши —  
Тез ўсиши — Ўйлар — Генерал-губернатор боғи — Черков —*

*Зилзилалар — Мехмонхоналар ва нарх-наво — Клуб — Мингўрик —  
Жамият — Генерал-губернатор ҳокимияти — Жўрабек — Бобобек —  
Бухоро амирининг жияни — Маҳкама шифокори — Эски шаҳар —  
Тегирмонлар — Деворлар — Аҳоли*

Ойнинг ёруғ шуъласи тушиб турган айвонда ўтириб, Тошкентда ўтказаётган биринчи кечам, Ўрта Осиёга қелганимга ишонмас, гёё

\* Таржима ва изоҳлар З. Саидбобоевники.

<sup>4</sup> Сайдбобоев З. А. Южен Скайлернинг «Туркистон» асарида Кўқон хонлигининг тасвирланиши // Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2-китоб. Наманган, 2000. 25–26-бетлар; Ўз ам у а л ли ф. Америкалик дипломат Е. Скайлернинг Китоб — Шаҳрисабз тарихига оид маълумотлари (XIX асрнинг 70-йиллари) // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция маъruzalар тезислари. Тошкент, 2002. 27–28-бетлар; Ўз ам у а л ли ф. Тошкентда мусулмон ҳаёти (Е. Скайлернинг «Туркистон: Рус Туркистони, Кўқон, Бухоро ва Fўljага саёҳат қайдлари» асари. Сўзбоши, таржима ва изоҳлар) // «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журнали. 2003, № 4. 215–217-бетлар; Ўз ам у а л ли ф. Тошкент гарблик дипломат нигоҳида // Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент, 2009. 242–246-бетлар; Ўз ам у а л ли ф. Евгений Скайлернинг Ўрта Осиёга саёҳати (1873 йил) // Тарих фани Марказий Осиё интеллектуал ривожи контекстида. Тарихшунослик ва манбашунослик очерклари. Тошкент: Yangi nashr, 2014. 273–277-бетлар.

<sup>5</sup> Сайдбобоев З. А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI–XIX асрлар). Тарих фан. номз... дис. Тошкент: ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 2004.

Марказий Нью-Йоркнинг сокин ва кичкина шаҳарчаларидан бири-даман, деб ўйлардим. Икки қаторли дараҳтлар соя берган кенг чанг кўчалар; ҳар ёнда сувнинг жилдиллаган товуши; олд қисмида дараҳт ва қозиқдеворлари<sup>6</sup> бор, кўчадан бироз узоқдаги кичкина оқ уйлар; чим ва гулларга тўла, ўртасида кичик черкови бор каттагина майдон — буларнинг бари уйғунлашиб, менда таниш таассуротни уйғотар эди.

Бироқ кундуз кунлари Тошкент Farбий Америка шаҳарларидан бири — Денверни<sup>7</sup> эслатар, фақатгина у ердаги ҳаво етишмас, ҳиндулар ва кончилар ўрнига салла ва кийимлардаги сартлар бор эди. Шаҳарларнинг шароитлари деярли бир хил бўлиб, унинг иккаласи ҳам дашт жойда бунёд этилган ҳамда яшиллик ва баҳридилни очадиган кўриниш учун ҳар бир кўча бўйлаб ичимлик сувини келтирувчи каналлардан миннатдор бўлиши керак. Кўча четларига бу ўлкаларда тез ва қалин ўсадиган терак ва толлар экилган; ерга қадалган қаламча тез орада ажойиб дараҳтга айланиб, сеҳрли даражада боғлар пайдо бўлади. Мен лаборатория боғида данагидан униб, уч йилда ҳосил берган шафтоли дараҳтини учратдим.

Тошкентда 600 та хонадон бўлиб — мен шаҳарнинг рус қисмини назарда тутмоқдаман — 6000 кишилик гарнizonни ҳисобламаганда, аҳолиси 3000 киши. Шаҳарнинг мавжуд тўққиз йил<sup>8</sup> ичida ўсиши ҳар ерда қад кўтараётган янги уйлар ва кўчалар ҳисобига ҳақиқатан ҳам ажойиб. Ҳозиргача буларнинг бариси табиий бўлишига қарамасдан, аслида шаҳар учун доимий аҳоли, савдо-сотиқ кўп эмас, тижоратчиларни ҳисобга олмагандан мануфактуралар мавжуд эмас, ўзининг расмий хизмат бурчини адо этаётганлардан бўлак ҳеч ким яшамайди<sup>9</sup>. Тошкентга ҳеч ким қолиб кетиш учун келмайди. Бу Американинг ўхшаш шаҳарларидан унинг фарқ қилишини билдириб, кўплаб чиройли уйлар ҳукумат томонидан берилган, мавриди келганда қайтарилимаган маблағ ҳисобига қурилган.

Уйлар, асосан, қуёшда қуритилган лой фиштлардан қурилган ва сувоқланиб, оч тусда бўялган, одатда бир қаватли. Ёғоч танқислиги ва темирнинг қимматлиги туфайли уйларнинг томлари ўзига хос: чер-

<sup>6</sup> Қозиқдевор — зич қоқилган, юқори қисми учили қозиқлардан иборат ёғоч девор.

<sup>7</sup> Денвер — Колорадо штатининг маъмурӣ маркази. Шаҳарга 1858 йилда олтин қиди-рувчилар асос солган.

<sup>8</sup> Бу ерда шаҳарнинг 1865 йилги истилодан кейинги янги қисми назарда тутилмоқда.

<sup>9</sup> Юқорида қайд этилган аҳоли сонидан келиб чиқиб, Ю. Скайлер Европа тилли аҳоли, асосан, расмийлар, ҳарбийлар, хизмат сафари юзасидан келганлар ва уларнинг оиласидан иборат эканлигига эътибор қаратган.

дак тўсини (стропил) кичик тол шохлари билан маҳкам ёпилиб, устидан қамиш тўшалиб, лой ва чим ётқизилади. Томни батамом сув ўтказмайдиган ҳолга келтириш учун ҳар йили янгидан лой билан сувалади. Ёз ойларида, ёмғир ёғмаган маҳаллар, одатда, томлар ёввойи лола, ковул ва бошқа ҳар хил гуллар билан қопланиб, жуда гўзал ва ажойиб тус олади. Кузнинг ёмғирли кунларида эса жуда эҳтиёткор бўлиш лозим. Чунки томдаги лой қатламишининг кўплигидан томни қўтариб турувчи ёғочлар қулаши ёки лойнинг етарлича сурilmagani оқибатида эса кучли жала томда каттагина туйнук ҳосил қилиши мумкин.

Мебель ва хўжалик молларининг барча турлари Россия ва Сибирдан келтирилади, сабаби Ўрта Осиёда безакчи, дурадгор ва қимматбаҳо мебель ишловчи уста йўқ, оддийлик шунинг учун қоидадир. Ўйларнинг мўртлигини ҳисобга олмаганди, қулай, кенг диванлар, туркман гиламлари, тўқилган ёстиқларнинг кўплиги, шарқона қуроласлаҳаларнинг борлиги ва ошхона анжомлари уларга ўзгача тароват ва ҳашамат баҳш этади.

Ёз давомида кўпчилик ўзларининг шаҳардаги уйларини ташлаб, шаҳар ташқарисидаги кўплаб боғлардан бири ёки у ердаги ўзларининг шунга ўхшаш уйлари ва қирғиз ўтовларига яшаш учун чиқиб кетадилар. Ҳеч бир нарса бу қадар оромбахш бўлолмайди. Жазирамани қалин элма<sup>10</sup> ва тераклар тўсиб, салқин ҳаво ҳовуз майдони ва боғни суфораётган каналлар, атиргуллар атри билан қўшилиб кетган. Ўтов кент ва шинам; унга бухороча павильон — меҳмонхона учун тўқилган гулдор, ранг-баранг деворий сўзана қўшилса, туаржой янада фусункор бўлади. Кечалари анорларнинг қуюқ яшил қоронгулигига қарши ёниб турган чироқлар, булбуллар сайраб, ёруғликнинг сув узра милтиллаб кўриниши худди «Минг бир кеча»дан олинган саҳнага ўхшайди.

Генерал-губернаторнинг қароргоҳи Тошкентдаги энг катта иморат бўлиб, томлари тунука билан ёпилган. У тепаликлар, дараҳтлар, гуллар, ҳовузлар, каналлари мавжуд ва ҳатто унча катта бўлмаган шаршараларга эга улкан боғда жойлашган. Ҳафтанинг уч оқшоми бу ерда ҳарбий оркестр куйлади ва боғ жамоат учун очиқ бўлади. Уларнинг кўпи руслар бўлса-да, бу ернинг маҳаллий аҳолиси учун миллий куйларни ҳам ижро этишади. Генерал-губернатор қароргоҳи яқинида ҳали қуриб битказилмаган ва шаҳар мудофааси учун мўлжалланган улкан қалъа (форт) мавжуд.

<sup>10</sup> Элма — қайрағочнинг бир тури.

Одатда, Россия шаҳарларида ҳукумат идораларининг кўплаб бинолари мавжуд бўлганидек, бу ерда кичикроқ черков ва унга қўшимча йирик тошли собор қуриш ишлари ҳам бошланган. Бу руслар кам бўлган ва миссионерлик тақиқланган ҳудуд учун пулни бекорга сарфлашдек кўринади. Эндиғина таъмирдан чиқсан черков ҳозирги эҳтиёж учун жуда катта, тақводор мусулмонларни эса масъулиятсизлик, черковга кам сонли русларнинг келиши ҳайратда қолдирмоқда. Уларнинг диний эътиқодларига хуруж қилишмаганлиги боис маҳаллий аҳоли черковларга нисбатан яхши муносабатда бўлишиб, уни будхона, (Будда) санамнинг уйи деб аташади. Мазкур собор зилзилаларни ҳисобга олиб қурилган хавфли тажрибага ўхшайди. Зилзилалар бу ерда тез-тез бўлмаса-да, бир неча йил бурун улардан кучлиси қузатилган.

Тошкентда меҳмонхона деб аталаған жой деярли йўқ. Тўғри, у ерда Громовдек<sup>11</sup> мебеллар билан жиҳозланган хоналар ва озиқ-овқат билан таъминланган бир-иккита жой бор. Польяк Гижитский тасар-руфидаги ажойиб ресторонда бир-иккита хоналар вақтинча яшаш учун берилади.

Шаҳарда клуб ҳам бўлиб, барча рус клублари сингари bemalni va клубга ҳам ўхшамайди. Бу ерда ҳар куни ёмон тушлик тайёрланиб, эркаклар почта келишидан аввал газеталар ўқиш ёки бильярд ўйнаш учун киришади, аммо аҳоли кўпинча қишиш пайтида рақс ва концерт учун мўлжалланган катта бал хонада ўзларининг турли байрамларини ўтказиш учун буюртма беришади.

Яна бошқа муассасалар ичida мамлакат эҳтиёжини қоплаш учун назаримда қиммат ҳисобланган Кимё лабораторияси ва «Туркестанские ведомости»ни эслатиб ўтишим лозим. Мазкур кичик ҳафтанома нафақат расмий, балки ўлка тарихи, этнологияси ва статистикаси бўйича қизиқарли ва қимматли мақолаларни жамлаган. Дунёдаги ва ҳатто Ўрта Осиёдаги бошқа янгиликлар Санкт-Петербург ва Москва газеталаридан олиб босилган мақолаларни ҳисобга олмаганда деярли йўқ. Газета бор-йўғи 300 та абонентга эга бўлиб, ҳукумат учун йилига 22000 рублга ёки ҳар бир нусхаси 37 копеекка тушади. «Ведомости»да чоп этилган баъзи мақолалардан кўнглим тўлиб, баъзан унинг борлигидан миннатдор бўлдим ҳам. Унинг туркий тилдаги нашри<sup>12</sup>

<sup>11</sup> Рус меҳмонхонаси назарда тутилган.

<sup>12</sup> 1870 йилдан маҳаллий тилда илк бор чоп этилган ва Туркестон генерал-губернаторлигининг нашри саналган «Туркестон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости» газетасининг ўзбекча варианти.

эса, асосан, маҳаллий аҳоли ўртасида адабиётни кенг тарғиб қилиш учун чоп этилар, аммо мен Тошкентдалигимда унинг мундарижаси кўпинча «Минг бир кеча»дан олинган эртаклардан иборат бўлди.

Шаҳар ташқарисига яқин ерда, унинг шарқий томонида, бозордан узоқ бўлмаган ерда Мингўрик (мингта ўрик дараҳти) — авваллари саир ва томошага мўлжалланган жой бор. Номидан кўриниб турибдики, мевали боғ ўрик дараҳтига бой, катта бўлиб, уларнинг кўпчилиги баланд ва ёши катта, атрофи баланд пахса девор билан ўралган. Мен ташриф буюрган куним у ерда лотерея ўйини муносабати билан ўтказилаётган томошанинг устидан чиқиб қолдим. Яшил чим ва кенг йўлаклар бекорчи ва саирга чиққанлар билан тўла эди. Вақтинчалик емакхоналар ҳам бўлиб, турли чодир ва дўконларда тошкентлик хонимлар 2000 тасининг ичидан битта расм чиқиши эҳтимоли бор ва донаси 20 копеек бўлган кичик лотерея билетларини тарқатишарди.

Генерал-губернатор ёки Ярим подшоҳ (ярим қирол), одатда уни шундай аташарди, қўшни шарқий монархларга тақлидан давлатни бошқаради. У ҳеч қачон, аввал айтганимдек, сарабланган казак кўриқчиларисиз ташқарига чиқмас, ҳатто хотини ва болалари ҳам ўзларининг кўриқчи ҳамроҳларига эга эди. Бу, билишимча, янги келган бир неча зобитларнинг шунчаки қизиқиш билан ҳибсдаги маҳбус аёлнинг кимлигини суриштириб, айтган омадсиз мулоҳазаларидан сўнг бекор қилинган. Генерал-губернатор жамоатга яккам-дуккам кўринар, аммо қиши пайтлари икки ёки уч марта бал уюштирас, унга руслар билан бирга таниқли маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам таклиф этиларди. Улар вақтичоғлик қилишар, меҳмонлар Санкт-Петербургнинг Қишки саройидаги сингари белгиланган вақтда, генерал-губернатор, унинг хотини ва мулизимлари киришидан тахминан бир соатча аввалроқ келиб, кутиб туришлари ва расм бўйича бош этиб ва тиз чўкиб таъзим билан кутиб олишлари қабул қилинган эди. Бундан бурун рақс бошлаш мумкин эмас ва бу ердаги ахлоқ-одоб қоидалари (этикет) Санкт-Петербургдагига қараганда жиддийроқ, генерал-губернатор ҳузурида ҳеч бир эркакнинг ўтиришига изн берилмас эди. Бечора бирортаси ўтириб қолса, адъютантдан тик бўлишга ундовчи шиддатли ишора олар эди. Генерал-губернатор бирортанинг кўлини қисиб саломлашса ёки у билан беш-ён дақиқа суҳбат қурса, ўша бир зумда жамиятда шарафли шахсга айланар ва унинг таъсири албатта ўз-ўзидан ошиб кетар эди. Бу сарой хайриҳоҳлигининг натижаси бўлса керак. Генерал-губернаторнинг Тошкентта қайтишида тантанали равоқ

(арк)лар барпо қилиниб, уни барча амалдорлар шаҳардан бир неча мил<sup>13</sup> ташқаридан кутиб олиш учун чиқишар, тўплардан ўт отиб салют бериларди. Тошкентда Назорат Палатасининг бўлими таъсис этилгач, тўплардан ўт отишларнинг қонунга зид эмаслигини аниқлади ва разнага ўт қуқуни (порох) учун сарфланган маблағнинг қайтарилишини сўради. Пуллар қайтарилди, аммо тўплардан ўт отиш хукумат ҳисобига бўлмаса-да, ҳамон давом этмоқда. Тантанали равоқлар ва қабуллар халқ ташаккурининг ошкора изҳори бўлиши керак, бироқ бу каби кўр-кўронада намойишлар ўз-ўзидан бўлгани эҳтимолдан узоқ эди.

Бутун Тошкентда маҳаллий халқ ҳақида қизиқкан инсон Молия вазирлигининг вакили жаноб П.<sup>14</sup> эди. Туркий тилни пухта ўрганиб, равон ва бежирим сўзлаша оладиган, хонадони маҳаллий аҳолининг таниқли вакилларига қўнимгоҳ бўлган. Унинг рафиқаси ҳам маҳаллий аҳолига катта қизиқиш билан қарап, доимо борди-келди қилар ёхуд уларни меҳмон қилиб турарди. Жаноб П. ва кўнгилли оиласининг дўстлиги, самимиятини гапирмаганда, унинг уйига имкон қадар ташриф буюришимнинг яна бир боиси — куннинг исталган маҳалида икки ёки уч нафар маҳаллий халқ вакилларининг жуда қизиқарли ҳамда қимматли ҳикоя ва суҳбатларига шоҳид бўлардим.

Меҳмондўст хонадонга турли таниқли беклар, айниқса, Самарқанд жанубидаги кичик туманлардан саналган шаҳрисабзлик Жўрабек<sup>15</sup> ва Бобобек<sup>16</sup> канда қилмай келиб турарди. Икковининг ҳам отаси у ерда (Шаҳрисабз) Бухоро амири, қонхўр Насрулло томонидан босиб олингунга қадар машҳур бўлган. Отаси Қаландарбекнинг вафотидан сўнг Жўрабек 1860 йил — амирнинг ўлимига қадар унинг хизматида бўлиб, кейин Шаҳрисабзни эгаллайди. Насруллонинг ўлимидан олти ой ўтгач, янги амир — унинг ўғли Музаффар(иддин) Самарқанддан Шаҳрисабзга келади. У соғ ўзбеклар кўп саналган ҳудудда хуш кўрилмай қарши олинади.

<sup>13</sup> *Мил* (инглизча mile — минг маъносини билдиради) — инглиз ўлчов бирлиги, 1 мил 1,6 км га teng.

<sup>14</sup> Муаллиф, ҳар ҳолда исмини унугтан, бош ҳарфи ёдида қолган.

<sup>15</sup> Жўрабек, Жўрабек доддоҳ Қаландар ўғли (1840—1906) — Бухоро амирлиги таркибидаги Китоб беги (1862—1870). Ҳарбий арбоб, маърифатпарвар, рус армияси генерали (1901). 1870 йилдан умрининг охиригача Тошкентда яшаб, ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётida иштирок этган. Шарқ қўлэзмалари ва нодир асарлардан ташкил топган бой кутубхонага эга бўлган. 1876 йилда Петербургда ўтказилган шарқшуносларнинг 3-халқаро конгрессида қатнашиб маъруза қилган.

<sup>16</sup> Бобобек (1833—1898, Тошкент) — отаси Ҳакимбек вафотидан (1865) сўнг 1870 йилга қадар Шаҳрисабз беги бўлган.

Бухоро ҳукуматидан йилига 2000 рубль пенсияни Россия агентлиги<sup>17</sup> орқали олиб, у ҳам мунтазам тўлаб борилмаганини, иккиси-нинг ҳам катта оиласи борлиги учун ўзларига муносиб бўлмаган ва танг аҳволда яшар эдилар. Жўрабек русларнинг Ўрта Осиёни эгаллаб олганига, унинг келгусида ҳокимиятга келишига бирор имкон ҳам бермасликларига икрор эди.

У мен учратган бир неча маҳаллий аҳоли вакиллари ичидаги ҳар қандай масалада сўзига ишониш мумкин бўлган кишилардан бири эди. Жўрабек баланд бўйли, ингичка қора соқолли, кулранг ёқимли кўзли ва жиддий қиёфали келишган ўзек эди. У доимо оддий, аммо нозик дид билан, озода кийинар ва юзидағи қайфу ифодаси, истараси, кўркам ҳаракатлари кишини ўзига жалб қилиб, қизиқтирмасдан кўймасди. У ҳақиқатан ҳам мутлақо олийжаноб инсон эди.

Бобобек ҳам қувфиндаги шериги каби ожиз тавсифли, тўладан келган ўттиз олти ёшли (ваҳоланки қўринишидан йигирма ёш катта қўринар), ҳаётини осойишта ўтказаётган, илтифотлигина. Унга ҳеч ким ҳокимиятдан ағдарилгандан бўён ачиниш ҳисси билан ҳам ёрдам қилолмас, аммо у яна қачонлардир сафга қайтишни ўйловчи одамлар хилидан эмас эди.

Тасодифий ташриф буюрганлар орасида ҳокимиятдан ағдарилган, ҳозирда Россия марҳаматидан умидвор Самарқанд яқинидаги баланд тоғларда жойлашган кичиккина Киштут ва Фороб бекликларининг ҳокимлари Шодибек ва Сайдбек ҳамда Ўратепанинг собиқ ҳокими Абдулгаффорбек билан ҳам учрашдик.

Тахминан ўттиз беш ёшларга тўлган, амир Музаффар(илдин)-нинг опасининг ўғли Сайдхон ота-онаси, барча оила аъзолари қатл этилгач, Бухородан қочган. У ҳозирги амирдан кўра таҳтга ворислик ҳукуқи юқорироқ эканлигини давло қилган, нафсонияти кучли, амирни осонлик билан ағдариб, унинг ўрнига ҳокимиятга кела оладиган шахслардан бири ва руслар ҳам ана шундай шартномага рози бўлишлари мумкин эди. Амалда Россия хизматида ва йилига 2400 рубль олар, даври ўтганини ҳис қилиб, пулинни ўйин-кулгига сарф қилиб, доимо қарз бўлиб юради.

Асадуллобек — Тошкентнинг машҳур шифокорларидан бири. Унинг қайси тиббий муассасани тамомлаганини билмайман, ўзи Кавказда туғилган, форс миллатига мансуб, ёшлигидан Ўрта Осиёга келиб қолган, кўп амалий тажрибага эга. У Алимқули ва Ёкубхоннинг

<sup>17</sup> Бухородаги Россиянинг Сиёсий агентлиги.

яқин дўсти, Кўқоннинг турли хонларига шахсий шифокор бўлган. Ўзи беклардан бўлмаса-да, бу номни баъзан эркалаш, баъзан эса таҳаллус сифатида қўллашади. Суҳбат қуришдан ҳамма вақт мамнуният ҳис қилиб, тажрибали қарта ўйновчи ҳамдир.

Тошкентнинг рус қисмидаги бош кўча бўйлаб шимолга юрилса, Эски шаҳарга келиб қолганингизни сезмайсиз. Тўртбурчак, сувоқ-ланган бинолар тугаб, пастак пахса деворлар ва кичик маҳаллий дўконлар бошлангач, қарийб ҳамма бу ерлар ўзининг қиёфасини ўзгартирганини фаҳмлайди. Ўрта Осиёнинг ҳеч бир шаҳри ўзининг ранг-баранглигини асл Тошкентчалик намойиш эта олмайди. Камдан-кам тўғри тушган ялло кўчалардан ўтиб, биз тепаликлардан пастликка, у-бу томонни айланиб баъзан баланд деворлар ўртасидан, баъзан тепаликдаги масжиднинг ёғочли айвони ёнидан қуига, сўнгра қандайдир жарликнинг четидан, энди эса пастаккина ёғоч кўприкдаги шиддатли оқимдан ўтамиз.

Ҳар ерда боғлардаги дараҳтлар деворларга энгашиб турад, биз кўчани тарқ этиб, йўл бўйлаб чеккада эски ёғоч тегирмон филдирагининг айланишга маҳлиё бўлиб, ўзимизни мамлакатнинг қарийб бир чеккасидадек ҳис қилдик. Осиё тегирмонлари ажойиб. Сув кўпол филдирак ўқини айлантирап, ўқига мустаҳкамланган йирик ёғоч тишларда, агар уларни шундай аташ мумкин бўлса, катта тўсинлар бўлиб, филдирак ана шу тўсинлардан сирпаниб, тишларни бирма-бир айлантирап, болға бошига ўхшаб ясалган бир томони эса пастдаги ҳавозага гумбурлаб тушиб, у ерда буғдойни янчиб, тайёр ун қиласарди.

Айтишларича, Тошкент деворлари ўн олти мил узунликда бўлиб, бурун ўн иккита дарвозаси бўлган. Шаҳарнинг рус қисмини боғловчи учта дарвоза кейинроқ бузиб ташланган. Девор баъзи жойларида ўн икки-ўн беш фут<sup>18</sup> баландликда бўлиб, мустаҳкам гуваладан қурилиб, сўнгра сувоқланган, дандана (тишли) ва тўплар учун мўлжалланган шинак қисмлардан иборат тепа қисмига қараганда ости қалинроқ.

Деворнинг ичкарисида тепага томон таҳминан яrim йўлда жойларда торгина йўлак ва қурол-яроғ учун майдонча бўлиб, бу ерда аскарлар туриши ва тўпларни жойлаштириш мумкин. Энсизгина кўча деворни уй-жойлардан ажратиб туради. Деворлардан ташқарида — шаҳар бўйлаб — боғлар бир неча милга чўзилган. Бу боғларда куюқ дараҳтлар экилган бўлиб, шаҳарни бутунлай қоплаган, ҳолбуки Россия истилоси палласи катта зиён кўрган бўлса-да, ҳозир ҳам жуда чиройли.

<sup>18</sup> Фут — инглиз узунлик ўлчов бирлиги. 1 фут 0,3048 м га teng.

Бир тарафдан ярмарка, парад ҳамда ҳарбийларнинг машқ ўтказишлиари учун кесиб ташланган. Бу етмагандай ёкиш учун ўтин мақсадида ҳам кўплаб дарахтлар йўқ қилиб юборилган.

Тошкент аҳолисининг сонини тўғри аниқлаш мушкул, синчилаб ва аниқ ҳисоб олиб борилмаган. Масжидларнинг сони 300 та; одатдаги ҳисоб-китобга кўра, ҳар бир масjidга ўттиздан элликка қадар хонадон тўғри келади. Ҳар бир хонадонда беш нафар киши истиқомат қилса, аҳоли 60000 кишини ташқил этади. Бу ҳисоб менга жуда кам туюлди. Тошкентда беш кишидан кўп бўлмаган хонадонлар сони жуда кам ва шаҳарни яхши биладиган кишилар унинг аҳолиси тахминан 120000 кишидан иборат дейди. Бу тўғрироқ кўринади. Солиқ мажбуриятларига тортилган аҳоли 41,799 та ёки ҳар бир уйда уч кишидан кам бўлмаган. Солиқларга доир расмий ҳисоботларда фақат шу рақам берилади.

Тошкент аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар, шу билан бирга тожиклар, маълум миқдорда татар, қирғиз (қозоқ), ҳиндлар ва бошқалар ташкил этади.

Хозирда Тошкент ва Бухорода ўзбекларнинг тўқсон иккита уруф ва қабиласи бор.

#### *Ю. СКАЙЛЕР*

### **ТУРКИСТОН: РУС ТУРКИСТОНИ, ҚЎҚОН, БУХОРО ВА ФЎЛЖАГА САЁҲАТ ҚАЙДЛАРИ**

*Сўзбоши ва таржима З.Сайдбобоевники*

Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёга ташриф буюрган АҚШнинг Санкт-Петербургдаги консули Ю. Скайлернинг ҳаёти ва фаолияти, «Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Fўлжага саёҳат қайдлари» асари (1876), унинг асосий мазмуни ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, мазкур манбанинг Тошкент шаҳрига доир қисми илк бор ўзбек тилида қисқартирилган шаклда таржима қилиб берилмоқда.

*Калит сўзлар:* Ўрта Осиё, Ю. Скайлер, АҚШ, Россия империяси, Тошкент, жамият, меҳмонхона, генерал-губернатор, Жўрабек, Бобобек, Эски шаҳар.

*Ю. СКАЙЛЕР*

**ТУРКЕСТАН: ЗАПИСКИ О ПУТЕШЕСТВИИ ПО РОССИЙСКОМУ  
ТУРКЕСТАНУ, КОКАНДУ, БУХАРЕ И КУЛЬДЖЕ**

*Pредисловие З. Сайдбобоева*

В статье приведены сведения о жизни и деятельности консула США в Санкт-Петербурге Ю. Скайлера, совершившего поездку по Средней Азии во второй половине XIX в., а также дано основное содержание произведения «Туркестан: записки о путешествии по Российскому Туркестану, Коканду, Бухаре и Кульдже» (1876). Впервые кратко приведен перевод на узбекский язык из этого источника о Ташкенте.

*E. SCHUYLER*

**TURKESTAN: NOTES OF A JOURNEY IN RUSSIAN TURKESTAN,  
KOKAND, BUKHARA AND KULDJA**

*Preface by Z. Saidbovoyev*

The article provides with data about the life and activity of E. Schuyler, a consul of the USA in Saint-Petersburg, who travelled to Central Asia in the second half of the 19<sup>th</sup> century, as well as his book “Turkestan: Notes of a Journey in Russian Turkestan, Kokand, Bukhara and Kuldja” (1876), and its main content. In addition, the first short Uzbek translation of this source related to Tashkent city is given in the article.

*A. ЗАМОНОВ*

## XVIII–XIX АСР ЎРТАЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲАРБИЙ БОШҚАРУВ ВА ҚЎШИН ТУЗИЛИШИ

Бухоро амирлигининг мудофаа тизими, ҳарбий бошқаруви ва ҳарбий амалдорлар ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, марказий ва маҳаллий ҳарбий бошқарувнинг ўзаро муносабатлари муҳим тарихий манбаларнинг мавжудлигига қарамасдан, илмий жамоатчилик томонидан етарлича ўрганилмаган. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишга жиддий эътибор берилаётган бугунги кунда Бухоро амирлигининг XVIII–XIX аср ўрталаридағи ҳарбий тарихи, мудофаа тизими, қўшин тузилиши, ҳарбий санъати ва уларнинг қурол-яроғлари ҳамда ҳарбий амалдорларнинг давлат бошқарувидаги ўрнига доир илмий асарларга эҳтиёж каттадир.

Бухоро амирлигининг XVIII–XIX аср ўрталаридағи ҳарбий бошқаруви ва қўшин тузилиши ҳолатини тадқиқ этиш сабаби қуйидаги мезонлар билан белгиланади: биринчидан, аштархонийлар даврида номунтазам армияга асосланган ҳарбий тизим XVIII аср охири ва XIX аср ўрталарига келиб мунтазам армия асосида такомиллаштирилди; иккинчидан, бу даврда амирликнинг ҳарбий тизими ва салоҳияти Хива ва Қўқон хонликлариникуга қараганда юқорироқ ўринда эди; учинчидан, XIX аср 60-йиллари охиридан бошлаб Бухоро амирлигининг Россия империяси протекторатига айланиши кейинги даврда ҳарбий соҳанинг ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этмади.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб амирлик ҳукмдорлари мавжуд сиёсий низолар ва ташқи хавф-хатарни инобатта олган ҳолда, мунтазам қўшинларни ташкил этишга киришганлар. Бухоро амирлигига амир олий бош қўмондон бўлиб, унга саркарда, амирлашкар, доддоҳ (қўшин бошлиғи), қўронбеги, тўқсабо, мингбоши каби олий тоифали ҳарбий амалдорлар бўйсунган<sup>1</sup>. Бекликлар ҳудудидаги қўшинга бекларнинг ўzlари раҳбарлик қилган<sup>2</sup>. Бекларнинг ҳарбий тизимдаги

<sup>1</sup> Э ш о в Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. 352-бет.

<sup>2</sup> Б е й с е м б и е в Т. К. Малые владения в Мавараннахре: Нур-ата, Ургут, Яккабаг (XIII–XIX вв.) // Иран-намэ. Научный востоковедческий журнал. Алматы, 2007. № 1. 23-бет.

яқин ёрдамчилари ясовулбоши бошчилигидаги ясовуллар бўлган<sup>3</sup>. Ясовулбоши — бекнинг ўнг қўли<sup>4</sup>, энг яқин ва ишончли ёрдамчиси<sup>5</sup>, мирохурдан тўқсобагача бўлган лавозим ҳисобланган. Катта бекликларда ясовулбошиларнинг сони иккита бўлиб, улар биринчи ва иккинчи ясовулбоши дейилган. Ясовулбошининг ёрдамчиси ясовул бўлиб, уларнинг сони биттадан учтагача ва йирикроқ бекликларда ундан ҳам кўпроқ бўлган<sup>6</sup>. Қўшинда понсадбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши, мирохур каби бўлинма бошлиқлари хизмат қилган<sup>7</sup>. Амирликда ҳарбий масалалар билан шуғулланувчи алоҳида вазирлик бўлиб, ушбу идора бевосита тўпчибошийи лашкар (ҳарбий вазир) томонидан бошқарилган<sup>8</sup>. Тўпчибошийи лашкар давлатдаги барча отлиқ ва пиёда аскарлардан ташкил топган қўшинни бошқарган. У маҳаллий ҳудудларни ҳарбий масалаларда амалда ёрдам берувчи маҳсус вакиллари орқали назорат қилган. Бекликларда ҳам тўпчибоши лавозими бўлиб, у фавқулодда ҳолларда ҳарбий аҳамиятга эга бўлган, ўқчилар ва қалъага, бошқа пайтларда эса бекликлари жиноятчи маҳбуслар сақланадиган зиндонга бошчилик қилган<sup>9</sup>.

Бухоро амирлигида ҳарбий амалдорлар эгаллаган лавозимига қараб олий, ўрта ва қўйи даражаларга ажратилган<sup>10</sup>. Олий даражали ҳарбий амалдорлар иноқ, додхоҳ, тўқсабо ва тўпчибошилардан иборат бўлган. Ўрта даражага чигатой беги, эшик оғаси, мирохур мансаблари мансуб бўлса, қўйи даражали ҳарбий амалдорлар қоровулбеги, живачи, мирзабоши, чуҳра оғаларидан иборат бўлган. Бундан ташқари, олий даражали ҳарбий амалдорлар тоифасига мансуб бўлмаган панжбоши, даҳбоши, галаботир, сарбозлар, оломон сингари ҳарбийлар мавжуд

<sup>3</sup> Ахмад Даниш. История мангитской династии. Перевод, предисловие и примечание И.А. Каджафовий. Душанбе: Дониш, 1967. 57–58-бетлар.

<sup>4</sup> Варгин М. А. Опыт описания Кулябского бекства // Известия ИРГО. СПб, 1916. Вып. X. 795-бет.

<sup>5</sup> Крестовский В. В. В гостях у бухарского эмира. СПб, 1887. 104–105-бетлар.

<sup>6</sup> Логофет Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. СПб, 1911. 242-бет.

<sup>7</sup> Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Витковича). М.: Наука, 1983. 71-бет.

<sup>8</sup> Искандаров Б.И. Из истории Бухарского эмирата. М: Изд-во восточной литературы, 1958. 12-бет.

<sup>9</sup> Холикуллаев А. Б. XIX–XX аср бошларида Қашқадарё бекликлари. Тарих фан. номз... дис. Тошкент: ЎзМУ, 2011. 123-бет.

<sup>10</sup> Лукин Б. В. История Узбекистана в источниках (раздел Вамбери А. Путешествие по Средней Азии). Ташкент: Фан, 1990. 157-бет.; Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. Ташкент: Akademiya, 2006. 124-бет.

бўлган<sup>11</sup>. Ҳарбий масалалар ва ҳарбий жиноятларни кўриб чиқиб, ҳал қилувчи қарорлар чиқаришга масъул бўлган мансаб — қози-аскар (Амир Шоҳмурод давридан) лавозими бўлган<sup>12</sup>. Ҳарбий муфтийлар (муфтий-аскар) эса ҳарбийлар учун фатво тузувчи, айниқса, давлат бошлигининг бошқа бекликларга сафари чоғида ва ҳарбий юришлари пайтида ҳарбийлар учун фатво чиқарувчи вакил ҳисобланган<sup>13</sup>. Шунингдек, қози-аскар томонидан чиқарилган ҳукмларнинг шариатга мувофиқлиги муфтий-аскар томонидан текшириб борилган.

Ҳарбий мансаблар эгалланишининг яна бошқа бир жиҳати бўлиб, сарой унвон ва мансаб эгаларининг қўпчилиги бир пайтнинг ўзида ҳарбий мансаб ва унвон эгаси бўлган. Бу эса бир томондан ҳарбий амалдорларнинг нуфузи баланд бўлганлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, ҳарбий ихтисосликнинг юқори даражада бўлмаганлигини кўрсатади.

Амирликда қўшин йиғишда маҳаллий бошқарув аппаратининг ўрни катта бўлган. Бу масалада бекликлар таркибидаги амлоклар бошлиқларига катта масъулият юкланган.

Ҳар бир амлокдор 10 тадан 200 тагача навкарга эга бўлиб, улар асосан ҳарбий хизматни ўташ, бек ва амлокдор саройини қўриқлаш ҳамда қамоққа маҳкум қилинганларни назорат қилиб, қамоқхоналарга юбориш вазифасини бажарганлар<sup>14</sup>. Навкарларнинг ижтимоий таркиби турли-туман бўлиб, ҳатто навкарлик хизматига айрим йирик ер эгалари ҳам қабул қилинган. Навкарларнинг мансаб даражаси уларнинг мулкий ҳолатига қараб ҳам белгиланган<sup>15</sup>. Шунингдек, хизмат вазифасини аъло даражада бажарган навкарларга бек томонидан қўшимча равишда айрим қишлоқлардан тўловларни қабул қилиб олиш ҳуқуқи берилган<sup>16</sup>. Қўшиннинг асосий вазифаси ҳамма вақт ҳам ҳар-

<sup>11</sup> Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. Тошкент: Akademiya, 2006. 124-бет.

<sup>12</sup> Семенов А. А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. Москва, 1948. Т. V. 140-бет.; Муқимов З. Ю. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Тошкент: Адолат, 2004. 230-бет.

<sup>13</sup> Муқимов З. Ю. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи ... 236-бет.

<sup>14</sup> Туркестанские ведомости. 1907. 25 октября.

<sup>15</sup> Лунёв Ю. Ф. Государство и право узбекских ханств с XVI по XIX века. М.: Астрахань, 2004. 86-бет.

<sup>16</sup> Шодиев Ж. М. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Юридик фан. номз... дис. Тошкент: ТДЮИ, 2008. 80-бет.

бий иш сифатида қаралмасдан, урушлардан бўш вақтларда ҳарбий амалдорларнинг хўжалигини юритувчи арzon ишчи кучи сифатида фойдаланилган.

XIX аср бошларига келиб Бухоро амирлигига мунтазам қўшин тузиш бўйича саъй-ҳаракатлар амалга оширила бошланди. Хусусан, Амир Ҳайдар (1800–1826) ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларидан бошлаб қўшин тузилишига алоҳида эътибор бера бошлаган эди<sup>17</sup>. Бунга асосий сабаб айнан шу даврдан бошлаб Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудларида сепаратчилик ҳаракатларининг қучайиши ва бу ҳаракатларни бостиришда нафақат дипломатия, балки ҳарбий қурдат юқори бўлиши муҳим аҳамият касб этар эди.

Унинг даврида мамлакат ҳарбий қисмлари икки қисмга, мунтазим қўшин — навкар, мунтазам бўлмаган қўшин — қора черикка бўлинган<sup>18</sup>. Навкар мунтазам қўшиннинг асоси бўлиб, ҳар бир бўлинмада уларнинг сони 200 тадан 300 тагача бўлиб, қоровулбеги лавозимигача кўтарилган<sup>19</sup>. Бухоро амирининг «черик», «қўшин» (қора че-рик) деб номланган ҳарбий кучларининг номунтазам қисми олий ҳукмдорнинг фармонига биноан ҳарбий ҳаракатлар даврида тинч аҳолидан йиғилган<sup>20</sup>. Мамлакатда тинчлик ўрнатилгач, қора черик уйларига тарқатиб юборилган ва ўзларининг одатий касб-корлари (дех-қончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, мардикорлик ва ҳ. к.) билан машғул бўлишган. Бундай тартиб қўшни Кўқон ва Хива хонликларида ҳам мавжуд бўлган.

Сарбозликка қабул қилинаётганлар уруғ-аймоқлардан қайси бирiga тегишлилигига қараб мазкур гуруҳгагина қабул қилиниб, улар аралаштирилиб юборилмаган. Бундай уруғларга қараб қўшин тузиш ўша даврда ҳукм сурган Хива ва Кўқон хонликларида ҳам мавжуд эди. Масалан, Хива хонлиги тарихчиси Мұхаммад Юсуф Баёниййнинг маълумотига кўра, хон фармонига кўра аскарларнинг рўйхатини тузиш буюрилганда ҳар бир уруғ алоҳида-алоҳида ҳарбий гуруҳларга ажратилган ва уларга ўз уруғининг вакиллари раҳбар этиб белгиланган<sup>21</sup>.

<sup>17</sup> И ван о в П. П. Восстание Китай-кипчаков в Бухарском ханстве в 1821–1825. Москва, 1937. 87-бет.

<sup>18</sup> Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. Тошкент: Шарқ, 2012. 126-бет.

<sup>19</sup> Л о г о ф е т Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. СПб, 1911. Т. I. 242-бет.

<sup>20</sup> Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан ... 126-бет.

<sup>21</sup> Б а ё н и й. Шажараи Хоразмшохий. 334-бет.

1833–1834 йилларда Оренбург ҳарбий губернаторининг топшириги билан Бухорода бўлган П.И. Демезоннинг маълумотларига кўра, амирнинг 19000 мунтазам қўшини мавжуд бўлган. Қўшинга Бухоро вилоятидан 12000, Самарқанддан 2500, Қаршидан 2500, Майманадан 1000, Қоракўлдан 1000 та аскар етказиб берилган. Бухоро вилояти қўшинларининг доимий жойлашган лагерлари Жиззах, Болакўр-фон, Нурота<sup>22</sup> ва бошқа худудларда бўлса, Қарши беклигидаги аскарлар Хожа Жўйборий ва Керкида, Қоракўл лашкари эса Ёйчи ва Чоржўйда бўлган<sup>23</sup>.

Амирлик таҳтига Насрулло (1826–1860) чиққандан кейин мунтазам қўшин тузишда эътиборга молик йирик тадбирлар амалга оширилди. 1826 йил Россиядан Неги миссиясига ҳамроҳлик қилиб кузатиб келган рус аскарлари ва казакларининг Бухорога келиши натижасида амирда янгича қуролланган, Ўрта Осиё ҳарбийларидан фарқли равишда замонавий қуролланган армия ташкил этиш истаги пайдо бўлган бўлса, иккинчи тарафдан Шаҳрисабз ва Китоб бекликларида истиқомат қилувчи кенегас қабилаларининг мустақилликка интилиш қудратини синдиришга бўлган эҳтиёж мунтазам қўшин тузиш муҳимлигини тақозо этар эди. Унинг ташаббуси билан 1837 йилда пиёдалардан иборат сарбозлар ва тўпчиларнинг мунтазам қўшини тузилди. Шу йилнинг ўзида асирикдан озод қилинган 800 киши сарбозликка, 250 дан ортиқ киши тўпчилар қўшинига олинган эди<sup>24</sup>. Қўшин таркибиға қабул қилишнинг турли усуслари мавжуд бўлган. Дастлабки даврларда жиноятчилар, маҳқумлар, қочоқларнинг кафиллари ҳамда ота-оналарнинг ўз фарзандлари устидан шикоятлари ҳисобидан сарбозлар қабул қилинишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, ҳарбий амалдорлардан бирининг пойтахтга ёзган бир мактубида «... қулингиз Кирғизийм гузаридан Абдужалилни, яъни олий зиндонга қамалган маҳбусни Балжувон вилоятидаги Абдушукур мирохурнинг хузурига сарбозлик хизматига юбордим»<sup>25</sup>, деб маълумот беради. Бундан ташқари, қўшин таркиби кўп ҳолларда ҳарбий амалдорларнинг ўз ўғиллари ёки қариндошларини армияга жалб этиши ҳисобидан ҳамда нав-

<sup>22</sup> Б е й с е м б и е в Т. К. Малые владения в Мавараннахре: Нур-ата, Ургут, Яккабаг (XIII–XIX вв.) // Иран-намэ. Научный востоковедческий журнал. Алматы, 2007. № 1. 24-бет.

<sup>23</sup> Л у н и н Б. В. История Узбекистана в источниках ... 41-бет.

<sup>24</sup> Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан ... 127-бет.

<sup>25</sup> ЎзР МДА. И-126 фонд, 1-рўйхат, 1527-иш, 1-варақ.

карликнинг отадан болага ўтиши натижасида кенгайган. Бунинг исботини амир номига ёзилган қўйидаги мактуб мазмунида келтирилган маълумотда кўриш мумкин: «Имомназарбек қулингиздан. Бир қоровулбеги қулингиз қариб қолганлиги сабабли хизматнинг уддасидан чиқмаётганлиги сабабдан ўрнига Мулло Бобо исмли ўғлимни кириласиз деб умид қиласман. Олий марҳаматингиз билан унинг ўғлини мирзабошилар навкарияси сафига қўшаман»<sup>26</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий давлат архивида Күшбеги Канцеляриясида сарбозликка қабул қилиш масалаларига оид кўплаб маълумотлар мавжуд<sup>27</sup>.

Амир Насрулло қўшиннинг ягона жойлашув тизимини жорий этишга ҳаракат қилган. Бу борада у Бухоро шаҳри ташқарисида, Ўғлон ва Толипоч дарвозалари оралигига сарбозлар ва тўпчилар қўшиннинг ўз оилалари билан яшашига мўлжалланган уй-жойлар қурдириб беради. Мазкур тадбир натижасида Бухоро шаҳри ёнида 800 кишидан иборат ҳарбийларнинг доимий яшаш манзиллари юзага келади. Бу жой халқ орасида «Сарбозхона» номи билан машҳур бўлган<sup>28</sup>.

Бухоро амиригига қўшинларнинг моддий таъминоти уларнинг эгаллаган ўрнига қараб белгиланган. Қўшин таъминоти пул ёки озиқовқат маҳсулотлари орқали амалга оширилган<sup>29</sup>. Масалан, Амир Насрулло томонидан жорий этилган қўшин моддий таъминотига кўра, Бухоро амиригига қўшинларнинг олий амалдори – қўшиннинг бош қўмондони даромади йилига 2000 тиллани ташкил этган бўлса, юзбоши ойига 6 тилла, қоровулбеги 4,5 тилла, панжбоши 85 танга, унинг ёрдамчиси – панжбоши-хурд эса 50 танга миқдорида маош

<sup>26</sup> ЎзР МДА. И-126 фонд, 1-рўйхат, 1625-иш, 7-вараг.

<sup>27</sup> ЎзР МДА. И-126 фонд, 1-рўйхат, 1527, 1528, 1529, 1530, 1531, 1625-ишлиар. Ушбу маълумотларнинг кўпчилигига қулларнинг озодликка чиқарилиши ва маҳбусларга маълум имтиёз берилиши эвазига қўшин миқдори кенгайтирилганлиги келтирилади. Бу ҳолат бир томондан, қўшинни кенгайтириш имконини енгиллаштиради ва уларнинг иш кучи арzon баҳоланганилиги билан амир хазинасига йирик миқдорда таъсир кўрсатмайди. Иккинчи томондан, собиқ жиноятчилар ва қуллардан ташкил топган бўлинмалар ҳарбий хизматни сидқидилдан ўтамаган ва уларда ватанпарварлик руҳи деярли шакллантирилмаган.

<sup>28</sup> Ўша жой. 213-бет.

<sup>29</sup> В я т к и н В. Л. Каршинский округ, организация в нем войска и события в период 1215–1217 (1800–1803) годов. Отдельный оттиск из XVIII тома // Известия Среднеазиатского отдела государственного русского географического общества. Ташкент, 1928. 18–23-бетлар.

олган<sup>30</sup>. Амирликдаги оломон, галаботир (қора черик) сингари но-мунтазам қўшин аскарларига ҳам моддий таъминот белгиланган бўлиб, улар йилига 6 тилла маош, пичан учун 1 тилла ҳамда 5 ботмондан жўхори ва буғдой билан таъминланган<sup>31</sup>. Бундан ташқари, ҳарбий ҳара-катлар даврида мансабидан қатъи назар, ҳар куни ҳарбийларнинг бар-часига амир хазинасидан 1 тилладан устама пули бериб борилган<sup>32</sup>. Ҳарбий ҳаракатлар даврида ярадор бўлган сипоҳийларга ҳам амир-нинг фармойиши асосида алоҳида маблағ ажратилган<sup>33</sup> бўлиб, бу пуллар эвазига аскар табибларга мурожаат этиши мумкин бўлган.

Лекин қўшиннинг маоши миқдори бошқа соҳа вакиллариникига нисбатан камроқ бўлган. Бу ҳолатни жадид алломаси Фитрат шундай тавсифлайди: «... сарбозлар ойига 20 танга маош олган. Сарбоз бўлма-ган кезларда, яъни ҳаммоллик қилса кунига 5 тилла ишлаб олган, шунда бир ойлик даромади 150 тиллани ташкил қилган. Баъзида жи-ноятчилар жазо чораси тариқасида сарбозликка юборилган»<sup>34</sup>.

Бу даврда қўшин таъминотининг кўриниши Хива ва Кўқон хон-ликларида ҳам Бухоро амирлигиники билан деярли бир хил бўлган. Бухоро билан яқин муносабатда бўлган бошқа давлатларда – Эрон, Ҳиндистон ва Усмонлилар давлатида қўшин тузиш низомлари ҳамда унинг таъминоти XVI–XVII асрларда ҳалқларимиз ҳарбий санъати билан ҳамоҳанг тарзда ривожланган бўлса-да, Европа давлатлари би-лан тўқнашувларнинг юзага келиш заруриятларидан келиб чиқиб, Ўрта Осиё хонликларининг ҳарбий тизимидан илдамлаб кетган эди.

Янги ташкил этилган мунтазам қўшин амирнинг маблағи эва-зига ҳар уч йилда доимий ҳарбий кийим билан таъминлаб турилган. Кўшин раҳбарларидан тортиб, оддий аскарларга хазинадан янги камзул-лар, шим ва қалпоқ берилган<sup>35</sup>. Ҳарбий кийим тақсимоти билан боғлиқ мазкур тадбирларга баковулбоши лавозимидағи шахс масъул бўлган<sup>36</sup>.

<sup>30</sup> Троицкая А. Л. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX века ... 214-бет.

<sup>31</sup> Записки о Бухарском ханстве ... 71-бет.

<sup>32</sup> Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан ... 136-бет.

<sup>33</sup> Мирза Салимбек. Тарихи-Салими. Ташкент: Akademiya, 2009. 121–129-бетлар.

<sup>34</sup> Fitrat Abdurau f. Hind sayyohi bayonoti // Saylanma. Toshkent: Tamaddun, 2011. 115-бет.

<sup>35</sup> Kunits J. Dawn of Samarcand. The rebirth of Central Asia. New York: Covici Friede, 1935. 21-бет.

<sup>36</sup> Шуриллаев Ю. Қўшин бошқаруви тарихидан // Жамият ва бошқарув. Тошкент, 2006. № 2. 48-бет.

Бухоро амирлигига юришлар вақтида қўшин таркибида аскарларнинг турли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун савдогарлар; ер қазиш, йўлларни таъмиглаш, кўприклар қуриш, девор қуриш, дамбалар бузиш ёки қуриш учун ишчилар ва мардикорлар ҳам бўлган<sup>37</sup>. Масалан, манбаларда Амир Насруллонинг 1842 йил Кўқон хонлигига қарши юришида қўшин таркибида 2000 дан ортиқ ишчилар ва мардикорлар бўлганлиги<sup>38</sup> қайд этилади. Ҳарбий ҳаракатлар даврида қўшиннинг хўжалик эҳтиёжлари — арава, чодир ва бошқа муҳим анжомлар ҳам хон хазинасидан ажратилган. Чодирлар ва бошқа юкларни ташиш учун амир томонидан аравалар ҳам ажратилиб, уларда айрим ҳолларда вақтдан ютиш учун сарбозлар ҳам олиб юрилган бўлса<sup>39</sup>, маҳсус аревалар ярадорлар учун жорий этилган<sup>40</sup>. Кўшинда кўчма қўрхона (қуроллар ва ўқлар омбори) мавжуд бўлиб, у аревалар, туялар ёрдамида олиб юрилган ва қўшиннинг ўртасида сақланган. Зафарли жанглар натижасида қўлга киритилган кўпгина ўлжалар, хусусан, қурол-аслаҳалар мамлакат пойтахтига олиб келинган ва қўшин таъминотига сарфланган. Тарихчи Мулла Олим Маҳдум Ҳожи ва Исҳоқхон тўра Ибратларнинг маълумотларига қараганда, 1842 йил Кўқонни эгаллаган Амир Насрулло хонликка қаравали бўлган тўп, тўпхона ва бошқа жанг қуроллари ҳамда хазинани Бухорага жўнатган<sup>41</sup>.

Биз кўриб чиқаётган даврда Бухоро амирлиги аскарларининг ҳарбий қурол-аслаҳалар таъминоти ва уларнинг замонавий, нисбатан мураккаблиги Хива ва Кўқон хонлигига қараганда юқорироқ даражада бўлган. XIX асрнинг 20-йилларида амирлик аскарлари пилта милитиқ, узун найза, эгри қилич билан қуролланган, ҳимоя воситаси сифатида эгнига калта совут, бошга темир дубулға кийган ва новвостерисидан ишланган қалқон билан таъминланган эди<sup>42</sup>. Амир қўшинларининг қуролланиш тартиби ҳам уларнинг эгаллаб турган лавози-

<sup>37</sup> Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан ... 139-бет.

<sup>38</sup> Мұхаммад ҳакимхон тўра. Мунтахаб ат-таворих / Форс-тожик тилидан тарж., муқаддима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш. Воҳидов. Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. 468-бет.

<sup>39</sup> Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан ... 144-бет.

<sup>40</sup> Мұхаммад ҳакимхон тўра. Мунтахаб ат-таворих ... 388—393-бетлар.

<sup>41</sup> Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Қарши, 1992. 50-бет; Исҳоқхон тўра Ибрат. Тарихи Фарғона. Тошкент: Маънавият, 2005. 16-бет.

<sup>42</sup> Мейendorf Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару // Предисловие Халфина Н.А. М.: Наука, 1975. 140-бет.

мига қараб белгиланган<sup>43</sup>. Амир Насруллонинг 1837 йилдаги ҳарбий ислоҳотларидан кейин сарбозлар найзали милтиқлар, тўпчилар ва ўнбошилар тўппонча ва қиличлар билан қуроллантирилган. Юзбошилар эса икки стволли милтиқ, пистолет ва қилич билан қуролланган эди<sup>44</sup>. Тўпчилар қўшинида ҳарбий муҳандислар ҳам бўлган. Лекин уларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли вакилларидан бўлиб, соҳани мукаммал ўзлаштирганлар кўпчиликни ташкил этган. Бу ҳол эса янги ўзлаштирилган техникалардан нотўғри фойдаланиш пайтида портлашлар натижасида қурбонлар бўлишига олиб келган<sup>45</sup>.

Бу даврда амирлик ихтиёрида 50 та тўп бўлиб, уларнинг 32 таси Бухорода, 2 таси Жиззахда, 1 таси Керкида, 10 таси Ўратепада, 1 таси Чоржўйда, 4 таси Зоминда бўлган<sup>46</sup> ва улар доимо ҳарбий юришларга шай ҳолатда сақланган. Кейинги йилларда бундай ҳарбий техникалар кўпайтириб борилган. XIX аср ўрталарига келиб, биргина Керкининг ўзида 16 та чўян, 6 та мис тўплар бўлган<sup>47</sup>. Тўпларнинг бундай тартибда жойлаштирилиши стратегик аҳамиятга эга бўлиб, Ўратепа, Жиззах ва Зомин ҳудудлари Кўқон хонлиги билан чегарада бўлса, Керки ва Чоржўй туркманлар ерлари билан чегарада жойлашган эди.

Бундан ташқари, амирликда бир қанча кичик калибрли тўп – фальконетлар бўлиб, улар туяларнинг эгарига маҳкамланган<sup>48</sup>. Бундай тўплар олиб юришда қулай, жанг вақтида ҳам кам меҳнатни талаб қилган.

Бухоро армиясининг ҳарбий сафари чогида жасур ва кучли суворийлар қўшиннинг манглайида борганлар<sup>49</sup>. Тоғли ҳудудларда эса пиёда аскарлар ва қўшин таркибидаги ишчиларнинг моҳирлигидан фойдаланилган. Масалан, Бухоро амирининг 1854 йилдаги Шахрисабз

<sup>43</sup> W h e e l e r G. Modern history of Soviet Central Asia. London: Weidenfeld and Nicolson, 1964. 41-бет.

<sup>44</sup> Т р о и ц к а я А. Л. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX века .... 216-бет.

<sup>45</sup> XIX аср муаллифлари (Мирза Салимбек, Аҳмад Дониш, Юсуф Баёний, Мұхаммаджакимхон тўра ва бошқ.) асалари ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий давлат архиви фондларида курол-яроф омбори, тўп ва тўғанлар йиғиш устахоналаридаги портлашлар натижасида ҳалок бўлган ҳарбийлар ҳамда уларнинг оиласига нафақа тайинланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар мавжуд.

<sup>46</sup> Ўша асар. 215-бет.

<sup>47</sup> В а м б е р и А. Путешествие по Средней Азии. М.: Изд-во А.М. Мамонтова. 1867. 191-бет.

<sup>48</sup> Записки о Бухарском ханстве ... 114-бет.

<sup>49</sup> Ш о д и е в Ж. М. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ... 74-бет.

беклигига қарши қилган юриши жараёнида Китоб ҳудудидан ўтадиган сув манбалари бўғиб қўйилиши орқали беклик қўшинлари мағлубиятга уратилган эди<sup>50</sup>.

Бухоро амирлиги ўз ҳарбий туғи — байроғига эга бўлган. Рус олими ва сайёҳи Е.К. Мейендорф амирлиқдаги понсадбоши 500 кишилик қўшин «байроқ» деб аталган кичик байроқ билан жангга кирганилиги, мингбоши ёнида эса «туғ» деб аталган катта байроқ кўтарилиб туришини<sup>51</sup> ёзади. Тўқабо лавозимидағи шахс эса ҳарбий ҳаракатлар чоғида амир байроғини кўтариб юрган<sup>52</sup>. Жанг пайтида туғ ва байроқларнинг аҳамияти катта бўлиб, у қўшиннинг ўз саркардалари жойлашуви, марралар эгалланганлиги (ёки аксинча), ўз сафдошларини ажрата олиш ва чекиниш аломатларини англаб олишига кўмаклашган. Бундан ташқари, туғнинг кўтарилиши ҳамда аскарлар боши узра илдамлаб бориши қўшиннинг руҳини кўтарган ва ватанпарварлик ҳиссини кучайтирган<sup>53</sup>.

Бухоро қўшинларида доимий мусиқачилар ҳам бўлиб, улар карнайчи, сурнайчи, ногорачи, найчи, дўлчи ва бошқалардан иборат бўлган<sup>54</sup>. Қўшин созандалари мамлакат ҳукмдорининг ҳарбий юриши бошланганидан дарак берар, қўшиннинг ҳаракати ва ғалабаларини тантанавор тусда аҳолига билдиришга хизмат қиласа эди<sup>55</sup>. Амир Насруллонинг муңтазам қўшинида ҳарбий мусиқачилар мавжуд бўлиб, ҳар 100 кишилик дастада 2 та ногорачи ва 2 та сурнайчи хизмат қилган. Шунингдек, сарбозлар батальонида 2 нафар ногорачи ва 4 нафар карнайчи бўлган. Тўпчилар қисмида эса, 6 нафар карнайчи бўлган<sup>56</sup>. Ўрта аср ҳарбий санъатидан шу нарса маълумки, ҳар бир мусиқа асбобининг ўз вазифаси бўлган. Хусусан, ҳарбий ҳаракатлар жараёнида карнайнинг чалиниши — қўшиннинг бир жойга йиғилишини англат-

<sup>50</sup> А м и н о в Г. Краткие исторические сведения прежних отношениях Бухары к Шахрисабзу // Туркистанский сборник. СПб., 1873. 60-бет.

<sup>51</sup> М е й е н д о р ф Е. К. Путешествие из Оренбурга в ... 139-бет.

<sup>52</sup> Б а р о т и Ш а м с о . Государственные должности и титулы периода правления мангытов в Бухарском эмирате // Автореф. дисс. канд. ист. наук. Душанбе, 2006. 24-бет; Ш у к у р и л л а е в Ю. Қўшин бошқаруви тарихидан // Жамият ва бошқарув. Тошкент, 2006. № 2. 48-бет.

<sup>53</sup> С од и қ о в X. Амир Темур давлатида хавфсизлик хизмати. Тошкент: Шарқ, 2010. 49-бет.

<sup>54</sup> Т р о и ц к а я А. Л. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX века ... 213-бет.

<sup>55</sup> Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан ... 152-бет.

<sup>56</sup> Т р о и ц к а я А. Л. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX века ... 213-бет.

ган<sup>57</sup>. Бундан ташқари, дўл ва ноғоралар аскарларнинг руҳини кўтаришга, завқини оширишга, қўрқувни енгишга ва ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилган.

Россия империяси истилосидан кейин ҳарбийликка ўтиш, сарбоз бўлиш фахрли касб бўлмасдан, баъзida жиноят учун жазо сифатида қарала бошланган. Бу ҳақда Абдурауф Фитрат қуйидаги фикрларни ёзади: «Тараққий этган давлатларда ҳарбий хизмат муддати 3–4 йил бўлса, Бухорода бир умрлик эди. Ўгри ва қотилларни қамоқ ёки қатлга жўнатиш ўрнига сарбозликка юборилар эди»<sup>58</sup>.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, ўрганилаётган даврда Бухоро амирлиги ҳарбий тизими Марказий Осиёдаги ҳудудлари талаби доирасида тараққий этиб борди; аштархонийлар даврида инқирозга юз тутган ва номунтазам армияга асосланган ҳарбий тизим XVIII аср охири ва XIX аср бошига келиб мунтазам армия асосида такомиллашибтирилди; Амир Насрулло ислоҳотлари натижасида ташкил этилган мунтазам қўшиннинг қўшни хонликлар армиясидан энг катта фарқли жиҳати шунда эдики, у муайян тартибдаги кийим-бош билан тъминланган ва бу тадбир амир томонидан қаттиқ назорат қилинган.

Бундан ташқари, Бухоро амирлиги ҳарбий тизимида бир қатор ножоиз, мукаммал бўлмаган қонун-қоидаларни таъкидлашимиз лозим: аксарият ҳарбий амалдорлар бир пайтнинг ўзида йирик ер эгалари, савдогарлар ҳамда сарой амалдорлари бўлганлиги соҳанинг мукаммал мутахассислар назоратида бўлмаганлигини кўрсатади; ҳарбий амалдорликнинг, кўпинча, наслдан-наслга ўтиб туриши ҳарбий хизматга бўлган муносабатга салбий таъсир этган; сарбозлар сингари ҳарбий мансаб эгаларининг хизмат ёши чегараланмаганлиги ҳам қўшин салоҳиятини тушириб юборар эди (Архив манбаларининг аксариятида амалдорларнинг вафоти муносабати билангина янги амалдор тайинланиши кўрсатилади); қўшиннинг жангдан бўш вақтларда

<sup>57</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. Тошкент, 1999. 101-бет.

<sup>58</sup> F i t r a t A b d u r a u f . Hind sayyohi bayonoti ... 116-бет. Фитрат ҳинд сайёҳи тилидан нафақат Бухоронинг ҳарбий ҳолати, балки барча жабҳаларини танқид остига олади. Асарда сайёҳ тилидан Фитрат сарбозликнинг жамиятдаги энг аянчли касблардан бири эканлигини шундай ифодалайди: «Бирор саркарда пул ундиromoқчи бўлса, ўзига ёқмаган одамни кўриб қолса, сен сарбозликдан қочиб кетдинг, деб уни пора эвазига қўйиб юборган. Агар пули йўқ йўқсил бўлса, у сарбозликка тортилган». Фитрат мавжуд тузумга, жамиятдаги иллатларга салбий баҳо берган, чунки бошқа жадидлар сингари унда ҳам жамиятни тубдан ислоҳ этиши истаги устун бўлган.

ўз ҳарбий бошлиқларининг хўжалигини юритишга жалб қилиниши ҳам тизимнинг ҳануз архаиклигича қолаётганлигини кўрсатади; амирлик қўшинида ҳарбий хизматта юрга садоқат, ватанпарварлик, бурч сифатида қаралмасдан, моддий эҳтиёжни қоплаш нуқтаи назаридан қаралган; қўшинда маънавий-матрифий ташвиқотлар олиб борилиши хусусида манбаларда маълумотлар учрамайди; ҳарбий амалдорларни тайинлаш тартиб-қоидалари ҳамда ҳарбийларга маош ажратишнинг ягона, мукаммал тариф тизими ишлаб чиқилмаган эди; қўшинларнинг ўнлик, юзлик, минглик ва бошқа шаклдаги бўлиннишларида ҳануз қабила-уругчилик анъаналарининг сақланганлиги бутун қўшин манфаатидан кўра, маълум ҳарбий бўлинма манфаатининг устунлигини таъминлар эди; мунтазам армиянинг катта қисми арzon нарх эвазига ёлланган, қулликдан ёки маҳбусликдан озод этилган шахслардан ташкил этилганлиги қўшинда ҳарбий салоҳият ва ҳарбий руҳнинг баланд бўлмаганлигидан далолат беради; манбаларда ҳарбийлар тайёрлайдиган алоҳида билим юртларининг мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумот умуман учрамайди<sup>59</sup>. Бу эса тизимнинг асоси пухта яратилмаганлигини кўрсатади; 1837 йилдан кейин ислоҳотлар изчиллик билан давом эттирилмади ва деярли ўттиз йил давомида тизимнинг шу ҳолатда қолиши XIX асрнинг 60-йилларга келиб Россия империяси қўшинлари билан тўқнашувларда замон талабларидан анча ортда қолиб кетилганлигини кўрсатди<sup>60</sup>.

<sup>59</sup> Абдурауф Фитратнинг «Ҳиндистонда бир фаранг ила бухоролик мударриснинг жадид мактаблари хусусида қылғон мунозараси» асарида Ўрта Осиё ва Европадаги мактаблар таққосланган ҳамда Бухоро мактабларининг бирортасида ҳам жисмоний тарбия ёки ҳарбий, ҳарбий-сиёсий билимлар ўқитилмаслиги, бу борада янги ислоҳотлар зарурлиги таъкидланган.

<sup>60</sup> XIX аср муаллифлари (Мирза Салимбек, шоир Камина, Аҳмад Дониш ва бошқ.) асарларида ёзилишича, янги тартибдаги курол-яроғлар йиғиши ва уларни ишлатиш маҳаллий аҳоли вакилларида қийинчилик туғдирган, янги турдаги курол-яроғларни ўзлаштиришга алоҳида аҳамият берилмаганлиги туфайли, Россия империяси босқини арафасида амир қўшинлари милтиқлар билан бир пайтда, камон, қилич, найза, ханжар сингари ўрта аср қуролларидан ҳам кенг фойдаланганлар.

**A. ЗАМОНОВ**

## XVIII–XIX АСР ЎРТАЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲАРБИЙ БОШҚАРУВ ВА ҚЎШИН ТУЗИЛИШИ

Мақолада Бухоро амирлигининг XVIII–XIX аср ўргаларидаги ҳарбий бошқаруви — ҳарбий мансаблар, уларнинг функция ва вазифалари кўриб чиқилади. Бундан ташқари, қўшин турлари ва тартиби, аскарлар таъминоти ҳамда ҳарбий санъат билан бօғлиқ масалалар ўрганилади. Ушбу мавзу маҳаллий манбалар, сайдёхлар ва ҳарбий экспедиция аъзоларининг кундалик ҳамда ҳисоботлари, чет эл адабиётлари асосида тадқиқ этилган.

*Калит сўзлар:* ҳарбий мансаблар, бош қўмондон, стратегия, лашкарбоши, тўпчибоши, курол-яроғ, қўшин, ҳарбий либос, ҳарбий мусиқа, тактика, ислоҳот, тўфанг.

**A. ЗАМОНОВ**

## ВОЕННОЕ УПРАВЛЕНИЕ И ЕГО СТРУКТУРА АРМИИ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В XVIII – СЕРЕДИНЕ XIX ВЕКА

В статье рассматривается военное управление в Бухарском эмирате с XVIII до середины XIX века — военные должности, их задачи и функции. Кроме того, исследуются вопросы, связанные с видами войск, их обеспечением и порядком, а также освещаются вопросы военного искусства. Данная тематика рассмотрена на основе местных источников, воспоминаний и отчетов путешественников и военных, а также иностранных источников.

*A. ZAMONOV*

## THE MILITARY ADMINISTRATION AND STRUCTURE IN THE BUKHARAN EMIRATE (FROM THE 18TH TO MID 19TH CENTURIES)

The article discusses the military administration in the Bukharan emirate from the 18th to mid 19th centuries — military posts, their tasks and functions. In addition, it investigates the questions related to the types of troops, their support and order, and also discusses the art of war. This subject is studied on the basis of local sources, memoirs and reports of travellers and soldiers, as well as foreign sources.

## ТАРИХШУНОСЛИК, МАНБА ВА ТАЛҚИН

**Қ. ЯКУБОВ**

### **ВАТАН ТАРИХШУНОСЛИГИДА ХИВА ХОНЛИГИ ВАҚФ МУЛКЧИЛИГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мусулмон давлатларида Ислом дини қарор топган даврлардан вақф мулклари диний ва жамоат муассасалари моддий таъминотининг асоси сифатида жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаб келган ва келмоқда. Бугунги кунда жаҳон тарихшунослигига мусулмон мамлакатлари мисолида вақф масаласининг турли жиҳатлари, хусусан, ислом ҳуқуқшунослигига вақфнинг назарий-ҳуқуқий асослари<sup>1</sup>, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги роли<sup>2</sup>, вақф маъмуриятининг фаолият тартиби<sup>3</sup>, вақф мулкчилигига пул вақфи ҳамда ундан фойдаланиш тартиби<sup>4</sup>, ахлий вақф

<sup>1</sup> Kader S. A. The law of wakfs: an analytical and critical study. New Delhi, Eastern Law House, 1990. 486 P.; Hennigan P. Ch. The birth of a legal institutions: the formation of the waqf in the third century A.H. Hanafi legal discourse. Boston, M.A: Brill, 2003. 317 P.; Mughniyyah A.M. J. Waqf according to five schools of Islamic law // Al Tawhid. Vol. 8, No. 1 (Qum (Iran) 1990). P. 61–68; Abu-Saad M. Sh. Shariah and juridical personality of waqf // Awqaf. Nov., 1 (Kuwait 2000). P. 7–23; Shatzmiller M. Islamic institutions and property rights: the case of the public good waqf // Journal of the Economic and Social History of the Orient. Vol. 44, No. 1 (Leiden 2001). P. 44–74.

<sup>2</sup> Abd el Mohsin M. I. Integration of waqfs in the process of socio-economic development: case study: Sudan. Unpublished PhD. Dissertation, Kuala Lumpur, International Institute of Islamic Thought and Civilization (ISTAC), International Islamic University Malaysia. 2003; Baer G. The waqf as a prop for the social system (sixteenth-twentieth centuries) // Islamic Law and Society. No. 4 (1997). P. 264–297; Saduman S. and Aysun. E. E. The socio-economic role of waqf system in the muslim-Ottoman cities' formation and evolution // Trakia Journal of Sciences. Vol. 7, No. 2 (2009). P. 272–275.

<sup>3</sup> Hussein and Rashid. Waqf administration in India. Lucknow: Eastern Book Co.. 1973. Basar H. (ed.) Management and development of awqaf properties. Jeddah, IRTI/IDB, 1987. 161 P.; Zargaa M. A. Financing and investment in awqaf projects: a non technical introduction // Islamic Economic Studies, June, I (2) (1994). P. 55–62; Akhtar S. Waqf administration: how to streamline // Kashmir University Law Review. No 4 (Srinagar, India 1997).

<sup>4</sup> Mandeville Jon E. Usurious piety: the cash waqf controversy in the Ottoman empire // International Journal of Middle East Studies. August, 10 (1979). P. 289–308. Cizakca M. The relevance of the ottoman cash waqfs to modern Islamic economics // New Horizon. No. 20 (London 1993). P. 7–9, 12–15; Idem. Cash waqfs of Bursa, 1555–1823 // Journal of the Economic and Social History of the Orient. Vol. 38, No. 3 (1995). P. 313–354.

ва унинг ўзига хос жиҳатлари<sup>5</sup>, вақф масаласида аёлларнинг тутган ўрни<sup>6</sup> кабилар тадқиқ этилган.

Ҳозирга қадар XIX асрнинг сўнгги чораги — XX аср бошларида Хива хонлиги вақф мулкчилиги тарихининг айрим жиҳатларини ўзида акс эттирувчи қатор тадқиқотлар яратилган. Уларнинг аксариятига хос умумий хусусият бу хонлик тарихи муайян жиҳатларининг вақф масаласи орқали ўрганилганлигидир. Бундай тадқиқотларда вақф мавзузи иккинчи даражали аҳамият касб этиб, асосий эътибор тадқиқот марказини ташкил этган мавзуни ёритишга қаратилди. Натижада, Хива хонлигига вақф ва унинг минтақадаги амалиёти, вақфнинг фаолият юритиш механизми каби ушбу муаммо асосини ташкил қилувчи муҳим масалалар ёритилмай қолди. Шунингдек, вақфга бағишлиланган маҳсус тадқиқотларда, асосан, баёнчилик услугига таянилганини ҳамда информацион характерда эканлигини алоҳида қайд этиш ўринлиди.

Мазкур мақола доирасида XIX асрнинг сўнгги чораги — XX аср бошларида Хива хонлигига вақф мулкчилиги тарихига оид тадқиқотлар таҳлил этилади ҳамда ушбу масаланинг мустамлака, совет ва мустақиллик даврлари нашрларида ёритилиши ва ривожланиш динамикаси тадқиқ этилади.

Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олингач, мазкур ҳудудда мустамлакачилик талабларига мос келувчи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда янги тартибларни ўрнатиш зарурияти туғилди. Жумладан, Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман ерга эгалик қилишнинг янги тартибларини аниқлашда аввал амалда бўлган, шариат қонун-қоидаларига асосланган ер муносабатларини ўрганишни зарурий масала деб ҳисоблади ҳамда шу мақсадда ўлкага шарқшунос маълумотига эга бўлган шахслар — Ростиславов, Идаров, Пантусов, Пашино, Кун ва бошқаларни таклиф этди<sup>7</sup>. Натижада ер муносабатлари, хусусан, вақф масалаларига бағишлиланган ilk тадқиқотлар пайдо бўлди.

<sup>5</sup> M a h m o o d T. Islamic family waqf in twentieth century legislation: a comparative perspective // Islamic and Comparative Law Quarterly. March, 8 (1988). P. 1–20; Doumani B. Endowing family: waqf, property devolution, and gender in greater Syria: 1800–1860// Comparative Studies in Society and History. Vol. 40 (1998). P. 3–41; Layish A. The family waqf and the shar'i law of succession in modern times // Islamic Law and Society. No. 4 (1997). P. 352–388.

<sup>6</sup> В а е г G. Woman and waqf: an analysis of the Istanbul *Tahrir* of 1546 // Asian and African Studies. (Haifa, Israel: Haifa University Press, 1984). P. 9–27. Fay M. A. Women and waqf: towards a reconsideration of women's place in the Mamluk household // International Journal of Middle East Studies. Vol. 29, No.1 (1997). P. 33–51.

<sup>7</sup> С а в и ц к и й А. П. Поземельный вопрос в Туркестане. Ташкент, 1963. 5-бет.

Россия империяси ҳукмронлиги даврига оид адабиётлар таркиби-га, асосан, Хива хонлигини ўрганиш ва хонлик ҳақида маълумотлар тўплаш учун юборилган рус шарқшунос олимлари ва ҳарбий зобитлари томонидан эълон қилинган мақолалар ва яратилган асарларни киритиш мумкин. Хусусан, А.Л. Кун<sup>8</sup>, ва О. Шкапский<sup>9</sup> тадқиқотларида вақф мулкчилигига оид илк маълумотлар келтирилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу асарларни бир пайтнинг ўзида ҳам тарихшунослик обьекти, ҳам манба сифатида баҳолаш мумкин. Чунки уларда хонликдаги вақф мулклари ҳолати ҳақида бирламчи муҳим маълумотлар қайд этилади.

Рус шарқшунос олими А.Л. Кун 1873 йилда Хива хонлигига қарши К.П. Кауфман бошчилигига уюштирилган ҳарбий экспедицияда иштирок этади ва Хива хони саройидан мусодара қилинган буюмлар орасида қўлёзма асарлар, хонлар олиб борган ёзишмалар, турли мазмундаги хонлик ҳужжатлари қўлга киритилганини эътироф этади<sup>10</sup>. А.Л. Кун томонидан илк бора ўрганилган мазкур Хива хонлари архиви таркибида вақф мулкларига оид маълумотлар акс этган ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эга.

Хива хонлигига ер муносабатларини Шўрахон ҳудуди мисолида тадқиқ этган О. Шкапский хонликда ер эгалиги турлари, мазкур ҳудуднинг ирригация тармоқлари, ер ва сувдан фойдаланиш тартиби ҳақида тўхталиб ўтади. Шариат қонун-қоидаларида ерга эгалик қилиш, вақф ва у билан боғлиқ масалаларнинг хуқуқий жиҳатлари бўйича фикр юритади. Бундан ташқари, Шўрахон, Тўрткўл, Шайх Аббос Вали ва Бий Бозор маъмурий ҳудудлари бўйича статистик маълумотларни тақдим этади. Унинг таъкидлашича, мазкур ҳудудларнинг умумий ерлари 1875 йилга келганда 46739 таноб бўлиб, шундан 59,5% ни подшолик ерлари, 31,4% ни вақф ерлари ва қолган 9,1% ни ёрлиқли мулклар ташкил этган<sup>11</sup>. Ушбу вақф ерлари 40 та вақф хўжалигига тегишли бўлиб, вақф ерларининг тегишлилигини тасдиқловчи 3 та хўжаликнинг вақфномалари XVI–XVIII асрларга, 30 та хўжалик вақфномалари XIX асрга, асосан 1862–1872 йилларга мансублиги эъти-

<sup>8</sup> Кун А. Л. Поездка по Хивинскому ханству в 1873 году // Известия ИРГО. СПб, 1874. Т. X. № 1. 47–58-бетлар.

<sup>9</sup> Шкапский О. Аму-Дарьинские очерки. К аграрному вопросу на нижней Аму-Дарье. Ташкент, 1900. 284-бет.

<sup>10</sup> Кун А. Л. Поездка по Хивинскому ханству в 1873 году // Известия ИРГО. СПб, Т. X. № 1. 1874. 57-бет.

<sup>11</sup> Шкапский О. Аму-Дарьинские очерки. К аграрному вопросу на нижней Аму-Дарье. Ташкент, 1900. 119-бет.

роф этилади. Эътиборлиси, 13 та вақфномада айнан хонлар томонидан подшолик ерлари вақф муассасаларига вақф этилган.

1873 йилда имзоланган Гандимиён шартномасига кўра Хива хонлиги гарчи ўзининг ички сиёсатида мустақил бўлса-да, Россия империяси ҳукумати бу ҳудудни назоратида сақлаш учун хонликдаги ижтимоий-сиёсий вазият, иқтисодий ҳолат ҳақида маълумотлар тўплашга катта эътибор қаратди. Шу мақсадда маҳсус экспедициялар уюштирилди. Жумладан, 1888 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан капитан Стеткевич<sup>12</sup>, 1902 йилда капитан В.А. Гиршфельд ва 1910 йилда полковник В. Лобачевский томонидан Хива хонлиги ҳақида статистик маълумотлар тўпланган. Ушбу статистик маълумотлар асосида тадқиқотлар эълон қилинади<sup>13</sup>. В.А. Гиршфельд тадқиқотида вақф масаласи ҳақида ҳам тўхталиб, Амударё бўлимида вақф сиёсатида юз берган ўзгаришлар, вақф муассасалари ҳисобланган масжид, мактаб ва мадрасалар фаолият тартиби, улар вақф мулклари ва даромадларини таҳлил этади. В. Лобачевский эса Хива хонлиги ва Амударё бўлимида мавжуд таълим муассасалари ҳамда уларда таҳсил олувчилар ҳақида маълумот келтиради<sup>14</sup>.

Совет даврида Хива хонлиги вақф мулкчилиги тарихига П.П. Иванов, А. Болтаев, Ф.И. Рубинштейн, М.Ю. Йўлдошев, А. Кошчанов, Ю.Э. Брегель, А.О. Шайхова каби муаллифлар тадқиқотларида эътибор қаратилди<sup>15</sup>. Мазкур тадқиқотларда вақф масаласи, асосан,

<sup>12</sup> ЎЗР МДА. И-125 фонд, 2-рўйхат, 33-йифмажилд, 4-4ор. вараклар.

<sup>13</sup> Военно-статистическое описание Хивинского оазиса, составленное Генерального штаба капитаном Гиршфельдом, переработанное начальником Аму-Дарьинского отдела генерал-майором Галкиным. Ташкент, 1902–1903, ч. 1, 1902. 248-бет; ч. 2, 1903, 214-бет; Лобачевский В. Хивинский район. Военно-статистическое описание Туркестанского военного округа. Ташкент, 1912. 117-бет.

<sup>14</sup> Лобачевский В. Хивинский район. Военно-статистическое описание Туркестанского военного округа. Ташкент, 1912. 68-бет.

<sup>15</sup> Иванов П. П. Архив хивинских ханов XIX века. Исследование и описание документов с историческим введением. Ленинград, 1940. 289-бет; Болтаев А. Хоразм тарихига оид материаллар. Хива, 1950. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти. Кўлёзма № 9320; Болтаев А. Хива эсадаликлари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти. Кўлёзма № 11645; Рубинштейн Ф. И. Несколько хивинских актов. Материалы к истории Хивы полуколониального периода // Известия АН Уз ССР. Ташкент, 1951. 69–74-бетлар; Йўлдошев М. Й. Хива хонлигига феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашириёти, 1959. 362-бет; Кошчанов А. Из истории аграрных отношений в хивинском ханстве в конце XIX — начале XX вв. Дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1966; Брегель Ю. Э. Архив хивинских ханов (предварительный обзор новых документов) // Народы Азии и Африки. 1966, № 2. 67–76-бетлар; Шайхова А. Документы об аренде вакуфных земель в Хивинском ханстве в XIX — начале XX века // Краткие сообщения ИВ АН СССР. № 1. 1982. 48–51-бетлар.

хонлик ижтимоий-иқтисодий тарихи, хусусан, ерга эгалик қилиш ва аграр муносабатлар, ижара ва унинг ҳудуддаги амалиёти доирасида тадқиқ этилди.

1876 йилда Кауфман томонидан Петербургдаги Халқ Кутубхонасига<sup>16</sup> совға қилинган, юқорида зикр этилган Хива хонлари архиви П.П. Иванов саъй-ҳаракатлари билан 1936 йилда М.Е. Салников-Шедрин номидаги давлат халқ кутубхонаси қўлёзмалар фондида аниқланди. Ноёб ва қимматли маълумотларни ўзида жамлаган ушбу архив кейинги маҳсус тадқиқотларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Бу соҳада П.П. Иванов олиб борган илмий изланишларини алоҳида қайд этиш ўринлидир. П.П. Иванов томонидан Хива хонлари архиви илк бора тадқиқ этилди. Тадқиқоти натижаларини 1940 йилда «Архив хивинских ханов XIX века» номли асарида эълон қилди ва архив, ундағи ҳужжатларнинг мазмуни ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Муаллиф ўз асарида вақф мавзуига алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, 25-, 8-, 31-, 34- ва 53-рақам остида белгиланган дафтарлар айнан мазкур масалага бағишлиланган бўлиб, улар алоҳида таҳлил этилади. П.П. Иванов маълумотларига кўра, 25-рақамли дафтарда вақф ерларини ижара асосида ишловчи ижарачиларнинг масжидлар бўйича рўйхати келтирилади. Шунингдек, 1856 йилда Хива хони Абдуллахон томонидан Хизрали канали бўйидаги диний муассаса фойдасига вақф этилган ерларни ижарага олган 6 та масжид бўйича 116 ижарачилар ва уларга тегишли ерлар (таноб ҳисобида) тилга олинади<sup>17</sup>. Бундан ташқари, хон, қўшбеги, меҳтар каби амалдорлар ва йирик ер эгаларининг ерларини ишловчи ижарачилар, хон томонидан турли хизматлари эвазига ерлар ва пул мукофотлари билан тақдирланган сарой аъёнлари, қорақалпоқ уруғлари сардорлари ҳақида маълумот берилади.

П.П. Иванов эътибор қаратган 8-дафтарда вақф ерларини ижарага олган шахслар рўйхати келтирилади. Жумладан, Буйи-Фазоқ қуий оқимидаги хонга тегишли вақф ерларини ижарага олган янги ижарачилар тўғрисида хабар берилади. Вақф ерлари 5 танобдан 10 танобгacha миқдорда улар ўртасида тақсимланган. Ушбу дафтарда келган маълумотлар 1850–1862 йилларга оидлиги эътироф этилади<sup>18</sup>.

<sup>16</sup> В г е г е л' Yu. Documents from the Khanate of Khiva (17<sup>th</sup>–19<sup>th</sup> centuries) // Papers of Inner Asia, No.40 (Bloomington) 2007, P. 5.

<sup>17</sup> И в а н о в П. П. Архив хивинских ханов XIX века ... 145-бет.

<sup>18</sup> И в а н о в П. П. Архив хивинских ханов XIX века ... 150-бет.

Мадраса, масжид, мозор ва қориҳоналар вақф ерлари ва бошқа мулкларидан келаётган даромад ҳамда улар харажатлари ҳақидаги маълумотлар 31-дафтарда ўз аксини топган. Хусусан, Қутлуғ Мурод иноқ, Арабхон, Шерғозихон, Раҳимқулихон, Мусо тўра ва бошқа мадрасалар, Сайид Аҳмад тўра қориҳонаси, Уч авлиё мақбарасига қилинган вақфлар ҳамда вақф мулкларидан келаётган фойда ва унинг тақсимоти батафсил қайд қилинган. Муҳаммад Ризо қўшбеги томонидан Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (1825 йилда вафот этган) мақбарасига вақф қилинган «400 ботмон миқдордаги ер» ҳам дафтарда зикр этилган. Мазкур мадрасалар орасида Шерғозихон мадрасаси вақф мулкларидан тушадиган даромад анча салмоқли бўлиб, унинг йиллик даромади 2050 ботмон буғдой, 300 ботмон шоли ва 2300 ботмон жўхорини ташкил этган<sup>19</sup>. Дафтарда келган яна бир маълумотда, Бобо Ирса, Тўрт Шоҳбоз, Ҳазрати Сайид Сулаймон, Исмоил ота, Ҳазораспдаги Шайх Нуриддин ва Авазшайх мозорлари моддий таъминоти ва харажатлари кўрсатиб ўтилади. Шуниси аҳамиятлики, Ҳазораспдаги Шайх Нуриддин мозорига қарашли вақф ери ҳеч нарса экилмай, қаровсиз қолгани устидан арз қилингани алоҳида қайд этилади.

Дафтарларнинг бирида (№ 34) хонлиқдаги вақф ерларининг тақсимланиши ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Муаллифнинг таъкидлашича, маълумотлар ҳудуд (туман), масжид номи ва ундаги барча вақфкорларнинг умумий сони шаклида, схема кўринишида берилган бўлиб, айрим туманларда вақфкорларнинг умумий сони бошқа ҳудудларга нисбатан анча кўпчиликни ташкил этади. Бу ҳолат алоҳида масжидлар бўйича Кўҳна Урганч туманида яққол кўринади.

Бошқа бир дафтарда (№ 53) келган маълумотларга таяниб, П.П. Иванов вақф муассасалари ихтиёридаги мол-мулклардан келадиган даромад маҳсулот ҳисобидан натура шаклида ёки пул шаклида ҳосил бўлишига эътибор қаратади<sup>20</sup>.

Аксарият совет адабиётларида ҳукмрон бўлган синфий ёндашув вақф масалалари талқинида ҳам намоён бўлди. Хусусан, Ф.И. Рубинштейннинг қаламига мансуб мақолада Муҳаммад Паноҳбой ва Муҳаммад Юсуф ўртасида тузилган қарз мажбурияти ҳақидаги ҳужжат тадқиқ этилади<sup>21</sup>. Муаллиф совет даври сиёсий қарашларидан келиб чиқиб, масалага синфий жиҳатдан ёндашади ва Муҳаммад Паноҳбой

<sup>19</sup> И в а н о в П. П. Архив хивинских ханов XIX века... 151-бет.

<sup>20</sup> И в а н о в П. П. Архив хивинских ханов XIX века...155-бет.

<sup>21</sup> Р у б и н ш т е й н Ф. И. Несколько хивинских актов... 69–74-бетлар.

шахсига алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, у Хиванинг йирик савдогарларидан бири бўлиб, 1905 йилда Хивада мадраса бино қиласи ҳамда мазкур мадраса фойдасига Илёлида вақф ери таъсис этади.

М.Й. Йўлдошевнинг Хива хонлиги тарихи, асосан, архив маълумотлари ва Хива тарихчилари асарлари асосида ёритилган «Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши» монографиясида ҳам вақф мавзуида фикр юритилади. Муаллиф XIX аср Хива хонлигида ер эгалиги ва солиқ масалалари ҳақида фикр юритиб, хонлик ер-сув муносабатларини Шўрахон ҳудуди мисолида ўрганганд О. Шкапскийнинг вақф ерлари, хусусий мулк бўлган ерларни ижарага олиб, улардан фойдаланиш шартлари ҳақида билдирган фикрларини инкор этади<sup>22</sup>. Унинг таъкидлашича, Хива хонлигида давлат ерларини ижарага олганлар *вақфкор* ва хусусий ер эгаларидан ижарага олувчилик корандада деб аталган.

Асада хон саройида қўшбеги, меҳтар, иноқ, шайхулислом каби турли мансабларни эгаллаган мансабдорлар орасида 2 та мутавалли зикр этилади. Улар Хивадаги энг катта икки мадрасанинг мутаваллиси бўлиб, кейинчалик сарой хизматига ўтганлиги таъкидланади.

М.Й. Йўлдошев хонликда ерга эгалик қилиш турлари тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида Хива хонлигидаги вақф ерларининг умумий миқдори 165–170 минг танобни ташкил қиласланлигини қайд этади. Бироқ унинг асарида айрим статистик маълумотлар ва мулоҳазалар зиддиятли, бир-бирига тўғри келмаслиги баъзи чалкашликларга сабаб бўлган<sup>23</sup>. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, муаллиф баъзан айрим тарихий маълумотларни, муаммовий масалаларни ёритаётганда, у таянган манба ҳақида маълумот келтирилмайди.

Ю.Э. Брегелнинг Хива хонлари архивига оид янги ҳужжатлар тавсифига бағишлиланган тадқиқотида П.П. Иванов эътиборидан четда қолган, Кўқон хонлигига тегишли архив сифатида тахмин қилинган ҳужжатлар орасидан аниқланган Хивага оид янги ҳужжатлар таҳлил этилади. Ушбу маълумот Кўқон хонлари архивини тадқиқ қиласлан А.Л. Троицкая томонидан ilk бора эълон қилинган. Хива хонлари архивига оид янги ҳужжатлар тахминан 3300 та атрофида бўлиб, Ю.Э. Брегелнинг таъкидлашича, уларнинг 20 тасини айнан вақфномалар ташкил этади. Шунингдек, яна 30 та ҳужжат вақф ерларининг бошқару-

<sup>22</sup> Ўлдошев М.Й. Хива хонлигида ... 75-бет.

<sup>23</sup> Ўлдошев М.Й. Хива хонлигида ... 147-бет.

ви билан боғлиқ масалаларни акс эттиради<sup>24</sup>. Ҳужжатлар орасида форстожик тилида тузилган вақфномалар ҳам учрайди.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, Хива хонлигига оид вақфномалар тадқиқотига бағишланган, вақф муассасалари фаолиятининг айрим жиҳатларини ёритган маҳсус адабиётлар пайдо бўлди. Ҳусусан, А. Шайхова Хива хонлигидаги вақф мулклари ижараси билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиб, Оллоҳқулихон, Муҳаммад Аминхон ва Муҳаммад Раҳимхон мадрасалари тасарруфида бўлган вақф ерларидан ижара асосида фойдаланиш тартибини таҳлил қиласиди<sup>25</sup>. У эътиборни Хива хонлигидаги вақф муассасалари ихтиёридаги мол-мулкларни ижарага бериш муддатига қаратади. Вақф мулкини ижарага бериш тартиби ва шартига кўра, Ўрта Осиёда бу турдаги мулклар ижараби томонидан мазкур мулкни ўзлаштириб олинишининг олдини олиш мақсадида 3 йилдан ортиқ муддатга берилмаган. Аммо Хива хонлигига ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, узоқ муддатли ижара — *ижара-и тавила* амалда кўп учраган. Бу ҳолат вақфнома тузиш вақтида ҳам муҳим шартлардан бири сифатида қайд этилган, аксарият ҳолларда эса вақф ҳужжатида ижара муддати умуман кўрсатилмаган<sup>26</sup>. Ўз навбатида, О. Жалилов ҳам А. Шайхованинг узоқ муддатли ижара ҳақида билдириган фикрини ўз тадқиқотлари натижасига кўра тасдиқлади<sup>27</sup>.

Муаллиф ўз фикрининг тасдиғи сифатида бир неча ҳужжатлардан мисоллар келтиради. Жумладан, 1897–1898 йилларда Муҳаммад Ниёзбой масжидига қарашли Пурханхос мавзеида жойлашган 2 бўлак ер, Гурлан атрофидаги Умарот деган ердаги қориҳонага тегишли 6 таноб ер, Хонободдаги Оллоберган бақъол қориҳонасига қарашли 5,5 таноб вақф ери 70 йил муддатга, шунингдек, 1893 йилда Гурлан атрофида жойлашган, Муҳаммад Раҳимхон II ихтиёридаги 222,5 таноб вақф ерлари 36 киши ўртасида тақсимланган ҳолда 90 йил муддатга ижарага берилган. Ижара ҳақи миқдори олинган ҳосилдан эмас, балки ижарага олинган ер майдонидан муайян маҳсулот ҳисобида белгиланган<sup>28</sup>. Умуман олганда, ижара ҳақи ернинг ҳосилдорлиги, ирригация тармоқлари билан таъминланганлиги каби яна бошқа белгиларига кўра аниқланган.

<sup>24</sup> Б р е г е л ь Ю. Э. Архив хивинских ханов ... 70-бет.

<sup>25</sup> Ш а й х о в а А. Документы об аренде ... 48–51-бетлар.

<sup>26</sup> Ш а й х о в а А. Документы об аренде ... 48-бет.

<sup>27</sup> Ж а л и л о в О. Хазинамиздаги Хева вақф ҳужжатлари // Шарқшунослик. № 4. 1993. 67-бет.

<sup>28</sup> Ш а й х о в а А. Документы об аренде ... 49-бет.

А. Шайхова мақолада ижара ҳақи пул тарзида олинганини ҳам қайд этади. Унинг фикрича, вақф ерлари нафақат экин экиш учун, балки ҳаммом, ҳунармандчиллик ва савдо дўконлари каби ижтимоий аҳамиятга эга бинолар қуриш, шунингдек, ирригация иншоотлари, яъни каналлар ўтказиш учун ҳам ижарага берилган. 1891 йилда мутавалли Мұхаммад Зокир Эшон билан 16 ижарачи ўртасида Дўрмон ва Чака мавзеларида жойлашган 3 та вақф муассасасига тегишли ер майдони (ҳар бири тахминан 3 танобдан) бўйлаб 3 та канал ётқизиш бўйича ижара шартномаси тузилади. Мутаваллига биринчи ер майдонидан ҳар йили 3 ботмон буғдой, иккинчисидан канал сувининг 1/4 миқдорида ижара ҳақи тўлаш кўзда тутилган. Канал қазиш бўйича барча ҳаражатлар ижарачилар ҳисобидан бўлган. Бундан ташқари, ижарачилар мутавалли рухсатисиз мазкур ерлардан янги каналлар ўтказ- маслик мажбуриятини олганлар<sup>29</sup>.

Одатда вақф ерлари ижарага улар вақф қилинмасдан олдин кимга тегишли бўлган бўлса ёки мазкур ерда бинолар қуриб аввалдан яшаб келаётган шахсларга берилган. Айниқса, XIX аср сўнгги чорагига оид ўзига хос ҳусусиятлардан бири, кичик ер майдонларини сотиб олиб, уларни вақф мулклари сифатида таъсис этган ҳолда, мазкур ерларни собиқ эгасига ижара асосида бериш кузатилади.

Муаллиф тадқиқотида ижарага олинган ер учун давлатга солғут солигини тўлаш ва бошқа мажбуриятларни бажариш масалалари қайси томон тарафидан амалга оширилишига ойдинлик киритади. Унинг ҳужжатларга асосланиб берган маълумотига кўра, барча солиқ ва мажбуриятлар одатда ижарачи томондан амалга оширилган<sup>30</sup>.

О. Жалиловнинг Хива ҳонлигига пулнинг вақф этилиши ҳақида ги вақфномалар тавсифига бағишиланган мақоласида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ва Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган вақф ҳужжатлари таҳлил қилинади.

ЎзР МДА И-323 фонд, 1-рўйхатда мавжуд 2000 та вақфномалардан 88 таси, И-125 фонд, 1-рўйхатдаги 49 та ва Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 21-йигмажилдда (инвентарь №584а, 595а, 596а) пулни вақф этиш ҳақида вақфномалар сақланган бўлиб, пулни вақф қилиш масаласи Бухоро амирлиги ва Кўқон ҳонликлари-

<sup>29</sup> Ш а й х о в а А. Документы об аренде ... 50-бет.

<sup>30</sup> Ш а й х о в а А. Документы об аренде ... 51-бет.

га нисбатан Хива хонлигига кенг тарқалган. Вақф этилган пуллар вақф муассасасининг турли эҳтиёжларини таъминлаш учун сарфланган. О. Жалилов Хива хонлигига пулнинг вақф этилиши кенг тарқалганини товар-пул муносабатларининг ривожланганилиги ва бошқа мулкларни вақф этишга нисбатан тез ва кўпроқ даромад келтиргани билан изоҳлаган<sup>31</sup>.

Мустақиллик йилларида мавзуга оид бир қанча монографиялар, диссертациялар ва қатор мақолалар эълон қилинди. Хусусан, О. Жалилов, У.И. Джабарова, Э.Э. Каримов, У.А. Абдурасулов, И. Алимов тадқиқотларида, асосан, Хива хонлигига оид вақфномалар тадқиқ этилади<sup>32</sup>. Жумладан, О. Жалиловнинг «Хазинамиздаги Хева вақф ҳужжатлари» мақоласида ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган «Хева қози дафтарлари» деб номланган 4 жилдан иборат қўлёзмалар таркибидаги 1600 га яқин вақф ҳужжатлари тўғрисида маълумот берилиб, 9491 рақамли қўлёзма дафтarda Хивадаги вақф масаласига оид 520 та ҳужжат кўчирма нусхаси тузилиши ва мазмуни жиҳатдан бир неча турларга бўлиниб, тасниф этилади<sup>33</sup>. Муаллиф *вақфи авлодий* ва *вақфи мутлақ* каби вақф турлари ҳақида тўхталиб ўтади, вақф билан боғлиқ шаръий масалалар юзасидан, хусусан, вақф мулкини сотиш, ижарага бериш ва умуман вақф мулкларидан фойдаланиш бўйича мулоҳазалар билдиради<sup>34</sup>.

Г. Джураеванинг «Исследование вакфных документов из фонда Института востоковедения АН РУз» номли мақоласи Шарқшунослик институтида сақланаётган ҳужжатлар, хусусан, вақфномалар тадқиқига бағишиланган.

<sup>31</sup> Жалилов О. Хива хонлигига пулни вақф этиш тўғрисидаги ҳужжатлар // ОНУ. № 1. 1986. 51-бет.

<sup>32</sup> Жалилов О. Хазинамиздаги Хева вақф ҳужжатлари // Шарқшунослик. № 4. 1993. 62–71-бетлар; Джабарова У. И. Вакфные грамоты как источник по изучению аграрных отношений Хивинского ханства XVII – начала XX в. // Материалы Международной научной студенческой конференции. Востоковедение. Новосибирск, 2003. 14–15-бетлар; Каримов Э. Э. Кубравийский вакф XVIII – XIX вв.: письменные источники по истории суфийского братства Кубравийя в Средней Азии. Ташкент: Фан, 2008. 280-бет; Абдурасулов У. А. Земельные отношения в Хивинском ханстве во второй половине XVIII – первой четверти XIX в. дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 2008; Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тутатилиши (1917–1929 йиллар). Тошкент: Фан, 2009.

<sup>33</sup> Жалилов О. Хазинамиздаги Хева вақф ... 63–71-бетлар.

<sup>34</sup> Жалилов О. Хазинамиздаги Хева вақф ... 70-бет.

Элёр Каримовнинг Ўрта Осиёда Кубравия сўфиийлик тариқати тарихига бағишланган монографиясида Ҳазорасп шаҳрида жойлашган Шайх Ҳусайн Бобо мозори ва Кўҳна Урганчдаги Шайх Нажмиддин Кубро жоме масжиди вақфномалари тадқиқ этилади. Шунингдек, муаллиф Хива шаҳри Мевистон маҳалласида жойлашган Абу ал-Вафо Хоразмий масжидининг 1869–1888 йилларда тузилган вақф ҳужжатлари тавсифига эътибор қаратади<sup>35</sup>. Мазкур монография гарчи Совет манбашунослиги ва ҳужжатшунослиги мактабининг етук вакили Ольга Чехович илмий услубини ўзида акс эттираса-да, бироқ у Хива хонлиги вақф ҳужжатларини илк бора тадқиқ этилгани билан қимматлидир.

Мустақиллик даврининг яна бир ўзига хос жиҳати турли мазмундаги ҳужжатларни каталогглаштириш ва нашр этишда намоён бўлди<sup>36</sup>. Ушбу ҳужжатлар тўпламларида турли юридик ҳужжатлар қатори вақфномалар тавсифи келтирилади<sup>37</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон тарихшунослигига Хива хонлиги вақф мулкчилиги тарихининг турли масалалари, хусусан, вақф муассасалари статистикаси ҳамда улар фаолиятининг умумий жиҳатлари, вақф масалаларига оид айрим ҳужжатларнинг манбашунослик ва ҳужжатшунослик нуқтаи назаридан ўрганилиши, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда, хусусан, ер-сув ва аграр муносабатлар тизимида вақф мулкчилигининг ўрни кабилар тадқиқ этилди.

Бироқ, Хива хонлигидаги вақф мулкчилигининг жуда кўп жиҳатлари, хусусан, вақф муассасасининг фаолият тартиби ва унинг ходимлари ўртасидаги муносабат, мутавалли функциялари, вақф мулкларидан фойдаланиш тартиби, аёлларнинг вақф масаласида иштироки, мерос ҳуқуқининг вақф бўйича амал қилиш тартиблари ҳозиргача ўрганилмаган. Мазкур тадқиқотларни амалга оширишда вақфномалар билан бир қаторда ҳали илмий истеъмолга кирмаган, хон девонхонасида тузилган вақф регистрлари, мутавалли дафтарлари, вақф масаласига оид аризалар, ижара билан боғлиқ бошқа қозилик ҳужжатлари, шунингдек, Хива тарихчилари қўлёзма асарлари муҳим манба саналади.

<sup>35</sup> Каримов Э. Кубравийский вакф ... 63–64-бетлар.

<sup>36</sup> Каталог хивинских казийских документов XIX — начала XX вв. Составители: Урунбаев А., Хорикава Т., Файзиев Т., Джураева Г., Исогай К. Ташкент-Киото, 2001; Элёр Каримов. Регестры казийских документов и ханских ёарлыков Хивинского ханства XVII — начала XX вв.. Ташкент: Фан, 2007.

<sup>37</sup> Хива қозилик ҳужжатлари каталогида 52 та, Элёр Каримов томонидан нашрга тайёрланган каталогда эса 2 та вақф ҳужжатлари баёни берилади.

**K. ЯКУБОВ**

## **ВАТАН ТАРИХШУНОСЛИГИДА ХИВА ХОНЛИГИ ВАҚФ МУЛКЧИЛИГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мақола XIX асрнинг сўнгти чораги — XX аср бошларида Хива хонлигидаги вақф масалалари тадқиқотлари тарихига бағишлидан. Муалиф томонидан мазкур масала юзасидан яратилган асарлар таҳлил этилиши билан бирга, муаммо тарихшунослигининг асосий йўналиш ва ёндашувларига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, масала юзасидан ўз ечимини кутаётган айрим жиҳатлар ва ҳали истеъмолга кирмаган манбалар тилга олинади.

*Калим сўзлар:* вақф мулкчилиги, Туркистон генерал-губернатори, вақфнома, Хива хонлари архиви, вақф муассасалари, ижара ҳужжатлари.

**K. ЯКУБОВ**

## **ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИИ ВАКФНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В ХИВИНСКОМ ХАНСТВЕ В ОТЕЧЕСТВЕННОЙ ИСТОРИОГРАФИИ**

Статья посвящена истории изучения вакфной собственности Хивинского ханства в последней четверти XIX — начале XX века. Автором проанализированы работы по данному вопросу, особое внимание уделяется основным тенденциям и подходам. Также упомянуты некоторые аспекты, ожидающие своего решения по данному вопросу, и источники, не вошедшие в научный оборот.

*Q. YAKUBOV*

## **ISSUES OF STUDYING THE HISTORY OF WAQF IN KHIVA KHANATE IN UZBEKISTAN HISTORIOGRAPHY**

The article is devoted to the study of waqf in Khiva khanate in the last quarter of the 19th — early 20th centuries. The author analyzes the works based on waqf and focuses on the main trends and approaches of the issue. Besides, the author mentions in the article some important aspects of the issue which have not been solved and primary sources that have not been published yet.

*Г. РАҲИМ, С. МУХАМЕДОВА***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ  
АРХИВИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХЧИЛАРИ ШАХСИЙ  
ФОНД ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ**

Тарихни ўрганишда архив ҳужжатлари энг муҳим манбалардан ҳисобланади. Архив фондлари орасида Шахсий фонд деб аталувчи фонд йигмажилдлари мавжудки, у келиб чиқиши жиҳатдан шахсий архив фонди ҳисобланиб, айрим шахс, оила, уруғ ҳаёти ва фаолияти жараёнида шаклланган ҳужжатлардан таркиб топган архив фондидир.

Шахсий фонд бирор-бир тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолияти давомида (ва ундан кейин) йигилган турли материаллар мажмуидан иборат. Материаллар орасида фонд эгасига тегишли биографик маълумотлар, илмий тадқиқотлар, диссертация кўчирмалари, шахсий ёзишмалар, шахсий ҳаётига ва фаолиятига доир турли расмий ҳужжатлар, хизмат ёхуд ижтимоий ишга тегишли ҳужжатлар, қундаликлар, ҳар хил фотосуратлар, ёзишмалар, ҳадя битиклар, мактублар, магнит тасмалари, турли йиллардаги даврий матбуот нашрларидан олинган қирқимлар, айрим тарихий манбалар, китоб, журнал ва газеталар, фонд эгаси тўғрисидаги турли шахсларнинг чиқишлари, фонд эгаси томонидан топширилиши керак деб ҳисобланган турли қўллэзмалар ва бошқа ҳужжатлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида (ЎзР МДА) 200 дан ортиқ тарихий шахсларнинг шахсий фондлари сақланади. Фонdlар турлича ижтимоий фаолият олиб борган шахсларга тегишлидир. Уларнинг орасида давлат ва жамоат арбоблари, ижтимоий ва табиий соҳа олимлари, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, маълум соҳа бўйича хизмат кўрсатган фаоллар (архитектор, ирригатор, муҳандис, диний арбоб), маданият ходимлари, театр ва кино мутахассислари, журналистлар, таниқли спортчилар, уруш қаҳрамонлари ва ҳоказолар бор. Шахсий фонд ҳужжатлари нафақат маълум шахсларнинг персонал тарихи, балки ижтимоий тарих, маълум бир фан, соҳа тарихини ўрганиш бўйича далилий материаллар бериши билан аҳамиятли ҳисобланади. Энг муҳими шундаки, айрим тарихчи олимларнинг фондларида нафақат «шахсий», балки мамлакатимиз, умуман Ўрта Осиё тарихини ўрганишга доир кўплаб ноёб ҳужжатлар учрайди.

Тарихнинг маълум саҳифаларини ёритишда бу ҳужжатларнинг ўрни жуда муҳим. Туркистонда Архив иши ташкил топганига 95 йил (1918 йил) тўлган бўлса, шахсий фонд ҳужжатлари ҳам деярли ўша пайтдан йигила бошланган.

ЎзР МДАнинг тарихий архив фондида сақланаётган шахсий фонд ҳужжатлари шарқшунос олим Н.П. Остроумов (1848–1930 йилларга оид ҳужжатлар), Туркистон генерал-губернатори канцелярияси бошлиғи ёрдамчиси П.И. Хомутов (1848–1808), тарихчи ва шарқшунос В.П. Наливкин (1852–1918), Россиянинг Қашқардаги консули Н.Ф. Петровский, Туркистон ўлкаси халқ билим юрти инспектори С.М. Граменицкий (1897–1968) каби шахсларга тегишлидир. Тарихий даврга (энг қадимги қўлёзма ҳужжатлардан 1917 йил 25 октябрга қадар) доир бўлган барча фонд ҳужжатлари қаторида юқорида номлари саналган шахсларнинг шахсий ҳужжатлари ҳам Алоҳида қимматли ҳужжатлар сирасига киритилган.

Кейинги йилларга келиб бир қатор тарихчи олимларнинг шахсий ҳужжатлари ҳам давлат архивидан ўрин ола бошлади. Машхур рус шарқшунос олими ва рассоми В.Л. Вяткин, тарих фанлари докторлари, академиклар М.Е. Массон ва Г.А. Пугаченкова, Я.Ф. Гуломов, К.Е. Житов, К.Ш. Шониёзов, С.А. Азимжонова, фан докторлари О.Д. Чехович, Б.В. Лунин, Л.И. Ремпель, Г.Н. Чабров, М.Ю. Юлдашев, Х.Ш. Иноятов, А.Я. Соколов, А.Х. Бобохўжаев, Л.В. Гентшке, Т.Г. Аббасова, М.А. Ахунова, П.А. Ковалев, тарих фанлари номзодлари Л.М. Ланда, Г.Л. Дмитриев, М.И. Вексельман, М.Э. Воронец, И.Г. Полинов каби олимларнинг, бундан ташқари, тарихчи-кутубхоначи Е.К. Бетгер, археолог Г.В. Парфенов, этнограф В.И. Анучин, тарихчи В.П. Савицкий, архитектор-шарқшунос Б.Н. Засыпкин, антрополог Л.В. Ошанин, шарқшунос И.Д. Ягелло каби ўлкашуносларнинг шахсий ҳужжатлари (тарих ва ёндош соҳаларда хизмат қилган олимлар шахсий фондларининг сони 30 дан ортиқ) сақланмоқда.

1943 йилда ташкил этилган Тарих ва археология институти ўз фаолияти мобайнида Ўрта Осиё тарихига доир тадқиқотлар ва манбаларни нашр этиш ишларини, умуман соҳага оид барча ишларни маълум илмий йўналишда режага асосан амалга ошириб келмоқда. Тарих ва археология институти ташкил этилган дастлабки чоғларда олимлар, асосан, ўз илмий ишларини Россиянинг етакчи шаҳарларида бошлаган бўлсалар-да, кейинчалик Ўзбекистонда ҳам соҳа бўйича илмий кенгаш тузила бошланди. Шунга кўра, мутахассисларнинг илмий са-

лоҳияти ошиб борди. Буни ЎзР МДАда сақланаётган шахсий фондлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Тарих институтида бир қанча йиллар меҳнат қилган ва ҳозирги пайтда шахсий архиви Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган тарихчи олимларнинг шахсий фондлари. Булар қуидагилардир: 1) Я.Ф. Фуломов (1908–1977); 2) О.Д. Чехович (1912–1982); 3) Б.В. Лунин (1906–2001); 4) К.Ш. Шониёзов (1924–2000); 5) М.А. Ахунова (1928–1987); 6) М.Э. Воронец (1883–1954).

Тарих институти ташкил бўлган дастлабки чоғларда тарих ва археология (институт дастлаб Тарих ва археология институти мақомида бўлган) соҳасида фаолият олиб борган академик Яҳё Фуломович Фуломов Ўзбекистонда тарих ва археология илмининг йирик вакилидир. Я. Фуломов дастлаб Тошкент педагогика техникумida, 1933 йилдан кейин Ўзбекистон тарихий ёдгорликларини сақлаш ва илмий ўрганиш республика қўмитасида ишлади. Шу даврдан бошлаб М. Массон, А. Якубовскийлар раҳбарлигидаги археологик экспедицияларда қатнаша бошлади. 1941 йилда Хоразм воҳасидаги қалъа, қўрғон, эски шаҳар харобаларини, Хива шаҳри ва унинг обидаларини ўрганиб, олиб борган тадқиқотлари натижасида «Хива шаҳри обидалари» номли монографик асар чоп эттириди. 1943 йилда мазкур мавзуга багишланган номзодлик диссертациясини, 1950 йилга келиб эса «Хоразмнинг суғорилиш тарихи: қадимги замонлардан ҳозирги давргача» мавзууда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1955 йилда Я. Фуломовга профессор унвони берилди.

Олимнинг шахсий фондида (Р-2883, 1931–2002 йилларга доир жами 83 та йигмажилд) унинг илмий ишлари тўғрисида ахборот берувчи анчагина материаллар бор. Булар биографик ҳужжатлар, диссертациялар ва монографиялари, мақолалар, тарихий маълумотномалар, илмий ишлар учун берилган тақризлар, Тошкент, Жиззах, Хива, Самарқанд шаҳарлари тўғрисидаги маълумотлар, Ўзбекистон ва Қорақалпогистоннинг турли ерларида археологик тадқиқотлар олиб борганлиги тўғрисидаги кундаликлари, ҳисоботлари ҳамда Я. Фуломов ҳақидаги мақолалардан иборат. Мазкур фонд ҳужжатлари орасидаги олимнинг номзодлик (1942–1943 й.) ва докторлик (1949–1950 й.) диссертациялари нусхаси (рус тилида), «Жиззах тарихи ҳақида маълумотнома» (1965 й., қўлёзма), «Самарқанд шаҳридаги Гўр-Амир хилхонасидаги Мироншоҳ қабрини очиб ўрганиш юзасидан тузилган далолатнома» (қўлёзма), «Самарқанд археологик экспедицияси томонидан Чўпон-

ота хилхонасидаги қазилмалар натижасида топилган материалларнинг рўйхати» (1941 й.), «Улугбек расадхонасида олиб борилган қазилма ишлар ҳақида»ги ҳисоботи (1967 й.), «Сўғд» номли мақоласи (1974 й., қўллўзма; мақолага доир фикр-мулоҳазалар ҳам илова қилинган), Яхё Фуломовнинг турли шахслар билан ёзишган мактублари, олим ҳақида ёзилган мақолалар тўплами ҳам академикнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги фактик материал сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Ольга Дмитриевна Чеховичнинг шахсий фонди энг бой ва қимматли хазиналардандир. О.Д. Чехович 1932 йилда Ленинград Тарих-лингвистика институтини тамомлагач, йўлланма билан Тошкентга келиб педтехникумда тарих фанидан дарс бера бошлади. Кейинчалик, 1943 йилда «Бухоро ер мулки ҳужжатлари ва XIX–XX аср аграр муносабатлари» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгач, 1944 йил январидан бошлаб янги ташкил этилган Тарих ва археология институтида катта илмий ходим лавозимида ишлади. 1967 йилда «XIV аср Бухоро ҳужжатлари» мавзуида докторлик диссертацияни ёқлади. Тарих, манбашунослик, Ўрта Осиё феодал даври археографиясига доир 80 дан ортиқ илмий иш ва мақолалар унинг қаламига мансуб. Жумладан: «XVII–XVIII аср Бухоро хонлигидаги аграр муносабатлар тарихига доир ҳужжатлар» (1954), «Чанд ҳикояти фарси» (1963), «XV–XVI асрларга оид Самарқанд ҳужжатлари» (Хожа Аҳрор ҳақида; 1974) ва бошқалар.

О.Д. Чехович ўз даврида сермаҳсул илмий ижод билан шуғуллашиш қаторида ижтимоий ишларда ҳам фаол бўлган. Олиманинг хизматлари ўз даврида юксак баҳоланган, у ҳукumatнинг қатор мукофотларига сазовор бўлган.

О.Д. Чеховичнинг шахсий ҳужжатлари архиви, юқорида таъкидланганидек, энг қимматли шахсий фонд (Р-2678, 1588–1982 йилларга доир жами 879 йифмажилд) ҳисобланади. Унинг архиви совет даврига оид фондда сақланса-да, таркибидан деярли 400 йиллик (1588–1982) ноёб тарихий ҳужжатлар ўрин олган. О.Д. Чехович коллекциясида 1588 йилдан бошлаб сана қўйилган ҳужжатлар, яъни вақфлар, ёрлиқлар, фармони олийлар ва XX аср бошларигача тегишли бошқа қимматбаҳо қўллўзма ҳужжатлар бор. Жами ҳужжатлар мажмуи икки опис (мукаммал рўйхат)да ифода этилган.

Биринчи описдаги ҳужжатлар, асосан, олима шахсий ҳаёти ва илмий, ижтимоий фаолиятининг кўп қирраларини акс эттираса-да, рўйхатдаги охирги 30 та йифмажилд (584 дан 614 гача) «Коллекция»

деб аталган ва ажратиб кўрсатилган. Биринчи опись хужжатлари мажмуи саккиз бўлимга, улар ҳам ўз ичидаги қисмларга бўлинган. Булар илмий-ижтимоий ишлар хужжатларидан ташқари араб, немис, форс, тоҷик ва француз тилларидан қилинган таржималар, турли хизмат ва ижтимоий фаолият хужжатлари, ҳар хил ёзишмалар, тақриз, олиманинг ишларига билдирилган мулоҳазалар, ижодий, муҳаррирлик ишлари материаллари, турли чиқишилардаги маъруза матнлари, турли муассасалар ва шахслар билан ёзишмалар, мактублар, режалар, ҳадя битиклар ва ҳоказолардан иборат.

Иккинчи рўйхатдаги хужжатлар (опись № 2) учта коллекцияга ажратилган. Уларнинг биринчи гуруҳи тарих фанлари доктори, археолог, шарқшунос В.А. Шишкин (1893–1966)нинг Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Зарафшон ва Фарғона воҳаларида ўтказган кўплаб экспедициялари давомида йиғилган тарихий хужжатлар билан тўлдирилган. Тарихий хужжатларнинг иккинчи гуруҳи академик, Ўзбекистон ва Тоҷикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, эроншунос олим М.С. Андреев (1873–1948) раҳбарлигида Бухоро шаҳридаги илмий экспедициялар давомида (бу экспедицияларда Ўрта Осиё Давлат университети аспиранти О.Д. Чехович ҳам қатнашган), шунингдек, О.Д. Чехович тарафидан йиғилган хужжатлардан иборатdir. Хужжатларнинг рўйхатлари (опись №1 ва №2) О. Чехович томонидан тузилган ва хужжатларнинг рақамланиши ҳам О. Чехович вариантида (айрим жузъий ўзгартиришлар билан) қолдирилган. Олиманинг жуда бой, қимматли манба ва материалларни Марказий давлат архивига топширишини мисли кўрилмаган олийжаноблик деб баҳолаш мумкин.

Ўзбекистонда тарих илми ривожига катта ҳисса қўшган ва кўплаб шогирдлар етиштирган олимлардан яна бири профессор Борис Владимирович Лунин бўлиб, у 1953 йилдан умрининг охиригача Тарих институтида фаолият олиб борди. Б.В. Лунин илмий котиб, катта илмий ходим, 1968 йилдан Тарих институти Тарихшунослик секторини бошқарган. Унинг раҳбарлигида ўндан зиёд номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланган. Унинг «Ўзбекистонда археология, тарих, этнография, фалсафа ва ҳуқуқ фанлари бўйича библиографик кўрсатичлар»и тадқиқотчилар учун муҳим илмий-амалий қимматга эга.

Б.В. Лунинга тегишли барча шахсий архив хужжатлари унинг қизи С.В. Лунина томонидан 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига топширилган. Ўша йили ёқ 1876–2002 йилларга тегишли мазкур шахсий хужжатлар илмий-техник ишловдан ўткази-

либ, жами 425 йифмажилднинг (фонд Р-2868) описи тузилган. Б.В. Лунин шахсий фонди ҳужжатлари «Б.В.Луниннинг илмий ишлари», «Илмий хизмат материаллари», «Биографик материаллар», «Хатлар», «Б.В. Лунин ҳақидаги мақолалар», «Ҳадя битиклар», «Бошқа шахсга тегишли материаллар»дан иборат.

ЎзР МДАда Р-2888 фонд рақами остида сақланаётган ҳужжатлар академиклар Карим Шониёзович Шониёзов ва унинг рафиқаси Сабоҳат Азимжоновна Азимжоноваларнинг бирлашган фонди бўлиб, ҳужжатлар икки йирик олимнинг ҳаёти ва илмий фаолиятининг жуда кўп қирраларини акс эттиради.

1957 йилда К. Шониёзов ЎзР ФА Тарих институти аспирантура-сига ўқишга қабул қилинди. 1960 йилда Москва шаҳрида «Историко этнографический очерк карлуков южных и западных районов Узбекистана» номли номзодлик, 1977 йилда эса «К этнической истории узбекского народа» номли докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. 1960 йилдан бошлаб Тарих институтининг турли лавозимларида илмий фаолият олиб борди. 1990 йилдан умрининг охиригача мазкур даргоҳда этник жараён ва ўзбек ҳалқининг этник тарихи муаммоларини ўрганувчи илмий тадқиқот гуруҳига раҳбарлик қилди.

К. Шониёзов шахсий фондидан биографик маълумотлар, хотира-номалар (қўлёзма), олимнинг илмий ишлари рўйхати, режалари, монографиялари, мақолалар, маъruzалар, тақризлар, олим илмий раҳбарлик қилган тадқиқотчиларнинг рўйхати ва уларнинг диссертациялари, кундалик дафтарлар (қўлёзма), олимнинг илмий ишлари учун тўплаган материаллари, ҳаётига доир шахсий ҳужжатлари, ёзишмалар, ижтимоий фаолиятига доир ҳужжатлар, фахрий ёрлиқлар, олим ҳақида бошқа шахсларнинг ишлари ўрин олган. Шунингдек, К. Шониёзовнинг «Ўзбеклар», «Қарлуқ давлати ва қарлуқлар», «Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни», «Тошкент шаҳри тарихидан лавҳа», «Ўзбек ҳалқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар», «Қанғ давлати ва қанғлилар», «IX–X асрларда Марказий Осиё минтақаларида этник ва маданий жараён», «Ўзбек ҳалқининг санъат тарихидан бир лавҳа», «Маҳаллий турклар кимлар: туркми ёки туркий?» каби илмий ишларига доир ҳужжатлар сақланади.

Тарих фанлари доктори, ЎзР ФА мухбир аъзоси Мелихон Ахунновна Ахунова (1928–1987)нинг шахсий фонди Р-2800 рақами остида сақланиб, 270 йифмажилдан иборат. Мазкур ҳужжатлар 1915–1987 йилларни ўз ичига олади. Фондда, асосан, М.Ахунованинг илмий иш-

лари, монографиялар, мақолалар, маъruzalар, ҳисоботлар, суратлар, тақризлар, биографик маълумотлар, ёзишмалар, ижтимоий фаолиятига доир материаллар, ҳадя битиклари акс эттирилган ҳужжатлар, олима ҳақидаги мақолалар ҳамда бошқа шахсларнинг материаллари мавжуд.

М. Ахунова Тарих институти аспирантурасида ўқиб, 1955 йилда кандидатлик, 1972 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг муаллифлигига 80 дан ортиқ илмий ишлар олиб борилди. Шахсий фонд ҳужжатлари орасида олиманинг хотин-қизлар масалаларига доир «Халқаро хотин-қизлар йили ва Ўзбекистон аёллари», «Хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг миллий аспектлари», «Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этиш тажрибасидан», кадрлар тайёрлаш масалаларига бағишлиланган «Ўзбекистон тарихчиларининг илмий ҳаётидан», «Ўзбекистон ФА тарих ва тилшунослик бўлимлари бўйича фан докторларини тайёрлаш тўғрисида», Тошкент шаҳри тарихига оид «Тошкент — дўстлик шаҳри», «Тошкент — йигирма асрлик шаҳар» (рус тилида) ишлари мавжуд.

P-2274 рақамли шахсий фондда археолог, тарих фанлари номзоди, Тарих ва археология институти илмий ходими Максимилиан Эммануилович Воронецнинг (1883—1954 йй.) ҳужжатлари сақланади. Ҳужжатлар қачон ва ким томонидан топширилгани тўғрисида фақат «Тошкент шаҳри, 1965 йил» деган қисқагина ёзувдан бошқа маълумот йўқ.

Унинг архив ҳужжатлари 1940—1953 йилларга тегишли бўлиб, асосан, Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги давр археологик тадқиқотларига доир материаллар, лекциялар, маъruzalар ва шуларга доир материаллар, биографик материаллар, турли шахслар ва муассасалар билан ёзишмалар, ижтимоий фаолиятга оид материаллар, М. Воронец тарафидан йиғилган материаллар, газеталардан қирқимлар, бошқа шахсларнинг материаллари, ҳар хил муаллифларнинг тақризларидан (қўлёзма ёки машинкаёзув) иборат.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тарих фанининг қайси йўналиши ўрганилишидан қатъи назар ўрганилаётган муаммони тадқиқ этган шахслар фаолияти, уларнинг олиб борган тадқиқотлари натижалари, шу билан бирга, шахсий ҳужжатлари билан ҳам танишиш керак бўлади. Муаммонинг ўрганилиш даражаси ва тарихшунослигини ёритиш маълум бир шахслар фаолияти билан боғлиқдир. Бу эса ўз ўрнида архив ҳужжатларига, хусусан, шахсий фонdlардаги фактик

материалларга бўлган талабни янада оширади. ЎзР МДАда сакланаётган 200 дан ортиқ шахсий фонд ҳужжатлари тарихий тадқиқот олиб боришда муҳим аҳамиятга эга. Бу каби шахсий архив материаллари тарихда из қолдирган машҳур шахсларнинг ижоди, фаолиятини, қолаверса, давр ва жамият тарихини тадқиқ этишдаги «бўшлиқ»ни тўлдиришда далилий манба, тарихий ҳужжат вазифасини ўтайди.

*Г. РАҲИМ, С. МУХАМЕДОВА*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХЧИЛАРИ ШАХСИЙ ФОНД ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ**

Мазкур мақолада шахсий фонdlарнинг тарихни ўрганишдаги мавқеига алоҳида эътибор берилади. Унда Тарих ва археология институтидаги турли даврларда фаолият юритган, ҳозирги пайтда шахсий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сакланаётган тарихчи олимларнинг шахсий фонdlари таркиби ҳақида сўз юритилади.

*Калим сўзлар:* тарих, тарихчи, археолог, шарқшунос, Тарих институти, архив, архив ҳужжатлари, архив фонди, шахсий фонд, шахсий ҳужжатлар, йиғмажилд.

*Г. РАҲИМ, С. МУХАМЕДОВА*

**ОПИСАНИЕ ЛИЧНЫХ ФОНДОВ ИСТОРИКОВ УЗБЕКИСТАНА  
ЦЕНТРАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО АРХИВА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

В статье особое внимание уделено личным фондам в изучении истории. Говорится об историках, работавших в разные периоды в Институте археологии и истории, чьи личные документы в данное время хранятся в фондах личного происхождения в Центральном государственном архиве Республики Узбекистан.

*G. RAKHIM, S. MUKHAMEDOVA*

**CHARACTERISTICS OF PRIVATE FUNDS OF UZBEK HISTORIANS  
OF THE CENTRAL STATE ARCHIVE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

This article pays special attention to private funds in the study of history. It gives information about the historians who worked in different periods at the Institute of Archeology and History, and whose private papers at present are stored in funds of personal origin in the Central State Archive of the Republic of Uzbekistan.

## ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

*М. УСМОНОВ*

### ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ЭТНОМАДАНИЙ ИДЕНТИКЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШИ МАСАЛАЛАРИ (Ўзбек қўнғиротлари мисолида)

Ўзбекистоннинг турли минтақаларида яшовчи этник компонентларнинг этномаданий идентиклигидаги ўзгариш жараёнларини нафақат тарихий-этнографик жиҳатдан, балки замонавий этномаданий жараёнларни этносоциологик аспектда тадқиқ этилиши ҳам муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга<sup>1</sup>.

XX асрда ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда олиб борилган ислоҳотлар натижасида ўзбек ҳалқининг ажралмас бир қисми бўлган айrim этнографик гуруҳлар, жумладан, қўнғиротларнинг турмуш тарзи, хўжалик анъаналари ҳам туб ўзгаришлар таъсиридан холи бўлмади. Аммо шунга қарамай қўнғиротлар бугунги кунга қадар турмуш тарзи маданиятидаги ўзига хосликни яхши сақлаб қолган этнографик гуруҳлардан бири ҳисобланади. Шу боис қўнғиротларда этник ўзликнинг сақланиб қолиниши сабаблари нималардан иборатлиги ёки қандай сиёсий ва маданий жараёнлар уларнинг этник, хўжалик ва маданий идентиклигининг ўзгаришига таъсир қилиши сингари масалалар этносоциологик аспектда таҳлил этилди<sup>2</sup>.

Маълумки, инсонда аниқ бир миллатга (ўз миллатига) мансублик туйғусининг шаклланиш жараёнларига уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик муносабатлари сезиларли таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси бўлган Қашқадарё вилояти ҳудудида яшовчи респондентларга этник ўзликни англаш билан боғлиқ бир қанча саволлар берилди. Дастлаб уларга берилган: «Сизнинг ўз миллатингизга мансублигингизни ҳис этишингиз нималарда ифодаланади?» — деган саволга ҳар икки респондентнинг

<sup>1</sup> Замонавий этномаданий жараёнларни социологик йўналишида ўрганиш борасида батафсилроқ қаранг: Гидденс Э. Социология. Тошкент: Шарқ, 2002. 848 б.

<sup>2</sup> Айнан шу мақсад йўлида жанубий Ўзбекистоннинг икки географик ҳудуди — тоғли (Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида 40 та — 53,33%) ва чўл минтақаси (Қашқадарё вилояти Нишон туманида 35 та — 46,67%)да сўровнома ўтказилди ва унда жами 75 та респондент (57 та эркак ва 18 та аёл) иштирок этди.

бири (56,3%) «ўзим ва аждодларим туғилган ерга муҳаббат», — деб, 41,4% бундай ҳис этиш «ўз ҳалқига мансубликни ва у билан маънавий бирликни ҳис этиш», — деб жавоб берди<sup>3</sup>.

Албатта миллий мансублик масалалари социологик аспектда тадқиқ этилишида у ёки бу этнографик гуруҳнинг қандай этномаданий муҳитда жойлашганинг эътибор берилиши катта аҳамиятга эгадир. Тадқиқот доирасида бўлган қўнғиротларнинг жойлашган минтақаси уларнинг турмуш тарзига мос бўлган хўжалик турлари билан шугуллашиларини тақозо этган<sup>4</sup>. Аксарият респондентларнинг «туғилган ерга муҳаббат» ва «ўз ҳалқига мансубликни ҳис этиш» каби жавобларни бериши XX аср давомида миллий идентиклик шаклланиб борганлиги ва мустақиллик йилларида янада қатъйлашганинги кўрсатади.

Қўнғиротларнинг ўзи мансуб этник жамоага тааллуқлилик ҳисси ва урургарга бўлиниш тизимининг сақланиб қолганлигини социологик сўровнома натижалари ҳам тасдиқлаб турибди. Масалан, бу борада: «Ҳозирда қайси уругга мансуб эканлигингизни билишингиз сиз учун муҳимми?» — деб сўралганда 75 та респондентдан 54 таси «ҳа жуда муҳим», — деб жавоб берган бўлса, 7 таси «шарт эмас, лекин билсан яхши бўлар эди» ва 6 та респондент «бунга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Мен учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва миллатим вакили эканлигим муҳим», — деб жавоб берганлиги қўнғиротларда бугунги кунда ҳам маълум бир уругга мансублилик ҳиссининг юқори эканидан далолат беради<sup>5</sup>.

Маълумки, инсон ўзининг этник ва социогенеалогик илдизларини билиши ва шу билан бирга миллий фуқаровий нуқтаи назардан қатъий туриши у мансуб бўлган этноснинг этник идентиклигини белгилаб беради. Бироқ ҳозирги шароитда миллатнинг этномаданий, маънавий-диний тикланишида турли ижтимоий муносабатларнинг (мил-

<sup>3</sup> Қашқадарё вилоятида ўтказилган этносоциологик сўровнома натижалари. 2011 йил март.

<sup>4</sup> Қўнғиротларнинг анъанавий хўжалик машғулотлари ҳақида батафсилоқ қаранг: К а р м ы ш е в а Б. Х. Арка журт // Онамастика Востока. М., 1980. 108—113-бетлар; Bosworth C. E. Kungrat // The encyclopedia of Islam. New edition. Edited by C. E. Bosworth, E. van Donzel B. Lewis and Ch. Pellat. Volume V. Leiden: E.J.Brill, 1986.; Қаюмов А. Р. Хўжалик-маданий типлар ва этник дифференциация масалаларига доир (Сурхон-Шеробод водийси материаллари асосида) // O'zbekiston tarixi. 2008. №3. 61—72-бетлар.

<sup>5</sup> Қашқадарё вилоятида ўтказилган этносоциологик сўровнома натижалари. 2011 йил март.

лий, фуқаровий, насл-насаб (шажара), шу жумладан, диний, уруғаймоқчилик ва бошқалар) мураккаб комбинацияси юз бермоқда<sup>6</sup>.

Ўз навбатида: «Сиз ўз шажарангизни биласизми, ота-боболарингизнинг нечтаси исмини ёддан биласиз?» — деб сўраганимизда 9,3% респондент 10 тадан ортиқ, 69,33% еттитагача, 17,3% эса бештага яқин ва 2,67% билмаслигини ҳамда 1,33% эса «жавоб беришга қийналаман», — деб жавоб берди. Бу ўринда деҳқонободликларнинг қарийб 77,5% 7 та аждодини ёддан билишини таъкидлаганлиги ҳам мазкур минтақада ҳозирги кунга қадар аждодлар шажарасига бўлган эътибор юқори эканлигидан далолат беради. Бу ҳолат минтақанинг бошқа ҳудудларига ҳам хос бўлиб, дала тадқиқотлари жараёнида Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманларида яшовчи айрим қўнғиротлар ўзларининг 10 дан ошиқ аждодларни ёддан билишларининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, биз билан сухбатда Бободулло Алиқулов, Анорқул Ҳайимов ва бошқалар ўзининг 12 та аждодини ёддан санаб бердилар<sup>7</sup>.

Демак, юқоридаги мулоҳазалардан шунга амин бўлиш мумкинки, қўнғирот уруғининг вакили бўлиш кўпроқ маданият ва турмуш тарзи умумийлиги билан боғлиқ экан. Маданиятдаги умумийлик замонавий этнологияда идентикликни аниқлаштиришда муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Маданият, хусусан, этник маданият келиб чиқиш асоси шаклланишининг муҳим аломатлари ва маълум бир умумий қизиқишлиар доирасида бирлашган инсонлар гуруҳининг пайдо бўлиши билан боғлиқdir. Бундай эҳтиёжлар шуниси билан муҳимки, уларда умумжамоавий қизиқишлиар акс этади ва мазмунан ушбу жамоа аъзоларининг индивидуал қизиқишлиаридан келиб чиқади. Ўз навбатида бу кўринишдаги эҳтиёжлар ўзига хос алоҳида шахслараро, хусусан, маълум бир мақсад ёки шажара доирасида бирлашган кишиларнинг қизиқишлиарини намоён қиласи ва бутун жамоанинг умумий ҳаракатлари асосида қондирилиши мумкин. Этнологик, тарихий, социологик ва маданий антропологияга оид тадқиқотларда жамоанинг ҳаёт фаолияти алоҳида ажralиб туради. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ҳар қандай жамоа маълум бир табиий-тарихий шароитда, макон ва замон ҳолатида яшайди<sup>8</sup>.

<sup>6</sup> Убайдуллаева Р. ва бошқ. Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги (социологик тадқиқот). Тошкент: Ижтимоий фикр, 2004. 19—20-бетлар.

<sup>7</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Оқиরтма қишлоғи. 2010 йил.

<sup>8</sup> Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. Ўқув кўлланма. Тошкент: Миллий кутубхона, 2008. 124-бет.

Этномаданиятнинг умумий йиғиндисига маълум бир қавм, уруғ, халқ ҳаётида мавжуд бўлган маданий хусусиятларнинг барча шакллари, усуслари ва натижалари киради. Хусусан, қўнғиротларга хос маданиятга миллий маросимлар (оиласий ва тақвимий анъаналар), символлар (тамға ва рамзлар), моддий маданият шакллари – тураржойлар ва уларнинг жиҳозлари (ўтов, гажари, қоқма гиламлар, кигиз, бўғжома), кийим-кечаклар (салла, бош, жанди, чакмон), озиқ-овқатлар (тандир, жиз, ширвози, яхна, қоринжови), фольклор намуналари («Ал-помиш», «Гўрўли» каби эпослар, ўйноқи шўх – «қўнғиротча» мусика ва рақс) ва кураш, кўпкари каби миллий мусобақалар киради. Этноснинг умумий маданиятидан фарқли тарзда этник маданият деганда маълум бир этнографик гуруҳга ёки этноснинг ўзи ва унинг қўни-қўшнилари томонидан эътироф этиладиган маданият тушунилади. Этник маданият кўринишлари маълум бир этносагина хос бўлмасдан, балки бир неча этносларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Мисол учун қўнғиротларнинг уйи бўлган ўтов туркий халқлар орасида турли номлар билан юритилса-да, уларнинг шакли ва тузилиши бошқа ўзбек уруғларида ва қолаверса, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоклар орасида деярли бир хил бўлган ҳамда улар бундай уйни этник маданиятларининг ажралмас қисми тарзида эътироф этишган<sup>9</sup>.

Шунингдек, бу борада маросим ва урф-одатлар умумийлиги ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлиб, чўл минтақасига қўчиб ўтган нишонликларнинг 34% қўнғиротларга хос умумийликни айнан маданият ва урф-одатлар умумийлигига деб ҳисоблайди.

Бошқа туркий қавмлар сингари ўзбек қўнғиротлари ҳам йиллар мобайнода йиғиб-териб, тўй қилиб, элга тарқатишдан завқ-шавқ олади. Мотам ва бошқа оиласий маросимларни уруғ вакиллари асосий етакчи бўлиб ўтказади. Шунингдек, ўзбекларга хос ментал хусусиятларга ўзига хос жанговарлик, мардлик, лафз ҳалоллиги, саховатпешалик ва меҳмондўстлик анъаналари ҳам кирган. Хуллас, бола туғилишидан тортиб, то мотамгача бўлган барча маросим ва урф-одатларда жамоа ва уруғ оқсоқоллари доимо бош-қош бўлади. Оила даврасида ёки уруғ ўртасида ўтказиладиган барча маросимларда жамоа руҳи устунлик қилиб, урф-одатлар қонун даражасида бажарилади. Жамоа инсонни ижтимоий

<sup>9</sup> Умаров И. Ўрга Осиёда туркий халқларнинг этногенези. (Қўнғиротлар). Тошкент: Ёшлар матбуоти, 2003; Кармышева Б.Х. Жилище узбеков племени карлук южных районов Таджикистана и Узбекистана // ИООН АН Тадж. ССР. Вып. 10–11. 1956. 13–23-бетлар.

назорат остида тутиб туриши, шахснинг жамоадаги мунтазам иштироки унинг умумий ахлоқий меъёрлар доирасида иш туваётганининг исботи сифатида талқин этилади. Жамоадан ажралган ҳолда иш тутиш инсоннинг ижтимоий бегоналашуви сифатида баҳоланади<sup>10</sup>.

Ўзбеклар менталитетига мос ва хос бўлган ана шу жиҳатни Президент И.А. Каримов алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди: «Ўрта Осиёда биз бутун тарих давомида жамоа бўлиб яшаб келганмиз. Баъзи Фарб мамлакатларида эса якка яшашга интилиш кучли. Бу бизнинг республикамиз учун мос эмас. Айтайлик, бизда маҳаллачилик анъанаси жуда кучли... Мен хусусиятлар тўғрисида гапирап эканман, Америкада шахс демократияси устувор бўлса, бизда бошқача меъёрлар асосида, яъни жамоа манфаатларига мос яшаш устунлигини айтмоқчиман»<sup>11</sup>.

Ўзбек халқи жамоа манфаатлари, жамоатчилик фикри доирасида, анъана ва урф-одатларга содиқлик негизларида бирлашишга мойил ва шунга интилувчи халқдир. Зоро, анъаналарнинг ўзи ҳам жамоатчилик фикрининг барқарорлашган ифодасидир.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, қўнғиротларнинг кўпчилиги учун маданият ва турмуш тарзи умумийлиги ҳамда келиб чиқиши бир эканлигини англаш борасидаги маълумотларга эга бўлишга интиқлик кучлироқ экан<sup>12</sup>.

Кишининг бирор-бир шажарага мансублиги омили ижтимоий ҳамкорлик жараёнларига таъсир кўрсатиши даражасини аниқлаш учун респондентларга қўйидаги савол берилди: «Шахсан сиз учун қариндошлиқ муносабатларини ўрнатишда инсоннинг бирор-бир уруф ёки табақага мансублиги аҳамиятга эгами?» Сўраб чиқилганларнинг ўртача 48,4% «аҳамиятга эга эмас», 41,2% «аҳамиятга эга» эканлигини қайд этишди, респондентларнинг 11,2% жавоб беришга қийналишиди.

Дарвоқе, жамоатчилик фикрида (сўраб чиқилган ўзбек қўнғиротлари орасида) маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари респондентлар ҳаёти (турмуш тарзи, оиласи, иши)га таъсири даражасида.

<sup>10</sup> Ўзбек халқи миллий менталитетидаги жамоавий хусусиятлар борасида батаф-силоқ қаранг: Бекмуродов М.Б. Ўзбек менталитети хусусиятлари // Ижтимоий фикр, 1998. №1. 49–53-бетлар. Ўшамуаллиф. Ўзбек менталитети: кечга ва бугун // Тафаккур, 2002. №2. 10–15-бетлар. Ashirov A. On the concept of Uzbek Ethnic mentality // Central Asian Studies Vol. 8. Seoul, 2003. P. 261–267.

<sup>11</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т. 4. 239–240-бетлар.

<sup>12</sup> Қашқадарё вилоятида ўtkазилган этносоциологик сўровнома натижалари. 2011 йил март.

си муайян даражада зид баҳоланиши қайд этилади. Хусусан, маҳаллий аҳолининг «маҳаллийчилик» ва «уруг-аймоқчилик»ка муносабатини янада чукурроқ билиш мақсадида респондентларга: «Сиз «маҳаллийчилик» ва «уруг-аймоқчилик»ка қандай муносабатдасиз?» — деб савол бердик. Айнан мазқур саволга берилган жавоблар ҳам ўзига хос бўлиб, аксарият кишилар бунга салбий муносабатда эканлигини билдиришди. Чунончи, сўровнома ўтказилган умумий респондентлардан 50 таси (66,67%) «Салбий муносабатдаман. Улар миллат ривожига халақит беради», — деб жавоб берган бўлса, 12 таси (16%) «Яхши муносабатдаман. Агар ҳамюртлар ва дўстлар бир-бирларига ёрдам берсалар ёки қўллаб-қувватласалар, бунда ҳеч бир ёмон нарса йўқ деб ўйлайман, муҳими бундай қўллаб-қувватлашлар халқ манфаатларига зид бўлмаса бўлгани», — деб жавоб беришди. Бу ўринда ушбу саволга жавоб берганлар орасида 9 таси (12,00%) «айтишим қийин» ва 4 таси (5,33%) «бефарқ қарайман, бундай муносабатларнинг борлиги ёки йўқлиги мен учун аҳамиятли эмас. Мен мустақил инсонман, ўз кучимга ишонаман ва ўз муаммоларимни ўзим ҳал қилишга ҳаракат қиласман», — деб жавоб берди<sup>13</sup>. Юқоридаги саволга берилган жавоблар ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда жуда қизиқарли манзаранинг гувоҳи бўлдик. Чунончи, нишонликларнинг 60% ва деҳқонободликларнинг 72,5% «Салбий муносабатдаман. Улар миллат ривожига халақит беради, негаки бунда умумиллат эмас, балки гуруҳий манфаатлар (алоҳида уруғларнинг манфаатлари) устун қўйилади», — деб жавоб беришди.

Респондентларга: «Миллий маросимларни ўзgartирган кишиларга қандай қарайсиз?» — деб мурожаат қилганимизда уларнинг 56,00% «салбий» ва 10,67% «ижобий» қарашларини билдиришди.

Саволларга берилган жавобларни ҳудудлар бўйича таҳлил қиласиган бўлсак, нишонликларнинг 57,1% «салбий» ва 14,3% «ижобий» муносабатда эканликларини маълум қилдилар. Берилган жавобларни ёш даражаларига қараб кўриб чиқадиган бўлсак, 18—24 ёшдагиларнинг 60% «салбий» ва 0% «ижобий», 25—35 ёшдагиларнинг 36,8% «салбий» ва 15,8% «ижобий» ҳамда 26,3% «бефарқ» бўлсалар, 47 ёшдан 57 ёшгача бўлган респондентларнинг 73,9% «салбий» ва 13% «ижобий» қарашларини таъкидладилар<sup>14</sup>.

<sup>13</sup> Қашқадарё вилоятида ўтказилган этносоциологик сўровнома натижалари. 2011 йил март.

<sup>14</sup> Ўша манба.

Олиб борилган дала тадқиқотлари жараёнида оиласвий турмуш тарзидаги ўзгаришлар билан ҳам қизиқдик ва респондентларга: «Сизнингча, XX асрда болалар тарбиясида қандай ўзгаришлар юз берди?» — деб савол бердик. Бу саволга берилган жавобларни таҳлил қиласр эканмиз, умумий респондентлардан энг кўп қисми, яъни 25 таси (33,33%) «ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат», 23 таси (30,67%) «меҳнатсеварлик, яхши ўқиши» ва 23 таси «ҳақгўйлик, камтарлик, ота-онага қулоқ солиш», 21 таси «уддабуронлик, мустақиллик, яхши яшашга ҳаракат» тарзизда жавоб берганлигининг гувоҳи бўлдик. Буни туманлар бўйича таҳлил қилсак, туманларда жавоблар ўзига хос берилган бўлиб, нишонликларнинг кўпчилик қисми, яъни 42,9% «уддабуронлик, мустақиллик, яхши яшашга ҳаракат»ни ва деҳқонободликларнинг 27,5% «ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат»ни биринчи ўринда деб биладилар<sup>15</sup>.

XX асрда нафақат фан ва технологиялар, балки миллий муносабатлар шаклланди ва миллийликни сақлашга интилиш кучайди. Шу боис, XX асрда кўплаб халқларнинг миллий идентикилигида ҳам ўзгаришлар юз берди. Айнан бу жиҳат кўнфириотларга ҳам хос бўлиб, улар этник хусусиятларини сақлаб қолган бўлсалар-да, кенг ассимиляция жараёнлари натижасида уларда умуммиллий хусусиятлар устувор аҳамият касб эта бошлаган.

Миллий ўзликни англашда респондентларнинг халқнинг тарихи, маданияти, маънавий меросига муносабатини аниқлаш ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Бундай муносабат минтақада яшовчи кўнфириотларнинг генеалогияси, улар яшаётган юрт тарихини билиш даражаси, уруғ ва умумўзбек халқи маданиятини теранроқ англаш истаги каби қарашлар орқали аниқланади. Мазкур этносоциологик тадқиқотда кенг омма танланиши меъёр бўйича кўрсаткичларнинг батафсиллигини кафолатласлигини таъкидлаган ҳолда, мазкур саволларга олинган жавобларда кишиларнинг ўз-ўзини англаш ҳисси, миллий ҳис-туйгулари, тарихий тафаккури акс этганлигини кўриш қийин эмас<sup>16</sup>.

Умуман олганда, этносоциологик тадқиқотлар натижаларига асосланиб хулоса қиласдиган бўлсак, XX асрнинг иккинчи ярмидан ва айниқса, мамлакатимиз истиқолга эришганидан сўнг ўзбекларнинг этномиллий идентикилигида сезиларли ўзгаришлар содир бўлиб, миллат тушунчаси ривожланиб, умуммиллат манфаатлари уруғчилик меъёларидан юқори аҳамият касб этиб бормоқда.

<sup>15</sup> Қашқадарё вилоятида ўтказилган этносоциологик сўровнома натижалари. 2011 йил март.

<sup>16</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани, 2011 йил.

**M. УСМОНОВ**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ЭТНОМАДАНИЙ  
ИДЕНТИКЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШИ МАСАЛАЛАРИ**

**(Ўзбек қўнгиротлари мисолида)**

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида яшовчи ўзбек қўнгиротлари этномаданий идентиклигининг ўзгариши этносоциологик материаллар асосида таҳлил этилган. Муалиф минтақада олиб борган дала тадқиқотлари асосида тарихий, ижтимоий, сиёсий ва маданий жараёнлар таъсирида этномаданий идентикликнинг ўзгариши борасида янги илмий мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, замонавий глобализацион ўзгаришлар даврида ўзбек халқининг этномаданий, маънавий-диний тикланишида турли ижтимоий муносабатларнинг мураккаб комбинациясига этнографик материаллар асосида баҳо берилган.

*Калим сўзлар:* этномаданий идентиклик, этник компонентлар, генеалогия, уруғ-аймоқчилик, маданий мансублик, этносоциологик таҳлил.

**M. УСМАНОВ**

**ВОПРОСЫ ИЗМЕНЕНИЯ ЭТНОКУЛЬТУРНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ  
УЗБЕКОВ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА**

**(На примере узбеков кунгратов)**

В рамках данной статьи на основе материалов этносоциологических исследований предпринят анализ изменения этнокультурной идентичности узбеков кунгратов, проживающих в южных регионах Узбекистана. Автор, базируясь на собственных полевых исследованиях, выдвигает новые научные соображения об изменении этнокультурной идентичности исследуемой этнической единицы под воздействием исторических, социальных, политических и культурных процессов. Также в статьедается оценка изменениям социальных отношений узбекского народа в условиях глобализации.

**M. USMANOV**

**THE QUESTIONS OF CHANGES IN ETHNO CULTURAL IDENTITY  
OF UZBEKS OF SOUTHERN UZBEKISTAN**

**(On the example of Uzbek-Kungrats)**

This article analyzes the changes in ethno cultural identity of Uzbek-Kungrats living in the southern part of Uzbekistan on the basis of materials of ethno sociologic researches. Based on his own field study, the author brings forth new scientific considerations about changes in ethno cultural identity of this ethnic group under the influence of historic, social, political and cultural processes. Besides, this article provides with the estimation to the changes in social relations of Uzbek folk in conditions of globalization.

## ТАРИХИЙ БИОГРАФИЯ

**Э. РАДЖАПОВ**

### **МИЛЛИЙ ҲАРБИЙ КАДРЛАР КОРПУСИ ВАКИЛИ – РИЗО ЁҚУБОВ**

Ҳарбий кадрлар тарихнинг қайси даврида бўлмасин давлатнинг асосий таянчларидан бири ҳисобланган. Совет тузумининг миллий ҳарбий мутахассислар тайёрлаш масаласида юритган сиёсати ва унинг оқибатлари, Ўзбекистондан етишиб чиқсан миллий ҳарбий кадрларимиз фаолиятини тадқиқ этиш шу куннинг долзарб мавзуларидан ҳисобланади.

Совет ҳокимияти даврида ҳам СССР таркибида бўлган Ўзбекистондан Миркомил Миршаропов<sup>1</sup>, Юнус Наримонов<sup>2</sup>, Сайид Азаматбек Худоёрхонов<sup>3</sup>, Ризо Ёқубов каби истеъодди миллий ҳарбий мутахассислар етишиб чиқдилар. Уларнинг аксарияти Ўзбекистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишида фаол иштирок этиб, бутун

<sup>1</sup> Миркомил Миршаропов (1900–1938) — ҳарбий арбоб. Авлиёота (ҳозирги Тароз) шаҳрида туғилган. Рус-тузем мактабини тутатган (1914). 1917 йилда Тошкентга кўчиб келган. Хоразм Xalq Совет Республикаси ҳарбий нозири (1921), нозир муовини (1924). У XXСРда миллий қўшин тузишга алоҳида эътибор қаратди. Москвадаги ҳарбий академияда ўқиди (1925–1929). 19-ўзбек тоғли отлиқ дивизияси қўмандони ва комиссари (1932–1935). 1938 йилда «халқ душмани» сифатида ноҳақ отиб ташланди. *Бу ҳақда қаранг: Каримов Н.Ф.* Ўзбек дивизиясининг тутатилиши // Гулистон. 2002. № 3.

<sup>2</sup> Юнус Мусаевич Наримонов — 1898 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 19-ўзбек тоғли отлиқ дивизияси сиёсий бўлим раҳбари. 1937–1938 йиллардаги «катта қирғин» даврида 19-ўзбек тоғли отлиқ дивизияси ҳарбийлари қатори «халқ душмани» сифатида отиб ташланган.

<sup>3</sup> Сайд Азаматбек Худоёрхонов — 1888 йил 20 июлда Тошкентда туғилган, отаси Сайдид Муҳаммад Аминбекнинг касбий фаолияти ҳарбий бўлган. 1907 йилда Оренбургдаги 2-кадет корпусини, 1909 йилда эса Александровск ҳарбий билим юртини тамомлаган. Дастребаки ҳарбий фаолиятини 2-Сибирь полкida бошлаган бўлса, 1912 йилда 1-Туркистон артиллерия дивизионида командир вазифасида фаолият юритган. I жаҳон уруши бошлангач 1914 йилда фронтга келган ҳамда Фарбий фронтда немис қўшинларига қарши жангларда қатнашган. Юқори даражадаги ҳарбий фаолияти ва ҳарбий топшириқларни аъло даражада олиб борганилиги сабабли Георгий хочи билан тақдирланиб, штабс капитани даражасигача кўтарилиган. 1937–1938 йилларда «халқ душмани» сифатида бир неча бор терговга жалб қилинган, 1937 йилда иккинчи маротаба қамоққа олинади ҳамда судда айбсиз эканлигини исботлай олди. Аммо қамоқхона шароити унинг соғлиғига жиддий салбий тъясир кўрсатди. Азаматбек Худоёрхонов 1938 йилда 50 ёшида сил (туберкулёз) касаллигидан қамоқхонада вафот этади.

ҳаёти ва фаолиятини коммунизм, социализм каби фояларга багишланган бўлсалар-да, 1937–1938 йиллардаги Сталин даври «кatta қирғини»нинг бегуноҳ қурбони бўлдилар. Турли миллат ва қасб вакиллари каби Ўрта Осиё ҳарбий мактабининг раҳбари Ризо Ёқубов ҳам бу қирғиннинг қурбони бўлди.

Ризо Ёқубовнинг ҳарбий сифатидаги фаолияти, асосан, Россиянинг бир неча шаҳарларида ўтганлиги сабабли унинг шахси ва фаолияти ҳақидаги маълумотларнинг аксарияти Россия Давлат Ҳарбий архиви (РДҲА), Россия Федерал Ҳавфсизлик Хизмати Марказий архивида сақланмоқда. 1920–30 йиллардаги миллий матбуот намуналари — «Қизил байроқ», «Туркистон», «Ер юзи» каби газета ва журнallарда Р. Ёқубовнинг Ўрта Осиё ҳарбий мактаби раҳбари сифатидаги фаолияти ҳақида қисқа маълумотлар келтирилган.

Унинг таржимаи ҳоли ҳақида «Ўртоқ Ёқубов Московдаги олий ҳарбий академия курсларини битириб келиб, Ўрта Осиё миллатлари нинг ҳарбий мактабига бошлиқ ва комиссар қилиб тайинланди. Ўртоқ Ёқубов 1898 йилда туғилган бўлиб, 1914 йилда Ленинградга бориб, эски армияга киради. Февраль инқилобигача урушда бўлди. Октябрь инқилоби вақтида Туркистонга қайтиб келиб Қизил гвардияга кирди ҳамда Ўрта Осиёнинг бутун уруш майдонларида — Закаспий, Оренбург, Фарғона, Бухоро ва бошқа фронтларда бўлди. 1922 йилда тўпчилик мактабини тамомлаган. Ҳозир бутун қурол-аслаҳалар тўғрисида маълумотга эгадир»<sup>4</sup>, — дея маълумот беради «Ер юзи» журнали.

РДҲАда сақланаётган 518266-рақамли хизмат гувоҳномасига кўра, Ёқубов Ризо Абдуллаевич 1898 йил 5 майда Зомингузар (ҳозирги Самарқанд вилояти) қишлоғида косиб оиласида туғилган. Миллати — ўзбек, ўз она тилидан ташқари, рус тилида ҳамда Ўрта Осиёнинг барча маҳаллий тилларида эркин гапира олади. Отаси — ишчи, онаси — уй бекаси, оиласи аҳволи — уйланган, турмуш ўртоги — Абдуллаева Маршида Гадеевна. Марат исмли ўғли ва Гуля исмли қизи бор<sup>5</sup>. Партиявийлиги — 1919 йилнинг 13 августидан ВКП(б) аъзоси. Тошкент шаҳридаги рус-тузем мактабида таҳсил олган, кейинчалик отаси унинг ўқиши учун етарли маблағ топа олмаганлиги сабабли 1912 йилдан Марв шаҳрига боради ва у ердаги чилангарлик устахонасида ўқувчи, Қизилқия шахтасида вагонетка ҳайдовчиси, пахта тозалаш заводида машинист ёрдамчиси ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланди.

<sup>4</sup> Ер юзи // 1926 йил 19 октябрь. № 14.

<sup>5</sup> Россия Давлат Ҳарбий архиви. Ризо Ёқубовнинг 518266-рақамли хизмат гувоҳномаси. 1-варак.

1918 йил 15 (28) январда РСФСР ХКСнинг ишчи-дехқон Қизил армияси(ИДҚА)ни тузиш ҳақидаги декрети қабул қилинди. Декрет асосида Туркистонда ҳам ишчи-дехқон Қизил армиясининг миллий қисмлари ташкил этила бошланди. Ризо Ёқубов ҳам 1918 йилнинг 20 июнидан Қизил армия сафига кирди ва касби тақозоси билан билан Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши бошланган қуролли қаршилик ҳаракатига қарши жангларда қатнашишга мажбур бўлди. Қуролли қаршилик ҳаракати вакилларига қарши кураш даврида у Марв Қизил гвардиячилар отряди пулемётчилар командаси бошлиғи, Тошкент отлиқ разведка ўқув командаси раҳбари сифатида ишлади. 1919 йилнинг 19 январида совет ҳокимиятига қарши кўтарилган Осипов исёнини бостиришда қатнашди. Р. Ёқубов 1920 йил июнь ойидан 1922 йил август ойигача Тошкент шаҳридаги 3-артиллерия қўмондонлик курсининг курсанти, шу билан бир пайтда Ўрта Осиёда қуролли қаршилик ҳаракати вакилларига қарши жангларда қатнашиб яраланди<sup>6</sup>.

Кейинчалик у ишчи-дехқон Қизил армияси қуруқлиқдаги қўшинлари қўмондони лавозимида, 1921–1922 йилларда эса маҳсус топшириқлар бўлими (ЧОН) енгил батареясининг қўмондон ёрдамчиси, Тошкент батальони командири, 1923 йил 22 декабридан Туркистон миллий ҳарбий мактаби раҳбари ва комиссари каби ҳарбий лавозимларда ишлаган. Бу лавозимга тайинланмасдан аввал Туркистон Коммунистик партияси 1923 йилда Р. Ёқубовни миллий қизил қўшин қисмлари тузиш масаласида ҳарбий флот сиёсий маъмурлари қурултойига юборди. Шундан кейин у Ўрта Осиё ҳарбий мактаби бошлиғи этиб тайинланди<sup>7</sup>. Ризо Ёқубовнинг Ўрта Осиё ҳарбий мактаби раҳбари этиб тайинланиши бежиз эмас эди. Сабаби Туркистонда ҳарбий соҳа тарихида энг муҳим воқеалардан бири совет ҳокимияти томонидан миллий ҳарбий қисмларнинг ташкил этилиши бўлди. 1923 йилнинг октябрида бу масала Туркистон комиссияси кенгашида муҳокама этилди. Туркистонда миллий ҳарбий қисмлар РСФСР Қизил армияси тузилиши принципларидан келиб чиқиб ташкил этила бошланди. Аммо миллий ҳарбий қисмларни ташкил этиш ва уларни маҳаллий ҳарбий кадрлар билан тўлдиришда маҳаллий миллат вакилларига мансуб ҳарбий кадрлар етишмас эди. Туркистон фронти Ҳарбий Инқилобий Кенгаши (РВС) шуни ҳисобга олган ҳолда Фарғона шаҳ-

<sup>6</sup> Россия Давлат Ҳарбий архиви. Ризо Ёқубовнинг 518266-ракамли хизмат гувоҳномаси. 2-варақ.

<sup>7</sup> Ер юзи // 1926 йил 19 октябрь. № 14.

ридаги кичик қўмондонлар тайёрлаш мактаби қошида пиёда ва отлиқ миллий қисмларни ташкил эта бошлади. Пулемётчилар, гранатомётчилар, алоқачилар ва разведкачилар тайёрлайдиган худди шундай ҳарбий ўқув курси Тошкент шаҳрида ҳам ташкил этилди.

1923 йил декабрда миллий ҳарбий қисмлар учун пиёда ва отлиқ ўрта қўмондонлик таркиби тайёрловчи Ўрта Осиё миллий ҳарбий мактабини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва Р. Ёкубов миллий қисмлар учун ҳарбий кадрлар етиштириб берувчи бу мактабнинг раҳбари, М.Ф. Мирбадалов унинг муовини, И.П. Куглеев комиссар этиб тайинланди.

1924 йилнинг январидан 1927 йилнинг 22 августигача бўлган даврда у Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО)нинг Туркистон фронти қисмлари учун ўрта пиёда ва отлиқ қўмондонлар тайёрловчи Ўрта Осиё бирлашган ҳарбий мактаби раҳбари лавозимида фолият юритди<sup>8</sup>. Бу мактабнинг ташкил этилиши ҳақида Р. Ёкубов: «Миллий ҳарбий мактаб Ўрта Осиёда миллий қизил қўшин қўмондонлари етиштириб чиқарадиган бир мактабдир. Шўролар ҳукумати ерли халқни қуроллантиришдан чўчимайди. Россия империяси даврида ерли халқ ўз ёнида бир пичоқ ҳам олиб юролмас эди»<sup>9</sup>, — деб маълумот беради.

1926 йилда Р. Ёкубов М.В. Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тамомлайди. 1926 йилда Ризо Ёкубовга Ўрта Осиё Ҳарбий округи қўмондони К.А. Авксентьевский<sup>10</sup> томонидан «Ўртоқ Ёкубов Олий қўмондонлик таркиби малака ошириш институти (КУВНАС)ни таомлаган, ўқиш даврида ўзининг назарий ва сиёсий билимларини анча такомиллаштирган. Педагогик маҳорати катта эканлиги унинг ҳарбий мактаб раҳбари сифатида курсантлар тайёрлаш ишига таъсир этган. Ўртоқ Ёкубов Ўрта Осиё ҳарбий мактаби раҳбарлари орасида ажralиб туради. Унинг камчиликлари бошқарув жараёнида билинмайди. Ўртоқ Ёкубовдан вақти келиб яхши мутахассис чиқади. У ҳамиша билим олишга интилади ҳамда мустақил бошқариш қобилиятига эга»<sup>11</sup>, — дея тавсиф берилган. Ўрта Осиё Ҳарбий округи

<sup>8</sup> Объединенная Среднеазиатских национальностей военная школа.

//http://forum.patriotcenter.ru/index.php?topic.

<sup>9</sup> Ризо Ёкубов. Ўрта Осиё миллий Ҳарбий мактаби // Туркистон. 376-сон. 1924 йил. 19 октябрь.

<sup>10</sup> Авксентьевский К.А — Туркистон фронти ва Ўрта Осиё Ҳарбий округининг 1925–1928 йиллардаги қўмондони.

<sup>11</sup> Черушев Н. С., Черушев Ю. Н. Растрелянная элита РККА 1937–1941. Биографический словарь. Москва. Кучково поле. 2012. 307-бет.

қўмондони К.А. Авксентьевский томонидан Ризо Ёқубовга берилган бу тавсиф ва ишонч ўзини оқлади. Ризо Ёқубов СССРнинг бир неча шаҳарларида турли ҳарбий вазифаларда фаолият юритди, СССР ва ЎзССРнинг бир неча олий орден ва унвонлари билан тақдирланди. Ризо Ёқубовнинг номи ўзбек ҳарбийлари орасида жуда машхур бўлиб, 20-йиллар ўзбек миллий матбуот нашрлари — «Туркистон», «Қизил байроқ», «Ер юзи» саҳифаларида унинг номи тез-тез тилга олинади.

Ризо Ёқубов 1927 йил 1 октябрдан Ҳарбий Инқилобий Кенгаш (РВС)нинг 247/39-сонли буйруғига кўра алоҳида ўзбек миллий отлиқ дивизиясида командир ҳамда ҳарбий комиссар бўлиб ишлай бошлади. 1929 йилнинг августидаги эса М.В. Фрунзе номидаги Ҳарбий академия асосий факультетининг икки йиллик курсига тингловчи сифатида қабул қилинди. 1931 йилда Ҳарбий академияни тамомлагач, 30-Иркутск ўқчи дивизиясига командир ёрдамчиси, шу йилнинг ноябрь ойида ишчи-дехқон Қизил армияси Олий Ҳарбий Кенгаши томонидан 35-авиабригада қўмондони этиб тайинланди.

Н.Е. Жуковский номидаги Ҳарбий-ҳаво академияси қошидаги Олий Ҳарбий Кенгаш қўмондонлар малакасини ошириш курсини 1932 йилда тамомлаб, «Ҳарбий учувчи-кузатувчи» унвонига эга бўлди.

Ризо Ёқубов бир қанча муддат Конотоп аэропортига раҳбарлик, кейинроқ эса 206-енгил бомбардимон қилувчи авиабригадага қўмондонлик қилган. 1933 йилнинг декабридан 1936 йилнинг охиригача Вольск шаҳридаги ИДҚА Олий Ҳарбий Кенгаши 2-сонли ҳарбий техника мактабида раҳбар ва ҳарбий комиссар бўлиб фаолият юритди.

СССР Мудофаа Ҳалқ Комиссариатининг 1935 йил 26 ноябрдаги 2484-сонли шахсий таркиб тўғрисидаги буйруфи ҳамда СССР Ҳалқ Комиссарлар Кенгашининг 1935 йил 22 сентябрдаги «ИДҚА раҳбарлик таркибидаги шахсий ҳарбий унвонлар тўғрисида»ги қарорига кўра Р. Ёқубовга комбриг ҳарбий унвони берилди<sup>12</sup>. 1936 йилдан эса у Ўрта Осиё Ҳарбий округи Олий Ҳарбий Кенгаши раҳбари этиб тайинланади. Россиялик тарихчилар Н.С. Черушев ва Ю.Н. Черушевларнинг берган маълумотларига кўра, Ризо Ёқубов жанговар жасорати учун 1928 йил 22 февралда Ўз ССРнинг 65-рақамли «Меҳнат Қизил Байроғи» билан тақдирланган<sup>13</sup>. 1933 йилда 63-рақамли «Қизил Байроқ», 1936

<sup>12</sup> Якубов Розе (Розы) Абдулаевич (Абдулович)

// <http://forum.patriotcenter.ru/index>.

<sup>13</sup> Ч е р у ш е в Н. С., Ч е р у ш е в Ю. Н. Растрелянная элита РККА 1937–1941. Биографический словарь. Москва. Кучково поле. 2012. 307-бет.

йилда эса 2027-рақамли «Хурмат белгиси» каби орденлар билан мукофотланган<sup>14</sup>. Бундан ташқари, у Ўрта Осиё Ҳарбий округи томонидан бир неча бор пул мукофоти билан рафбатлантирилган.

Ўрта Осиё Ҳарбий округи Ҳарбий Инқилобий Кенгаши (РВС)нинг 1926 йил 24 ноябрдаги 83-сонли қарорига асосан «Қизил юлдуз» («Красная звезда») газетасининг муҳаррири Поляк, ҳарбий прокурор Пелих, Тожикистон алоҳида отлиқ дивизиони раҳбари Обуҳовлар қатори ўша пайтда Ўрта Осиё ҳарбий қўмондонлар мактабининг директори лавозимида ишлаётган Ризо Ёқубов ҳам 150 рубль мукофот пули билан тақдирланади<sup>15</sup>.

1937–1938 йилларда авж олган Сталинча «катта қирғин» турли миллат ҳамда касб эгалари бўлган бир қатор истеъоддли шахсларни жисмонан йўқ қилди. 30-йиллардаги қатагонлар асосан партия, совет, хўжалик ва ҳарбий кадрларга қарши қаратилганлиги сабабли 1938 йилнинг май ойида Ризо Ёқубов ҳам «халқ душмани» сифатида қамоққа олинди. Қамоққа олинмасдан олдин Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО)нинг маҳсус бўлими (особый отдел) Ризо Ёқубовни кузатув остига олади. Ўрта Осиё Ҳарбий округи Олий Ҳарбий Кенгаши партия ташкилотининг 1938 йил 14–15 февралда бўлиб ўтган ёпиқ мажлисида «Ризо Ёқубовнинг инқилобга қарши ҳаракати ва унинг «халқ душманлари» билан муносабати» масаласи кўриб чиқилади. Аммо мажлисда унинг айби тўла исботланмади ва у партия аъзолигига қайта тикланди<sup>16</sup>.

Р. Ёқубов Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Давлат Хавфсизлиги Бош Бошқармаси (ГУГБ)нинг 1938 йил 28 майдаги 3305-сонли ордери асосида қамоққа олиниб, Ўз ССР ЖККнинг 57-модда 2-қисми, 58-модда ва 67-моддалари ҳамда РСФСР Жиноят Кодексининг 58-модда, 58-модда 1 «б» банди, 58-модда 2-қисми билан айбланди. Ўз исботини топмаган айлов хулосасига кўра, у 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси таркибидаги артиллерия, сапёрлик эскадрони каби ҳарбий қисмларда миллий аксилиңқилобий исёнчи ташкилотга аъзоликда айбланди. Ризо Ёқубовдан ташқари 19-ўзбек тоғ-отлиқ диви-

<sup>14</sup> Күценко А. Н., Смирнов Ю. Д. Ордена советских республик. Донецк: Лебедь, 1996. 300-бет.

<sup>15</sup> Россия Давлат Ҳарбий архиви (РДҲА). 25895-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 109-варақ.

<sup>16</sup> Сувениров О. Ф. Сопротивление личного состава РККА партийно-государственному руководству истребления военных кадров (1937 г. — июнь 1941 г.) // Военно-исторический архив. 2008. № 4, 41–42-бетлар.

зиясининг 18 нафар офицери дивизия ҳарбий қисмларида совет ҳокимиятига қарши миллий аксилинқиlobий исёнчи ташкилот тузганлик ва фаолият олиб борганликда айбланиб, 1938 йилда «халқ душмани» сифатида асоссиз равишда отиб ташландилар. Ризо Ёқубовнинг бу қатағондан отилмай кутулиб қолишининг асосий сабаби 1931 йил Миркомил Миршаропов 19-ўзбек отлиқ дивизияси қўмондони этиб тайинланган пайтда Ризо Ёқубовнинг 30-Иркутск ўқчи дивизиясида, кейинроқ эса ИДҚА Олий Ҳарбий Кенгashi томонидан 35-авиабригада қўмондони сифатида Ўзбекистондан узоқда фаолият юритгани эди.

СССР НКВД хузуридаги маҳсус кенгашнинг 1939 йил 23 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида Р. Ёқубов ҳарбий суиқасдда (аммо қачон ва кимга қарши ҳарбий суиқасдда иштирок этганлиги архив хужжатларида келтирилмаган) ва Польша фойдасига жосуслик қилганликда ноҳақ айбланди. Мажлис қарорига кўра, у 8 йил муддатга Шимолий темирийўл лагери (Севжелдорлаг)га, кейинроқ эса Сибирга ахлоқ тузиш меҳнат лагери (ИТЛ)га сургун қилинди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида СССРга профессионал ҳарбий мутахассислар сув ва ҳаво каби зарур бўлиб турган бир пайтда Ризо Ёқубовдек малакали ҳарбий мутахассис 1943 йил апрелидан Молотов (Пермь) шаҳридаги 172-сонли заводга қарашли алоҳида конструкторлик бюроси (1-сонли маҳсус қамоқчона)да бош конструктор сифатида ишлаётган эди.

Белгиланган қамоқ муддатини тўлиқ ўтаган Ризо Ёқубов 1946 йил 28 майда озодликка чиқади. Қамоқдан чиққандан сўнг Владимир вилоятидаги Александровск шаҳрида яшайди ва Владимир қурилиш-монтаж бошқармасида иш бошқарувчи (прораб) бўлиб ишлайди. Владимир қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Соловьевнинг унга берган тавсифномасига кўра, Р. Ёқубов бу лавозимда 1948 йилнинг 30 августидан ишлай бошлаган ва ўз вазифасига сидқидилдан ёндашган.

Совет давлати иттифоқ таркибига кирган республикалар ва уларнинг халқларига нисбатан ишонмаслик, камситиш ва қатъий назорат қилиб туриш сиёсатини олиб борди.

Бу даврда ҳали ҳам қатағонлик сиёсати давом этаётган, у ҳам «халқ душмани» деган номдан тўлиқ халос бўлмаган эди. Орадан 3 йил ўтиб 1949 йилнинг 30 марта Владимир вилояти Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси бошлиғи Горелевнинг 339-сонли ордери асосида у иккинчи марта қамоқча олинди. СССР Давлат Хавфсизлиги вазирилиги қошидаги маҳсус кенгашнинг 1949 йил 18 июлдаги қарори билан Красноярск ўлкасига сургун қилинди.

1953 йилда И.В. Сталиннинг вафоти совет жамиятидаги сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий жараёнларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. 1956 йилда Коммунистик партияning XX съездиде Н.С. Хрушчёв Сталин шахсига сифинишни фош этиш бўйича маҳфий маъруза қилди. Маърузада у Сталинни оммавий қатағонларда ва қонунчиликдан чекинишда айблади. Хрушчёв даврида ноҳақ айланган, қатағон сиёсати қурбони бўлган шахсларни оқлаш (реабилитация) жараёни бошланди.

Шу сабабдан бўлса керак Р. Ёқубов ҳам 1953 йил 4 сентябрда СССР Олий Кенгаси Президиуми раиси К.Е. Ворошилов ҳамда СССР Министрлар Советининг раиси Г.М. Маленковга ёзган аризасида ўзининг тергов хужжатлари қайта кўриб чиқилишини сўраб ариза билан мурожаат қилди. Фақат орадан олти йил ўтгандан сўнггина у СССР Ҳарбий коллегиясининг 1955 йил 18 июндаги ажримига кўра оқланди.

Оқлангандан сўнг Р. Ёқубов қайта аттестациядан ўтказилиб, унга барча мукофотлари қайтарилди ва полковник унвони берилди. Қайта-қайта қамоқقا олинишлар, қуруқ туҳмат ва сохта кўрсатмалар, гувоҳликлардан иборат узундан-узун тергов жараёнлари унинг жисмонан ва руҳан зўриқишига сабаб бўлди.

Умрининг сўнгги йилларини нафақада ўтказган дастлабки ўзбек миллий ҳарбий кадрларидан бири, мустабид қатағон сиёсатининг жабрини қайта-қайта тортган истеъфодаги полковник Ризо Ёқубов 1957 йил 23 апрелда вафот этди.

Ризо Ёқубов тақдиррида улуғлик ва хўрлик, эркинлик ва тутқунлик доимий ўрин алмашиниб турди. Совет ҳокимияти томонидан юксак унвонлар билан тақдирланган, номи эътироф этилган бўлса-да, 1937–1953 йиллардаги совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати Р. Ёқубовга у ишонган ва хизмат қилган ғоянинг пуч эканлигини кўрсатди. Ўзига нисбатан қўлланилган узоқ муддатли ва такрорий қамоқ жазолари эса унинг амалдаги исботи бўлди.

Илк ўзбек ҳарбий кадрларидан бири бўлган Ризо Ёқубов нафақат иқтидорли миллий қўшин кўмондони, балки ўзбек миллий ҳарбий кадрларининг янги авлодини етишириб бериш ҳамда Ўзбекистонда ҳарбий иш тараққиёти учун катта хизмат қилди.

*Э. РАДЖАПОВ*

### **МИЛЛИЙ ҲАРБИЙ КАДРЛАР КОРПУСИ ВАКИЛИ – РИЗО ЁҚУБОВ**

Мақолада ўзбек ҳарбий кадрларидан Ризо Ёқубовнинг ҳарбий фаолияти ва шахси Россия Давлат Ҳарбий архиви маълумотлари асосида тадқиқ этилган. Шунингдек, совет ҳокимиятининг ўзбек ҳарбий кадрларига нисбатан қатафон сиёсати ва бу сиёсатнинг Ризо Ёқубовга таъсири ёритилган.

*Калим сўзлар:* Совет ҳокимияти, Ризо Ёқубов, Миркомил Миршаропов, Юнус Наримонов, Азаматбек Худоёрхонов, ВКП(б), РСФСР, ХКС, ИДҚА (РККА), Қизил армия, қуролли қаршилик ҳаракати, Ҳарбий Инқилобий Кенгаш, ҳарбий округ, НКВД, қатафон.

*Э. РАДЖАПОВ*

### **ПРЕДСТАВИТЕЛЬ КОРПУСА НАЦИОНАЛЬНЫХ ВОЕННЫХ КАДРОВ – РИЗО ЯКУБОВ**

Автором проанализированы военная деятельность и личность узбекского военнослужащего Ризо Якубова по материалам Российского Государственного военного архива. В статье также выявлена репрессивная политика советской власти к узбекским военным кадрам и реакция этой политики к Ризо Якубову.

*E. RADJAPOV*

### **RIZO YOKUBOV – THE REPRESENTATIVE OF THE CORPS OF NATIONAL MILITARY PERSONNEL**

The author of this article has analyzed the military activity and personality of one of the Uzbek military personnel Rizo Yokubov based on the materials of Russian State Military Archive. The article also reveals the repression policy of Soviet regime for Uzbek military cadre and reaction of this policy to Rizo Yokubov.

## ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

**Б. ИРЗАЕВ**

### **ХХ АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚА ТАЪЛИМИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЗИДДИЯТЛАР**

Россия мустамлакасига айлантирилган Туркистон ўлкаси XX асрнинг бошларида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби маданият соҳасида ҳам зиддиятли ривожланиш ҳолатларини бошидан кечирди. 1917 йилда амалга оширилган Октябрь тўнтариши натижасида ўрнатилган совет ҳокимияти ҳам Чор Россиясининг мустамлақачилик сиёсатини давом эттириди. Совет ҳукумати маданият йўналишида бир қатор ижобий тадбирларни ўтказган бўлса-да, бироқ унинг асл моҳияти туб аҳолини маънавий жиҳатдан заифлаштириш, унинг тарихий илдизларига болта уриш ва кучсизлаштиришга қаратилган эди. Бу борада советлар барча имкониятлардан унумли фойдаланишга интилди ва миллий мусиқа маданиятининг кейинги тараққиётiga ҳам жиддий ўзгаришлар киритдilar.

Марказий Осиёдаги Европа таълим тизими асосидаги ilk мусиқа билим юрти 1918 йил апрель ойида Туркистон халқ Университети қошида маҳсус бўлим сифатида очилган эди. 1918 йил июль ойида унга Туркистон Халқ консерваторияси деб ном берилди ва бу муассаса ходимлари, асосан, Европа мусиқаси вакилларидан иборат эди. Бу ҳолатни инобатга олган маҳаллий зиёлилар ўзларининг саъй-ҳаракати билан 1919 йил 28 марта Консерваториянинг эски шаҳар бўлимини тантанали тарзда очдилар<sup>1</sup>. Натижада миллий мусиқий меросни илмий ўрганиш ва уни тарғиб этиш учун янги бир марказ вужудга келди. Унда маҳаллий чолғу созлари ижрочилари бўлган К. Абдуллаев, М. Зияуддинов, М. Дўстмуҳаммедов, И. Лутфиллаев кабилар иш бошлади. Замондош мусиқашунос О.С. Поликарповнинг эслалича, бу ерда деярли ҳеч қандай қулайликлар йўқ эди, миллий чолғу созлари умуман етишмас, зах ва хароба йўлаклар, совуқ хоналар, ёритиш мосламалари кам бўлган бир шароитда маҳаллий ёшлар зўр файрат ва тиришқоқлик билан илм ўрганишар эдилар<sup>2</sup>. Ана шундай шароитда ўқиган талабалардан Ю. Ражабий, Р. Ражабий, И. Икромов, С. Калонов, П. Ра-

<sup>1</sup> Наша газета. 1919 йил 28 март.

<sup>2</sup> История узбекской советской музыки. Том I. Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 106-бет.

ҳимов каби кўпгина санъат арбоблари етишиб чиқдилар. Шундан сўнг бундай мактаблар тез орада ўлканинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этила бошлади. 1919 йил Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида, 1920 йилда Фитрат ташаббуси билан Бухорода Шарқ мусиқа мактаби очилди. 1924 йил Туркистон Ҳалқ консерваторияси Тошкент мусиқа техникиуми номини олди. 1925 йили Р. Глиэр ва 1939 йили В. Успенский номидаги маҳсус мусиқа интернат мактаблари ташкил этилгач, Ўзбекистонда мусиқа таълим мининг ўрта мактаб, ўрта маҳсус ҳамда олий маълумот берувчи таълим шакллари тўлиқ қарор топди.

1928 йили Самарқанд шаҳрида Мусиқа ва Хореография илмий текшириш институти очилди. Унинг асосий мақсади ўзбек миллий мусиқий меросини илмий ўрганиш ва уни нотага мослаштириб келажак авлодга етказиш эди. Илмий жамоага Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан энг машҳур санъат даргалари таклиф этилди. Уларнинг ичидаги сабиқ Бухоро Амири ҳофизлари йифини — «рикоб» раиси бўлган Ота Жалол Носиров (1845–1928)<sup>3</sup>, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов (1855–1936)<sup>4</sup>, Содирхон ҳофиз<sup>5</sup>, Ота Фиёс, Левича ҳофиз, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдураҳмон, Абдуқодир Исмоилов, Матюсуф Харратов каби кўпгина мақом билимдонлари бор эди. Улар мазкур институтда таълим бериб, Мухтор Ашрафий, Мутаваккил Бурҳонов, Дони Зокиров каби қатор иқтидорли ўзбек композиторларининг янги авлодини тарбиялашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар<sup>6</sup>. 1936 йилга келиб Тошкент давлат Консерваториясининг очилиши билан мусиқа таълим мининг шакллантирилиши ишлари якунланди. Албатта, совет ҳокимиятининг дастлабки босқичида миллий зиёлилар ва маҳаллий ҳукуматнинг қатъий интилишлари эвазига мусиқий таълим соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Бироқ, совет даврида маъмурий-буйруқбозлик тизимининг мустаҳкамланиб бориши жараёнида, айниқса, сталинча қатағон сиёсати мусиқа таълими соҳасига ҳам жиддий заарар кўрсатди. Бу миллий мусиқий меросга нисбатан тазиикнинг ортиши, миллий чолғу созларининг оркестрлардан олиб ташланиши, устоз санъаткорларнинг таълим даргоҳларидан узоклаштирилиши каби ҳолатларда намоён бўлди. Дастлаб, фан, адабиёт ва театр санъати вакиллари фаолиятига қарши авж олган сталинча қатағонлар мусиқа маданияти ходимларини ҳам

<sup>3</sup> Бухоро мақом мактаби // Нафосат. 1992 йил. № 7–8. 15-бет.

<sup>4</sup> И с м а т и й И. Маориф ва ўқитувчи. 1927 йил. № 7–8.

<sup>5</sup> С о к и н Ш. Содирхон ҳофиз // Совет Ўзбекистони санъати. 1983 йил. № 6. 25-бет.

<sup>6</sup> Ҳ у с а н о в О. Самарқанд булбули. Тошкент: Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970 йил. 47-бет.

четлаб ўтмади<sup>7</sup>. 30—50-йилларда С. Муғаний, Ю. Шарлама, М. Харратов, О. Сафаров, М. Қориёқубов, Ф. Норхонов каби кўплаб миллий мусиқа маданияти дарғалари қатағон этилди. 1952 йил «Мақом» ансамбли тарқатилиб, ўзбек миллий созларининг куйлари янги замоннинг талабига жавоб бермайди деб, танбур, дутор ва сато каби халқимизнинг азалий чолғу созлари янги ташкил этилган ансамблдан чиқарип ташланди. Т. Алиматовдек беназир созандалар ҳам ишсиз қолган эди<sup>8</sup>. Узоқ вақт давомида мусиқа таълимида минтақанинг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинмади ва бу ҳол халқ томонидан совет мусиқа фанига нисбатан эътиборнинг пасайишига олиб келди. Азалдан санъатсевар бўлган ўзбек халқи орасида мусиқа маданиятига нисбатан паст назар шаклланиб борди. Бунга кўпгина сабаблар мавжуд бўлиб, улардан асосийси туб аҳоли кўпчиликни ташкил этишига қарамай, республикадаги мусиқа таълимига жуда кам сонли ўзбеклар жалб этилган эди. Маҳаллий ёшлар ўртасида миллий чолғу созлари йўналишларига қизиқиши юқори бўлиб, таълимда эса Европа созлари йўналишлари етакчилик қиласи эди. Натижада кейинги даврларда мусиқа таълимида таназзул кўринишлари йил сайн кучайиб борди.

Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, Ўзбекистон мусиқа таълими тизимида 200 дан ортиқ 7 йиллик мусиқага ихтисослашган мактаб, 2 та 11 йиллик маҳсус мусиқа мактаби, 20 та мусиқа билим юртлари фаолият олиб борди<sup>9</sup>. Бироқ, уларнинг барчасида олий маълумотли мутахассис кадрлар этишмас эди. Бу ҳолат, айниқса, мактабларда таълим савиғисига кескин таъсир этди. Республикада мавжуд 8000 дан ортиқ мактабларнинг 75% да мусиқа муаллимлари этишмас, мактабларда жиҳозланган мусиқа хоналари ҳам, мусиқа созлари ҳам йўқ эди<sup>10</sup>. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчи ва концертмейстерларининг малака ошириш цикли ўртacha 18 йилни ташкил этарди. Мустақил Ўзбекистон шўро тузумидан, айниқса, мусиқа мактабла-

<sup>7</sup> ««Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақида» ВКП(б) МКнинг 1946 йил 14 августан қарори, «Драматик театрларнинг репертуарлари ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида» ВКП(б) МКнинг 1946 йил 26 август қарори, ««Катта ҳаёт» кинофильми ҳақида» ВКП(б) МКнинг 1946 йил 4 сентябрь қарори, «В. Мураделининг «Улуғ дўстлик» операси ҳақида» ВКП(б) МКнинг 1948 йил 10 февраль қарори. Тошкент, 1952. 3-бет.

<sup>8</sup> Р а ж а б и й Ҳ. Бағринг тўла наво сенинг // Совет Ўзбекистони санъати. 1981 йил. № 5. 18—19-бетлар.

<sup>9</sup> Т у й ғ у н Ҷ., У м а р о в а Ф. Шахснинг мусиқий маданияти // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. № 5. 23-бет.

<sup>10</sup> Давра суҳбати. Аҳвол қалай, музика? // Санъат. 1990. № 7. 6—8-бетлар.

ри борасида жуда оғир муаммоларни мерос қилиб олди. Масалан, биргина Сурхондарё вилоятида 16 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари бўлиб, уларнинг ҳаммаси капитал таъмирга муҳтож эди. Шундан 9 таси авария ҳолатига келиб қолганди. Уларда дарс берувчи 242 нафар ўқитувчининг бор-йўғи 50 нафари олий маълумотли бўлган. Жиззах вилоятида 2220 нафар ўқувчининг 1134 нафари миллий чолфу созлар йўналишида ўқигани ҳолда уларга дарс берувчи 158 нафар ўқитувчининг 56 нафари олий маълумотли эди<sup>11</sup>. Каттақўрғон туманинаги 8-сонли мусиқа мактабида атиги 1 нафар олий маълумотли мутахассис ўқитувчи бўлган<sup>12</sup>. Юқоридаги мисоллардан шу нарса маълум бўладики, айниқса, вилоятлардаги мусиқа ва санъат мактаблари учун мутахассис кадрлар етиштириб бериш масаласи эътибордан четда қолганди. Бу эса юқори таълим муассасаларининг сифатли мутахассис кадрлар тайёрлаш ишига жиддий тўқиңлик қиласа эди.

Ўрта маҳсус таълим тизимида ҳам совет ҳукуматининг сўнгги йилларида инқирозли ҳолатлар ортиб борди. Шу ўринда азалдан санъат ривожланган ҳудудлардан бўлган Урганчдаги мусиқа билим юртида пианино ижрочиси йўналишига 1981 йилда 10 ўринга 6 нафар талабгор бўлганлиги, уларнинг ҳам билим даражаси ўта паст эканлиги, имтиҳонларнинг номигагина ўтказилганлиги бу йўналишда юзага келган ачинарли ҳолатнинг меваси эди<sup>13</sup>. Шунингдек, йил сайин мусиқий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси заифлашиб, иқтисодий муаммолари тобора ортиб борди. Бунинг олдини олиш мақсадида мусиқа билим юртларида янги йўналишлар очилиб, санъат билим юртларига айлантирилди. Бу йўл билан муаммонинг олдини олиб бўлмади. Мисол тариқасида республиканинг энг кекса ва йирик мусиқа таълими масканларидан бўлган Наманган давлат мусиқа билим юртида 1980 йилда «Бадиий безакчи» ва «Халқ рақс ансамблари артисти» йўналишлари очилиб<sup>14</sup>, санъат билим юртига айлантирилди. Билим юрти 1982/83 ўқув йилини 528 ўқувчи билан бошлаб, ўқув йили охирида унда 399 нафар ўқувчи қолган эди<sup>15</sup>. Бухородаги 1920 йилда очилган мусиқа билим юрти ҳам юқоридаги важлар асосида

<sup>11</sup> ЎЗР МДА. Ф. М – 7, 1-рўйхат, 195-иш, 43-варақ.

<sup>12</sup> ЎЗР МДА. Ф. М – 7, 1-рўйхат, 195-иш, 56-варақ.

<sup>13</sup> З о к и р о в С. Мактаблар талаб даражасидами? // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. № 8. 8–9-бетлар.

<sup>14</sup> ЎЗР МДА. Ф. 2487, 3-рўйхат, 6051-иш, 5-варақ.

<sup>15</sup> ЎЗР МДА. Ф. 2487, 3-рўйхат, 6051-иш, 14-варақ.

1982/83 ўқув йилидан санъат билим юртига айлантирилди ва билим юртида 90 та ўқитувчига талаб бўлгани ҳолда 59 нафар ўқитувчи мавжуд эди<sup>16</sup>. Мазкур санъат билим юртида 1983/84 ўқув йилига келиб, 98 нафар ўқитувчи зарур бўлгани ҳолда ўқитувчилар 66 нафар эди. Биргина «Фортепиано» йўналишига 8 нафар, «Миллий чолғу созлари» йўналишига 9 нафар ўқитувчи етишмас эди<sup>17</sup>. Бундай ҳолат республикадаги мусиқа билим юртларининг деярли ҳаммасига тегишли бўлиб, ўқув йили давомида ўқувчиларнинг кўпчилиги дастурни ўзлаштира олмаслиги, совет мамлакатининг бошқа ҳудудларига кўчиб кетиши, турлича сабаблар туфайли мусиқа билим юртларида таълим олувчи ўқувчилар контингентида кескин ўзгаришлар юз берар эди. Бунинг асосий сабаби республикадаги барча мусиқа билим юртларининг педагоглари ва ўқувчиларининг асосий қисми европалик миллат вакилларидан иборат эканлигига эди.

Совет тарихида «Қайта қуриш» йиллари деб аталадиган даврда ижтимоий ҳаётда жиддий таназзул ва ўзгаришлар кузатилди. Бу жамиятнинг маданий ҳаётида ҳам чукур из қолдирди. Айниқса, ижодий зиёлиларнинг ҳаёт тарзи ва меҳнат шароитлари кескин тарзда оғирлашиб борди. Шу шароитда мусиқа таълими тизимида ҳам маълум эврилишлар содир бўлди. Жумладан, Бухоро давлат санъат билим юртида 1986/87 ўқув йилида янги «Қўғирчоқ театри актёри» йўналиши ташкил этилиб, санъат йўналишлари сони ўнтага етди<sup>18</sup>. Бироқ, мазкур ўқув йилида талабгорларнинг йўқлиги сабабли «Фортепиано», «Хор дирижёри», «Бадиий безакчи» йўналишларига умуман қабул бўлмади. Аксинча, «Халқ чолғу созлари» йўналишига қизиқувчилар сони кескин ортиб кетди<sup>19</sup>. Яна бир таълим маскани — Наманган давлат санъат билим юртини ҳам 1986/87 ўқув йилида 108 ўқувчи тугаллагани ҳолда 60 нафар янги ўқувчини қабул қилди<sup>20</sup>. Жиззах давлат санъат билим юртида 1986/87 ўқув йилида 60 нафар ўқувчи олинган бўлса, 1987/88 ўқув йилида атиги 44 нафар ўқувчи жалб этишга муваффақ бўлинди. Улар ҳам «Халқ чолғу созлари» йўналишига олиниб, «Торли созлар», «Қўшиқ», «Хор дирижёри», «Мусиқа назарияси» йўналишларига умуман ўқувчи йифilmadi<sup>21</sup>.

<sup>16</sup> ЎЗР МДА. Ф. 2487, 3-рўйхат, 6048-иш, 3-варақ.

<sup>17</sup> ЎЗР МДА. Ф. 2487, 3-рўйхат, 6204-иш, 2–3-варақлар.

<sup>18</sup> ЎЗР МДА. Ф. 2487, 3-рўйхат, 6644-иш, 3-варақ.

<sup>19</sup> ЎЗР МДА. Ф. 2487, 3-рўйхат, 6644-иш, 11-варақ.

<sup>20</sup> ЎЗР МДА. Ф. 2487, 3-рўйхат, 6648-иш, 15-варақ.

<sup>21</sup> ЎЗР МДА. Ф. 2487, 3-рўйхат, 6745-иш, 17-варақ.

Совет тузумининг сўнгги йилларига келиб аҳвол шу даражага бориб етдики, оддий мактаблар эмас, маҳсус мусиқа мактаблари нинг битирувчилари ҳам чолғу созларини тўғри ижро эта олмас, билим юрти ўқитувчилари шаҳар ва унинг атрофидаги мусиқа мактабларига бориб ўқувчиларни билим юрти учун тайёрлашар, шунда ҳам кўпгина ўқувчилар мусиқа йўналишида таълимни давом эттиришни истамас эдилар. Шунингдек, янги йўналишларнинг очилиши ҳам фавқулодда тадбир бўлиб, на ўқитувчи, на зарурӣ адабиётлар бўлмаган бир шароитда кадрларни тайёрлашни бошлаб юборишарди. Шундай ҳолатлар ҳам юз бердики, айрим санъат билим юртларида «Рақс» йўналишлари очилди, ваҳоланки, на маҳсус ойнали рақс зали, на станоклар, на мутахассис ўқитувчilar ва на овоз кучайтириш ускуналари бўлмаган бир шароитда «раққоса»ларни тайёрлаб чиқарар эдилар. Бундай шароитда тайёрланган кадрлар қандай савияга эга бўлиши ҳақида баҳслашишнинг ўзи ортиқадир.

Мусиқа соҳасида етук мутахассисларни етиштиришда кўрик-танловларнинг ўрни, айниқса, каттадир. Шундай танловлардан бири «Санъат йўналишидаги ўрта маҳсус билим юртлари ёш созанда ва ижроҷиларининг Республика кўрик-танлови» эди. Танловга 1971 йилда асос солинган бўлиб, уни ҳар икки йилда муентазам равишда ўтказиб келинган. Кўрик-танлов 1984 йил апрелда Урганч, Фарғона, Бухоро ва Наманган шаҳарларида VIII маротаба ўтказилди. Конкурсда 172 нафар иштирокчининг 68 нафари Тошкентдан ва 47 нафари Фарғона водийси вилоятларидан эканлиги, айниқса, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан бор-йўғи 5 нафар ижроҷининг қатнашгани<sup>22</sup> республика турли худудларининг ўқувчилари бирдай мусиқий тайёргарликка эга эмаслигини кўрсатарди. Марказ ва минтақалардаги бу фарқ йил сайин катталашиб борди. Яна бир йирик тадбир 30 ёшгача бўлган талабгорлар ўртасида ўтказиладиган «Ёш ўзбек ҳалқ чолғу созлари ва баян ижроҷиларининг Республика конкурси» эди. Жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу танловнинг ҳам йилдан-йилга савияси пасайиб боргани кузатилади. Масалан, Ўзбек ҳалқ чолғу созлари ва баян ижроҷиларининг I Республика танлови 1971 йил ўтказилганда 101 иштирокчи қатнашган бўлса, 1974 йилда 96 иштирокчи, 1980 йил февралда 90 нафар иштирокчи<sup>23</sup> қатнашди. 1984 йил февралда Тошкентда

<sup>22</sup> ЎзР МДА. Ф. 2487, 3-рўйхат, 6145-иш, 44-варақ.

<sup>23</sup> Нельматов Р., Исломов Қ. Созлар соз бўлсин // Совет Ўзбекистони санъати, 1984. № 4. 6–8-бетлар.

ўтказилган навбатдаги (IV) танловда 87 нафар иштирокчи ташриф буюриб, уларнинг ҳам 12 нафари саралашга келмади. Танлов 1988 йилда ўтказилганда (V) унда 57 нафар ёш созанда иштирокчилар ўзаро баҳлашдилар. Уларнинг 38 нафари Тошкент давлат Консерваторияси талабалари, 7 нафари Тошкентдаги Р. Глиэр номли маҳсус мусиқа мактаби ўқувчилари бўлиб, вилоятлардан талабгорлар деярли келмади<sup>24</sup>.

Шунга қарамай, ўтган асрнинг 80-йилларида миллий мусиқий меросга нисбатан қизиқишнинг ортиб бориши ҳам кўзга ташланди. Айниқса, 1972 йил Тошкент давлат Консерваториясида «Шарқ мусиқаси» кафедраси очилиши бу борада муҳим аҳамият касб этди. Ушбу кафедрада миллий мусиқий меросни чуқур ўрганиш, уни тарғиб қилиш ҳамда миллий чолғу ижроилиги, анъанавий ижро соҳаларида етук кадрларни етиштиришга киришилди. Унда нафақат ўзбекистонлик талабалар, аспирантлар, балки Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжондан, кейинчалик Германия, АҚШ, Польша, Чехословакия, Судан, Иордания каби хорижий давлатлардан ҳам Шарқ халқлари мусиқаси ва мақом санъати билан қизиқувчи талабалар келиб таҳсил олдилар. Жаҳоннинг йирик мақомшунослари Англиядан Л. Пиккен, Германиядан Ю. Эльснер, Эрондан Баркешли ва Пуртураб, АҚШдан М. Слобин, Ироқдан Шехерезада Хассан ва бошқалар ҳам айни шу даргоҳда маърузалар қилдилар. Миллий мусиқий мерос ва мақом санъатини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида 1978 йили Самарқандда «Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг оғзаки анъаналаридаги профессионал мусиқаси ва замонавийлик» мавзуидаги I жаҳон симпозиуми<sup>25</sup> ташкил этилди. 1983 йил октябрда «Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг анъанавий мусиқаси» мавзууда Халқаро симпозиум ўтказилиб, иккинчи марта дунё мақомшунослари Самарқандга тўпландилар<sup>26</sup>. Унда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан мусиқашунослар ташриф буюриб<sup>27</sup>, ўзбек мақом меросига бағищланган 55 дан ортиқ маърузалар тингланди<sup>28</sup>. 1987 йили Самарқандда III Хал-

<sup>24</sup> ЎзР МДА. Ф. 2487, 3-рўйхат, 6725-иш, 38-варақ.

<sup>25</sup> Мақом мусобақаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. №5. 1983 йил 28 январь.

<sup>26</sup> А б д у л л а е в Р. Ўлмас наво мушоираси // Совет Ўзбекистони санъати. № 12. 1983. 2–3-бетлар.

<sup>27</sup> К а р а м а т о в Ф. Анъанавий музика ва замонавийлик // Совет Ўзбекистони санъати. № 9. 1983. 17-бет.

<sup>28</sup> ЎзР МДА. Ф. 2744, 1-рўйхат, 469-иш, 11–18-варақлар.

қаро мусиқа симпозиуми бўлиб ўтди ва дунёнинг 25 мамлакатидан келган олимларнинг 400 дан ортиқ маърузалари тингланди<sup>29</sup>. Ана шу илмий жараёнлар шарқ халқлари мусиқаси ва мақом санъатининг кенг кўламли, қиёсий ўрганилиши учун катта имкониятларни яратди ҳамда ўзбек олимлари янги авлодининг вужудга келишига муҳим омил бўлди. Шунингдек, 1983 йил 2–9 февраль кунлари М. Ашрафий номидаги Тошкент Консерваториясида мақом ижрочиларининг I Республика конкурси ташкил этилди. Танловга санъатшунослик фанлари доктори, профессор Ф.М. Караматов раҳбарлигига профессор А. Адилов, М. Тожибоев, О. Алимахсумов, Ф. Мамадалиевлардан иборат нуфузли жамоа ҳакамлик қилди. Унда Р. Курбонов, М. Тожибоев, Ҳ. Исмоилвалар, чолғучилардан А. Исмоилов ва Ў. Расуловлар мутлақ голиб деб топилди<sup>30</sup>. 1987 йил мақом ижрочиларининг II Республика конкурси бўлиб, чангда А. Холтожиев, ижрода М. Эрматов, М. Тожибоевлар голиб бўлдилар<sup>31</sup>. Бу ёшлар кейинчалик халқимиз ардоғидаги санъаткорлар бўлиб етишдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, минтақада совет ҳокимияти ўрнатилишининг дастлабки йилларида «миллий маданиятни ри-вожлантириш» шиори остида бир қатор ижобий тадбирлар амалга оширилди. Замонавий мусиқа санъати ютуқларининг жорий этилиши, айниқса, турли санъат декадалари, концертлар, миллий мусиқали драма театри, миллий опера ва балет санъати, симфоник ва камер оркестрларнинг ташкил этилиши шулар жумласидандир. Бундан советларнинг асл мақсади миллий оҳанглар асосида яратилган мусиқий асарлар орқали ўз мафқурасини кенг халқ оммасининг онгига муҳрлашдан иборат эди. Ўтган асрнинг 20-йилларида саводсизликка қарши кураш баҳонаси билан советлар халқимизнинг қадим тарихига, унинг миллий қадриятларига нисбатан аёвсиз кураш бошладилар. Ўзбек халқида миллий маданият жуда юқори бўлиб, айниқса, мусиқа санъатини ниҳоятда нозик ҳис этар эди. Бироқ, аввалига араб ёзувидан воз кечилиши ва лотин алифбоси, сўнгра кирилл алифболарига ўтилиши ҳам авлодларнинг аждодлар билан, тарихнинг келажак билан ўзаро таъсирланиш алоқасини узиб қўйди. Шунингдек, совет мафқурачи-

<sup>29</sup> Анъана ва новаторлик // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. № 12. 19–21-бетлар.

<sup>30</sup> ЎзР МДА. Ф. 2487, 3-рўйхат, 5978-иш. Материалы о проведении I Республиканского конкурса исполнителей макамов.

<sup>31</sup> Материалы о проведении конкурса якунланди, конкурс давом этапи // Совет Ўзбекистони санъати. 1987. № 4. 25-бет.

лари санъатни қўлга олиш мақсадида санъаткорларни оммавий равишда тайёрлашни бош вазифа сифатида белгилаб, бу йўлда европача таълим тизимини асос қилиб олдилар. Шарқда бундай оммавий мусиқа таълими тизими мавжуд эмас эди. Созанда ва хонандалар индивидуал асосда тайёрланиб, битта йирик санъаткорнинг шаклланиши учун 10–15 йил керак бўлар эди<sup>32</sup>. Натижада азалий устоз-шогирд анъаналари асосида шаклланган мақом мактаби инқизорзга юз тутди. Миллий мусиқий меросга паст назар билан қараш, авлодларда аждодларнинг бебаҳо меросига нисбатан бефарқ муносабат шаклана борди. Халқнинг бетакрор миллий мусиқий мероси, мусиқий анъаналари узоқ вақт эътиборсизлик, тазийқ ва тақиқлар ҳукмронлиги шароитида яшаб келди. Узоқ вақтлар соҳанинг тараққиёти ва ёшларнинг бу санъат турлари билан шуғулланиши учун бирорта ўқув даргоҳи ташкил этилмади. Барча таълим даргоҳларида миллий созлар учун европалик композиторларнинг скрипка, альт, виолончелга мўлжалланган асарларининг ўқув дастурларига киритилгани ҳам мантиқа зид ҳодиса эди. Марказий Осиёда энг йирик олий билим даргоҳи ҳисобланган Тошкент давлат Консерваториясида ҳам миллий чолғу созлари учун бастакорлар тайёрлашнинг иложи йўқ эди. Сабаби бу соҳада мазкур илмий муассасада ҳам етук мутахассислар етишмас ва дарс соатлари жуда кам ажратилган эди. Унда миллий мусиқа созлари учун белгиланган соатлар мавжуд умумий дарс юкламасининг атиги 5% ни ташкил этар эди<sup>33</sup>. Бу вазифани эса кўп ҳолларда номигагина ўтказиладиган конкурслар бажариб қолганди. Хуллас, Евроцентризм фоялари асосида ташкил этилган совет мусиқий таълим тизими ўзини оқладами, аксинча, таълим миллийликдан тобора узоқлашиб борди.

<sup>32</sup> Акбаров И. Таҳсил ва анъана // Совет Ўзбекистони санъати. 1986. № 5. 8–9-бетлар.

<sup>33</sup> Ижрочилик санъати юксалиши керак // Совет Ўзбекистони санъати. 1985. № 8. 2–4-бетлар.

Б. ИРЗАЕВ

## XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚА ТАЪЛИМИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЗИДДИЯТЛАР

Мақола замонавий ўзбек мусиқий таълими тарихига бағишиланади. Унда истиқлол арағасидаги ўзбек мусиқа таълими ҳолатига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, шўролар даврида замонавий ўзбек мусиқа таълимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, унда халқимизнинг улкан мусиқий меросига нисбатан йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг кўнгилсиз оқибатлари турли манбалар асосида ёритиб берилган ва таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* Туркистон Халқ консерваторияси, Мусиқа ва Хореография илмий текшириш институти, мусиқа билим юрти, «Шарқ мусиқаси», фортепиано, хор дирижёри, миллӣ чолғу созлари.

Б. ИРЗАЕВ

## ПРОТИВОРЕЧИЯ В РАЗВИТИИ МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В 80-Е ГОДЫ XX ВЕКА

Статья посвящена изучению истории науки о современной узбекской музыке. Особое внимание уделяется состоянию преподавания узбекской музыки до обретения независимости. Также на основе различных источников освещены и проанализированы формирование и этапы развития современной науки преподавания узбекской музыки, недостатки по отношению к огромному музыкальному наследию нашего народа и печальные последствия его недооценки.

B. IRZAEV

## CONTRADICTIONS IN THE DEVELOPMENT OF MUSICAL EDUCATION IN THE 80S OF THE 20TH CENTURY IN UZBEKISTAN

The article is devoted to the study of the history of modern Uzbek music. The main consideration is given to the conditions of Uzbek music teaching covering pre-independence period. Moreover, on the basis of various sources, formation and development stages of modern science of Uzbek music teaching, lacks related to a huge musical heritage of our nation and regrettable consequences of its underestimation are analyzed in the article.

**Ш. ҚАЮМОВА**

## МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Музей — халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсак, у шу халқнинг фарзандлари — келажак авлод қалбидаги фаҳр-ифтихор туйфусини уйғота олиши керак. Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат»<sup>1</sup>.

Ижтимоий маданият муентазам равишда ўзгараётган бир пайтда музейлар иш фаолиятини тўлақонли бутун бир организмдек ташкил этиш учун музей ишини фаоллаштириш ҳамда турли муҳим назарий ва амалий муаммоларни чуқурроқ ўрганиш, замонавий музей иши соҳасида изланишлар олиб бориш ва қулай конструктив ечимини тошиш лозим бўлади. Ўзбекистоннинг замонавий музейлар тизимида муносиб ўрин олишида музей ишининг мазмуни ва шакли тўғрисидаги эски, қотиб қолган тасавурларни бартараф этиш, янгилаш муаммолари жиддий ва долзарбdir. Музей ишини ривожлантиришда алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган бир қанча омиллар ҳам бор. Чунончи, музейлар воситасида ёшлар онгига:

- миллий фуур, миллий онгни юксалтириш учун унутилган тарихимизни қайта тиклаш;
- ёш авлодни буюк аждодлар номи ва мероси билан фаҳрланишга ўргатиш ва анъаналарнинг давомчиси этиб тарбиялаш;
- миллий қадриятларимиз асосида демократик, ҳуқуқий, қудратли Ўзбекистон давлатини барпо этиш ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш лозим.

Замонавий жамиятда музейларнинг роли асосий муаммолардан бири бўлиб, музей дунёси XX асрга келиб катта эътиборга эга бўлмоқда. Музейларнинг ижтимоий роли ҳақидаги мулоҳазалар музейшунослик муаммолари доирасида муҳим ўрин тутмоқда. Оммавий аудиторияга мурожаат этган ҳолда, илмийлик ва қизиқарлиликни муқобиллаштирилган ҳолда музейларга илмий муассаса сифатида қаралмоқда.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Тошкент, 1997. Т. 5. 135-бет.

Музейлар жамиятнинг равнақи ва ижтимоий тафаккур ривожига ижобий таъсир этётганлигини кўриш мумкин. Музей ва жамият орасидаги ўзаро алоқадорлик масаласи, ўтган давр мобайнида шаклланган класик музей концепциясидан воз кечиб, янги интилиш натижасида музей материалларини тайёрлаш учун самарадорлик йўлларини танлаш, музей фаолиятининг ноанъананавий дастурларини ишлаб чиқиш, болалар ва катталар маълумоти бўйича саволлар билан шуғулланувчи структура ва ходимларни тайёрлаш, замон талабига жавоб берадиган техник жиҳозлар билан таъминлаш ва музейларни информацион оламда кенг намойиш этиш ҳамда музей менежменти ва маркетинги каби муаммолар ечимини топиш бугунги кунда музейларнинг олдига кўйган мақсад ва вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон музейлари фаолиятида томошабинни жалб қилиш борасида турли изланишлар ва янгиликлар кашф этилаётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Россиянинг Ярославль шаҳридаги тарихий ўлкашунослик музейи 1993 йилдан бошлаб ташрифчилар учун маҳсус кечалар уюштириб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берадилар<sup>2</sup>, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Метрополитен музейида эса кириш учун белгиланган чипта нархлари барча томошабинларни қониқтириб келмоқда. Касса яқинига келган томошабин ҳатто-ки пул тўламасдан ҳам чипта олиш имкониятига эга. Чипталар ўрнида турли рангдаги значоклар хизмат қилади. Томошабин уларни тақиб олиши ва ўзи учун эсдаликка олиб қўйиши ҳам мумкин<sup>3</sup>. Жаҳонга машхур Буюк Британия, Франция, Туркия, Россиянинг бир қанча музейларида эса зиёратчилар учун маҳсус, бепул ташриф кунлари белгиланган.

АҚШ тадқиқотчиларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, музей ходимлари ташрифчиларнинг онгига таъсир этишидан аввал уларни нимадан таъсиrlанишини билишлари зарур. Сабаби инсонлар мавзууга эмас, кўпроқ буюмларга қизиқадилар ва уларни кўришга кўп вақтларини сарфлайдилар. Қайси ашё уларда кўпроқ қизиқиш уйғотса, шубуюм тўғрисида кўпроқ маълумот олишга интилишлари тадқиқотлардан маълум.

Бундай тадқиқот кейинчалик Москва музейларининг бирида тажрибадан ўтказилди: музейнинг экспозицияси мавзуга доир бўлмаган

<sup>2</sup> Озрова Д. Е. Современные формы работы с посетителями музеев Германии и России. Москва, 2002. <http://student.km.ru>.

<sup>3</sup> <http://www.metmuseum.org>.

экспонатлар билан тўлдирилди. Натижада ташрифчилар сони кескин ўсиши кузатилди. Америка музейларида эса томошабинларнинг ёшига қараб маъruzалар ўқилади, экскурсиялар аудиогидлар ёрдамида олиб борилади<sup>4</sup>.

Бундан ташқари, музей биносининг жойлашиши, кўриниши ҳам томошабинларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Музейлар, асосан, боғ, сайилгоҳлар яқинида жойлашиши, атрофи гўзал табиат манзарасидан иборат бўлиши лозим. Масалан, Жанубий Корея музейларининг барпо этилишида мазкур омилга алоҳида эътибор қаратилганлигини кузатиш мумкин. Табиийки, атрофида гўзал боғ ташкил этилган музейлар ўзининг гўзал манзараси билан ташрифчиларни жалб этиб келмоқда.

Музейларга ташрифчиларни жалб қилишда турли гурӯхлар ўртасида сўровлар ўтказишни ҳам ўзига хос усул деб қараш мумкин. Бундан кўзланган мақсад, келган ташрифчи ўзига керакли холоса чиқариши ва қайси экспонатлар салбий ёки ижобий таъсир этганлигини билишdir. Масалан, Москванинг бир қатор музейларида мактаб ёшидаги болалар билан ўтказилган сўров тадбирлари натижасида, уларнинг кўплари экскурсоводлар берган маълумотларни нотўғри тушунишгани аниқланган.

Музейнинг асосий вазифаларидан бири, ташрифчиларга экспонат ва экспозицияни тўғри тушунтириб берилиши ва муҳим маърифат ўчоги масканига айланишидир<sup>5</sup>.

Маҳаллий аҳоли ўз ўлкасининг тарихий ривожланиши хусусида қизиқарли маълумотларга эга бўлишида ўлкашунослик музейлари керакли манбаларни ўзлаштирганлиги билан жуда қўл келади. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, кўпгина музейлар инновацион шаклларда музей жамғармаларидаги ашёларни очиқ сақлаш тартибиغا ўтятипи. Бунинг учун ҳозирданоқ музейларни бир вақтнинг ўзида ашёни ҳам хавфсиз сақлаш, ҳам уни келганларга намойиш қилиш имконини берувчи умумий жамғарма жиҳозлари билан таъминлаш лозим. Музей ишини такомиллаштиришда энг асосий омиллардан яна бири, кадрлар тайёрлаш, музей ходимларининг замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириши ҳамда маҳсус дастур яратиш ёки сотиб олишдан иборатдир.

<sup>4</sup> И л а л о в И. Музееведение. Ташкент, 2006. 37-бет.

<sup>5</sup> Садыков Н. Музейное дело в Узбекистане. Ташкент, 1975. 32-бет.

Музей ходимлари ҳар ерда ва ҳар доим миллат ҳамда мамлакатнинг генофонди бўлиши, музейларнинг улкан имкониятларини очиб берга олиши лозим<sup>6</sup>.

Билим ва тажрибани турли усулда етказиш мумкин, лекин ҳеч бир муассаса инсоннинг кўриш, эшлиши, сезиш каби ҳис-туйгула-рига музейларнинг тъасир этишидек ноёб имконият билан тенглаша олмайди. Маълумки, ўтган асрнинг сўнгти ўн йиллигида жаҳон ахборот тизимида шиддат билан кириб келган халқаро Интернет тармоғи ҳозирги кунда глобаллашув жараёнида бошқа оммавий ахборот восита-ларига нисбатан катта ўрин эгаллайди. Замонавий музейшуносликнинг ривожланишида бу тизимнинг ўрни бекиёсdir.

Музейларни ахборотлаш ва Интернет тизимида маълумотлар базасини яратиш томошабиннинг музей билан танишишида ўзаро мулоқот кўринишини беради. Экспонатлар тўғрисида тўлиқ маълумот бериш ва ўзаро мулоқотлар янгича замонавий-маданий муҳитни яратади.

Экспозицияларни ахборотлаштиришдаги яна бир муҳим жиҳат музей залларида ўзига хос муҳит яратиш ва томошабинларга кўтапринки кайфият баҳш этишdir. Компьютер технологияларидан фойдаланиш эса безакчи рассомнинг қўшимча имкониятларидан саналади. Бу борада аудиовизуаль ва мультимедик ёндашув томошабин эътиборини тортишда етакчи имкониятлардан ҳисобланади. Мультимедик эффектлар зал ҳолатига мос индивидуал муҳит ҳолатини бера олади. Мультимедианинг аҳамиятли жиҳати шундаки, танланган мавзу доирасида энг қизиқарли бўлган вазият — моддий объектни экспозицияда намойиш этиш имконияти йўқлигидан мультимедия бу вазифани ўз зиммасига олади. Буларнинг барчаси анъанавий воситалар (макетлар, схемалар ва бошқалар) ёрдамида кўрсатилиши мумкин, лекин айни пайтда маълумот етказишнинг бошқа замонавий воситаларига нисбатан таъсирироқdir. Мультимедиадан шу тарзда фойдаланиш тажрибаси табиий-илмий ҳамда техник музейларда кенг кўлланилади, лекин бадиий ва тарихий йўналишга эга музейларда ҳам фойдаланиш анъанаси бугунги кунда жорий этилмоқда.

Россиядаги Дарвин давлат музейида 2010 йил февраль ойида янги мультимедиа интерактив экспозиция кўринишида «Эволюция йўлла-ри бўйлаб» мавзууда кўргазма ташкил этилган. Бу лойиҳа тўрт йил

<sup>6</sup> Альмееев Р. В. Музей жамғармаларини оптималлаштириш, сақлаш ва кўргазмалаштириш // Мозийдан садо. 2008. №2. 2–3-бетлар.

давомида яратилган бўлиб, тарихчилар, музейшунослар, дизайнерлар, ҳайкалтарошлар, видеоинженерлар ва овоз режиссёrlари ҳамму-аллифлигига юзага келди. Томошабинлар бу лойиҳа орқали 3,5 миллиард йил ўтмиш тарихга саёҳат қилишлари мумкин бўлиб, дунёниг ривожланиши жараёнларига жавоб топишлари мумкин бўлди. Бу турдаги табиий-илмий экспозиция пассив томошабинни фаоллаштириб, турли ёшдаги аудиторияни жалб эта олди. Бундан ташқари, музейга ташриф буюрганлар экспкурсовод кўмагисиз экспозицияни кўриш, эшитиш ва ҳис қилиш туйғулари билан ўзлаштириш имкониятига эга бўлган. «Эволюция йўллари бўйлаб» интерактив экспозициясида томошабинлар мавжуд ҳудудни тарк этмасдан 400 миллион йил аввал мавжуд бўлган ҳайвонот олами, инсониятнинг тадрижий ривожланиши ҳақида маълумотлар олдилар<sup>7</sup>.

Ўзбекистонда юз бераётган туб ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар жараёнида музейларнинг янги шароитларга мослашуви муаммоси ўта долзарбликни касб этмоқда. Яқин вақтларгача музейларнинг молиявий аҳволини яхшилашга етарлича эътибор қаратилмаган, чунки музейлар ҳамиша уларни таъсис қилган ташкилотларнинг қарамоғида бўлган, уларнинг фаолияти, асосан, бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланган, томошабинлардан тушумлар музейларнинг харажатлар тизимида етарли аҳамиятга эга бўлмаган. Аммо бугунги кунда бюджетдан ажратмаларнинг чекланганлиги шароитида тўла молиявий инқирозга учрамаслик, экспонатларни лозим даражада асрар, ходимларга муносиб ҳақ тўлаш, музейларнинг кенг омма учун жозибадорлигини ошириш, уларнинг ёшлар дунёқарашига таъсирини кучайтириш учун маркетинг усулларидан кенг фойдаланиш, ҳомийлик ва жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг музейларни бошқариш соҳасидаги «Музей мутахассисларини тайёрлаш ҳамда музей ходимларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартибини белгилаш» тўғрисида Низом ишлаб чиқилди. Бу Низомда музейлар учун олий ва ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш лозимлиги кўрсатилган<sup>8</sup>.

<sup>7</sup> Н а р б у т т Д. Лабиринтами эволюции // Мир музея. 2010. № 2. 37–38-бетлар.

<sup>8</sup> Музей ҳалқ тарихининг кўзгуси. Тошкент, 2011. 16-бет.

«Миллий музей фонди таркиби»га киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомда<sup>9</sup> эса болалар ва ўсмирларнинг маданий-тариҳий меросдан фойдаланиш ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш мақсадида 18 ёшгача бўлган болалар учун давлат музейларида турган Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини бир ойда бир марта бепул кириб кўриш тартиби жорий этилди.

2010 йил Маданият ва спорт ишлари вазирлигига «Музейлар йили» деб эълон қилиниши, музейлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратишга рағбат бўлиб хизмат қилди, улар замонавий техник воситалар билан таъминланди, музей фондлари, экспозицияларни қайта қуриш, чет эл йирик музейлари билан шартномалар тузиш ишларини янги сифат даражасига кўтарди.

XXI аср «Компьютер асри» деб номланмоқда. Бу даврий жараён белгиларининг музей иши ривожида ижобий ҳолатларни кашф қилиши муболага эмас. Асосийси, музей ходимлари янада мукаммал, ахборот тизими ихтисослашган илмий-амалий, қизиқарли лойиҳалар устида изланишлар олиб боришларини тақозо этади.

Ўзбекистонда музей ишини ахборотлаштириш мустақиллик йилларида шаклана бошланди. Ҳар бир музей ўз қарашларидан келиб чиқсан ҳолда мультимедиа лойиҳаларини яратмоқда. Янги мультимедиа технологияларининг ишлаб чиқилиши томошабинлар ва музей ходимлари учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Ўзбекистон музейлари экспозицияларига, одатда, чегараланган предметлар мажмуаси қўйилиб, қолган қисм фондларда қолиб кетган. Музей предметларини тўлалигича рақамли қўринишга ўтказиш уларни диққат билан кузатиш ва фондларнинг сақлов режимини ўрганиш борасида енгилликлар беради. Мазкур масалани ечиш учун бир қанча усууллар ишлаб чиқилган. Улар орасида энг кўп қўлланиладигани компакт диск-

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Музейлар тўғрисидаги Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақидаги 68-сонли қарорига мувофиқ Миллий музей фонди ва Миллий музей фондининг давлат каталоги тўғрисидаги Низомнинг ишлаб чиқилиши. Мазкур Низом Миллий музей фондининг давлат каталогини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди. Давлат каталоги — Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияси тўғрисида асосий маълумотлар базаси.

лар ва Интернет сайтларида электрон нашрларни жорий этиш ҳисобланади. Электрон нашрлар, китоб нашрларидан фарқли ўлароқ, чекланмаган матнга эга, иллюстратив материал ва бир неча хорижий тилларни умумлаштирган маълумотлар музейлар қандай қизиқарли фонд тўпламларига эгалиги ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, Интернет имкониятларидан музей ва кўргазмаларда виртуал панорама ва виртуал экспозициялар яратиш, йўқотилган экспонатларни моделировка қилиш ва реконструкциялашда унумли фойдаланиш мумкин. Томошабин фақат экскурсияни тинглабгина қолмай, экспонатни синчиклаб ўрганиши ҳам мумкин. Виртуал технология томошабинга музей экспозициялари билан сиртдан танишиш имкониятини беради<sup>10</sup>. Юқорида Миллий музей фонди ва Миллий музей фондининг давлат каталоги тўғрисидаги Низом ҳақида айтиб ўтилган эди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази ҳамда Музейларни кўллаб-қувватлаш Республика «Ўзбекмузей» жамғармаси мутахассислари томонидан «SKM-MUZEY»<sup>11</sup> ва «SKM-GID» дастурлари ишлаб чиқилди. Даствор мутахассислар томонидан хорижий ҳамда МДҲ музейлари томонидан яратилган (КАМИС<sup>12</sup>, Музеолог) электрон дастурлар ўрганилганда ушбу дастурлар орқали ягона электрон база яратишнинг имкони йўқлиги ойдинлашди. Бу жиҳатдан «SKM-MUZEY» дастури мукаммал бўлиб, ҳатто Россиянинг йирик музейлари ходимларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Агар музейлар электрон ҳужжатлаштириш ва рақамли тасвир услубларидан фойдаланиб ўз коллекцияларининг замонавий ахборот таъминлаш услубини яратсалар, бу уларга халқаро Интернет тармоғида ўзларини таништириш имкониятини беради. Бундан ташқари, доимий Интернет тизимидан фойдаланувчиларнинг музей электрон почтасидаги фикри жамланган ҳолда, уларнинг қизиқишилари асосида янги Интернет ресурс базаларини яратиш мумкин. Шунингдек, бу тармоқларда тасвир ва матн уйғунлиги орқали томошабинлар мавзуга оид узлуксиз янги ахборот тизими билан танишадилар. Музейлар электрон каталогининг яратилиши эса, мавжуд бошқа музейлар би-

<sup>10</sup> Ўзбекистон музейлари истиқболи. Тошкент, 2013. 30–31-бетлар.

<sup>11</sup> SKM-MUZEY — Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази.

<sup>12</sup> КАМИС — Мажмуавий автоматлаштирилган музей ахборот тармоғи. (Комплексная автоматизированная музейная информационная система).

лан мақсадли ҳамкорлик қилиш имконини беради. Бу борада музейлар ўзаро биргаликда турли қизиқарли коллекциялар уйғунлигига вебсаҳифалар ва миллий каталоглар тузиши ҳам самарали. Ҳозирги пайтда мавжуд веб-саҳифалар орқали турли музейларга қаратилган барча қизиқишларни ва Интернет тизимидағи фойдалари ахборотларни ҳамда янгича электрон каталоглаш, тасвиirlарни электрон кўринишида жойлаштириш каби услубларни ўрганиш мумкин. Мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва ундан музей тажрибасида фойдаланиш на мойиш этиладиган лойиҳалар негизида томошабинлар учун қизиқарли ва фойдалари бўлади.

Албатта замонавий технологиялар ва шу билан боғлиқ бўлган катта лойиҳаларни амалга ошириш учун моддий маблағ талаб этилади. **Бу** масалани ҳал этиш учун эса музейда мунтазам фаолият олиб борувчи илмий тадқиқот маркази ташкил этиш зарур. Бу марказнинг музейни моддий маблағ билан таъминлашга қандай алоқаси бор деган ҳақли савол туфилади. Жавоб эса оддий. Маълумки, халқаро ИКОМ<sup>13</sup> ташкилоти томонидан ҳар йили жаҳон музейларини ривожлантириш мақсадида бир қатор грантлар эълон қилинади. Бу грантларда қатнашиш учун эса Ўзбекистон музейларида имконият мавжуд.

Ўзбекистон-халқаро ИКОМ ташкилотига аъзо бўлган ва бўлиш учун музейларда ўзига хос бўлган мўъжазгина мунтазам илмий тадқиқот марказини яратиш керак. Мунтазам ишлайдиган илмий тадқиқот марказининг асосий вазифаси музейларда илмий-амалий конференциялар, кўргазмаларнинг илмий концепциясини яратиш, музейни оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш билан характерланади<sup>14</sup>. Музейни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб этиш, Интернет тизими орқали реклама қилиш ҳозирги кунда жаҳон музейларида кенг тарқалган усуллардан бириди. Бу ҳақли равишда ўзини оқламоқда. Музейни Интернет тизими орқали реклама қилиш учун, энг аввало, музей бу тизимда ўзининг шахсий веб-саҳифасига эга бўлиши лозим<sup>15</sup>.

<sup>13</sup> ИКОМ — Халқаро музейлар кенгаси. (ICOM— International Council of museums.)

<sup>14</sup> Исмоилова Ж. Замонавий музейлар тараққиётидаги янги йўналишлар // Музейлар замонавий Ўзбекистон маданияти тизимида. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент, 2007. 16-бет.

<sup>15</sup> Болтабоев Ф. Ўзбекистон музейлари ва Интернет: муаммолар ва уларни ҳал этиш // Музейлар замонавий Ўзбекистон маданияти тизимида. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент, 2007. 38-бет.

Ҳозирда мамлакатимизнинг қўплаб музейлари замонавий техник воситалар билан таъминланган, музей тўпламлари каталогглаштирилмоқда, мультимедиа дастурлари ишлаб чиқилмоқда ва музейларнинг веб-саҳифалари хусусида ишлар олиб борилмоқда. Бу жараённи Ўзбекистоннинг йирик музейлари — Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи ва бошқа музейлар мисолида кўришимиз мумкин.

Темурийлар тарихи давлат музейида яратилган «Амир Темур Шахсияти, Давлати, Ренессанс», «Темурийлар даври меъморчилик ва шаҳарсозлик санъатида юксалиш», «Темурийлар даври танглари», «Хориждаги меросимиз», «Амир Темур ва Темурийлар даври рассомлар нигоҳида» деб номланган мультимедиа дастурлари бунга яққол мисол бўла олади. Шунингдек, ушбу музейда томошабинлар билан маҳсус сўровнома ўтказилган. Натижада музей ташрифчиларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этиши, уларнинг қизиқишилари, мавжуд экспозициялардаги ашёларнинг тарихи батафсил ёритиб берилиши, музейда Амир Темур ва темурийлар даври акс эттирилган тарихий фильмлар намойиш этилиши маълум бўлди. Шу сабабли музейга ташриф буюрган гурухларга мавзули экскурсиялар олиб бориш билан бирга, мавзуни ўзида акс эттирган ҳужжатли фильмлар монитор ва полигранулар орқали намойиш этилмоқда. Масалан музейдаги «Жаҳон хазиналаридағи темурийларга оид жавоҳирлар» номли кўргазмада хориж музейларида сақланаётган темурийлар даврига оид ноёб ашёларнинг нусхалари намойиш этилган бўлиб, улар сақланаётган музейлар ҳақидаги маълумотлар ва ашёларнинг асл нусхалари овозли фильмлар орқали томошабин ихтиёрига ҳавола этилган. Бундан ташқари музей ўзининг Интернетдаги веб-саҳифасига<sup>16</sup> эга. Саҳифа орқали томошабинлар музейнинг тарихи, экспозицияси, музейга ташриф буюраётган расмий меҳмонлар ва бошқа ўзларини қизиқтирган маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, музейларимизда томошабинларнинг ҳордиқ чиқариши учун шароит яратиш уларга ахборот бериш билан бирга жамиятнинг маданий-маърифий ривожига ҳам улкан ҳисса қўшади.

Ўзбекистон тарихи ва маданияти музейлар коллекцияси доирасида Интернет тизими орқали таништирилиши ва замонавий дастурлар яратилиши келажакда музейлар фаолиятида янгича инновацион кўринишларнинг йўлга қўйилишида муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

<sup>16</sup> <http://www.temurid.uz>.

*Ш. ҚАЮМОВА***МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА**

Мақолада дунё музеялари соҳасидаги муаммолар, уларни бартараф этишнинг чора-тадбирлари, шунингдек, Ўзбекистонда музей ишини такомиллаштириш борасида ишлаб чиқилган қонунлар, Ўзбекистон музейларида содир бўлаётган ўзгаришлар, хусусан, Темурийлар тарихи давлат музейида экспозицияларнинг замонавий талаб доирасида ташкил этилгани ёритиб берилган.

*Калим сўзлар:* музей, ижтимоий-маданий, ижтимоий-тарихий муаммолар, интернет, техника, замонавий экспозициялар, веб-сайтлар.

*Ш. ҚАЮМОВА***О НЕКОТОРЫХ ПРОБЛЕМАХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУЗЕЕВ**

В статье отражены существующие проблемы в мировых музеях, пути их решения, а также разработанные в Узбекистане законы по развитию музеиного делопроизводства, происходящие изменения в музеях Узбекистана, в частности, создание экспозиций, отвечающих современным требованиям в государственном музее истории Темуридов.

*SH. KAYUMOVA***ABOUT SOME PROBLEMS IN DEVELOPING THE WORK OF MUSEUMS**

The article describes the existing problems in museums around the world and their solutions, the laws that regulate the development of museum work and changes happening in the museums of Uzbekistan, as well as creating modern exhibitions in the Museum of the History of Temurids.

## ИЛМИЙ ҲАЁТ

### «ТАРИХ ФАНИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖИ КОНТЕКСТИДА» МАВЗУИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ АНЖУМАНИ

2013 йил 20 декабрда Темурийлар тарихи давлат музейида ЎзРФА Тарих институтининг 70 йиллигига бағишилаб «Тарих фани Марказий Осиё интеллектуал ривожи контекстида» мавзууда республика илмий анжумани бўлиб ўтди. Анъанавий «Тарихшунослик ўқишлари» туркумида ўтказилган бу анжуман Тарих институтининг Темурийлар тарихи давлат музейи, Мирзо Уlugбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва Ўзбекистон тарихчилар жамияти ҳамкорлигига ташкил этилди. Анжуман ўтган йиллар давомида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларнинг ўзига хос сарҳисоби бўлиб, унинг иши «Тарих фани назарияси ва методологияси масалалари», «Тарих фани замон наздида: муаммолар спектри», «Марказий Осиё хорижий тарихшунослик тадқиқотлари контекстида», «Тарихий акторлар ва ижтимоий макон Марказий Осиё ёзма интеллектуал меросида», «Тарихчи ва тарихий жараён» рукнлари остида ташкил этилди.

Анжуман иштирокчилари ўз маърузаларида (Д. Алимова, Б. Абдухалимов, Р. Абдуллаев, Н. Ҳабибуллаев) мустақиллик йилларида вужудга келган эркин илмий ижод имкони туфайли тарих фанидаги концептуал ўзгаришлар арсеналининг кенгайгани, янгича методологик ёндашувлар асосида Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари холислик билан ёритилаётганини эътироф этдилар. Тарих фанининг мустақил давлат эҳтиёжларига муносиб бўлишида методологик ва назарий ёндашувларнинг янгиланиши, замонавий илфор илмий ғояларга асосланиши лозимлиги муҳокама қилинди. Тадқиқотларни амалга оширишда ва тарихий жараёнларни ёритишда тарихчи масъулияти, тарихий тафаккур тарихи ва унинг ривожига таъсир кўрсатган омиллар ҳақида, шунингдек, Ўзбекистонда археология, этнология фани ҳолати, унинг ютуқлари ва истиқболдаги вазифалари каби масалалар конференция кун тартибидан жой олди (Ш. Асадова, Н. Мустафаева, Ш. Раҳматуллаев, А. Аширов). Тарихий атамалар талқини (М. Исхаков) ва улардан фойдаланиш меъёрлари бугунги кун тарих фанида алоҳида эътибор талаб қилаётган масала эканлиги қайд этилди. Мус-

тамлака даври тарихини ёритишида катта кўламдаги янги архив маълумотларининг илмий истеъмолга киритилиши, бу мавзудаги илмий маҳсулотлар таҳлили натижасида мустамлакачилик сиёсати моҳияти ва оқибатлари тўғрисида фанга янги илмий хуносалар тақдим қилингани айтиб ўтилди (Д. Зияева). Тарихий манбашуносликка эътиборни қучайтириш, қўлёзма манбаларни ўқий оладиган тарихчи кадрларни етиштириш ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири эканлиги яна бир карра таъкидланди (С. Шодмонова, Б. Бабаджанов). Ўзбекистон тарихининг хориж илмий марказларида ўрганилишига бағишланган маърузалар хорижлик олимларнинг Ўзбекистон тарихини жаҳон тарихининг бир бўлаги сифатида қарашини намоён қилди (А. Турсунметов, Б. Алимджанов). Конференциядаги маърузалар Тарих фани ҳолати ва истиқболдаги тадқиқотларни аниқлашда ушбу тадбир назарда тутган мақсад ечими бўлди.

Конференцияда тақдим қилинган маъruzалар мұхокамасыда илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари, республика олий ўкув юртлари профессор ўқытучилари ва талабалари иштирок этдилар (Д. Кенжав, Б. Ҳасанов, А. Сабиров, А. Татибаев). Мазкур анжуман академик фан ва олий таълим муштараклигини таъминлашда, тарих фанида амалға оширилған тадқиқотлар натижасини илмий жамоатчиликка етказышда мұхим омил бўлди. Конференцияга тақдим қилинган маъruzалар асосида «Тарих фани Марказий Осиё интеллектуал ривожи контекстида» номли монографик тадқиқот вужудга келди ва китобхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Ушбу асар мустақиллик йилларида тарих фанида кечеётган жараёнларни ёритишда, мамлакат интеллектуал манзарасини яратишда алоҳида аҳамиятта эга.

## Тарих фанлари номзоди

III. Асадова

## МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

<b>3. Сайдбобоев</b>	ЎзМУ Тарих факультети «Архившунослик, манбашунослик» кафедраси мудири т.ф.н., доцент
<b>А. Замонов</b>	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ бўлим бошлиғи
<b>К. Якубов</b>	ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходим изланувчиси
<b>Г. Раҳим</b>	ЎзР МДА катта илмий ходими, фил.ф.н.
<b>С. Мухамедова</b>	ЎзР МДА бўлим бошлиғи
<b>М. Усмонов</b>	Қарши ДУ катта ўқитувчиси
<b>Ә. Раджапов</b>	ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходим изланувчиси
<b>Б. Ирзаев</b>	«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи катта илмий ходими
<b>Ш. Қаюмова</b>	ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходим изланувчиси
<b>Ш. Асадова</b>	ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

**Журнал муқовасида:** сўғдий ёзувли илк ўрта асрларга оид Чоч ҳукмдорларининг сопол муҳри. Эрмитажда сақланади.

**На обложке журнала:** раннесредневековая керамическая печать правителей Чача с надписью на согдийском языке, хранящаяся в Эрмитаже.

## **«O'zbekiston tarixi» ЖУРНАЛИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚҮЙИЛГАН**

### **ТАЛАБЛАР**

«O'zbekiston tarixi» журналиниң бир йилда 4 та сони чоп этилади. Ўзбекистоннинг энг қадимги давридан то бу кунгача бўлган тарихининг энг долзарб муаммолари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот натижалари, тарих фанининг назарий-методологик масалаларига оид мақолалар, шунингдек, тарихий манбалар ва уларнинг талқини, илмий ҳаёт янгиликлари эълон қилинади. Журналда чоп этиш учун тақдим қилинаётган мақола мавзуи долзарб, илмий аҳамиятга эга бўлиши керак. Мақоладан кўзланган мақсад ва чуқур илмий таҳлил натижасида эришилган хуносалар аниқ, равshan ифодаланиши лозим.

Журналга тақдим қилинадиган мақоланинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқача аннотацияси (40—45 та сўз) ҳамда калит сўзлар бўлиши керак.

Тақдим қилинаётган мақолаларга илмий раҳбар ёки етакчи мутахассиснинг тақризи зарур.

Кабул қилинган мақолалар таҳририят аъзолари ҳамда етакчи мутахассисларга тақризга берилади ва таҳрир ҳайъати илмий муҳокамасидан сўнг нашрга тавсия қилинади.

«O'zbekiston tarixi» журналида чоп этиш учун тақдим қилинаётган мақолалар қўйидаги талабларга мос келиши керак:

- мақола ҳажми 8—12 саҳифадан ошмаслиги, «Times New Roman» шрифтида, 14 кеглда, 1,5 интервалда бўлиши, қофознинг барча томонидан 2 см дан қолдирилиши керак. Электрон версияси ҳам тақдим этилиши зарур;

- ҳавола (сноска)лар ҳар бир саҳифа охирида қўйидаги четмакетликда берилиши керак: муаллиф (Ф.И.О.), мақола номи, манбаи (китоб, журнал), нашр жойи, чоп этилган вақти, саҳифаси;

- муаллиф тўғрисида қўйидаги маълумотлар илова қилинади: фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, илмий даражаси ва унвони, иш ва уй манзили, телефоны.

Мақола қўлёзмаси қайтариб берилмайди.

*«O'zbekiston tarixi» журнали  
таҳририяти*

nelly

Xp 13000

Индекс 1027

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2014. № 1